

УСТОЗ

μ²
γ-77

УСТОЗ

(ГОРЬКИЙ ХАҚИДА)

014745 *



ТАФУР ТУЛОМ ИОМИДАГИ
БАДИЙ АДАВИЁТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1968

Түплөвчилар:

Лазиз Қаюмов, Раҳматилла Иноғомов

Устоз. (М. Горький ҳақида.) Түплөвчилар: Л. Каюмов ва Р. Иноғомов. Т., Гафур Гулом комидаги бадиий адабиёт нашириёти, 1968. бет.
Тиражи 5000

1. Түплам.
2. Үнинг ҳақида.

Сборник. О М. Горьком.

8Р2

Индекс 7—2—2

Шубхә йүүкки, Горький — ғоят
катта санъаткор, талант эгасидир,
у бутун дунёдаги пролетар ҳара-
катига жуда күп фойда келтириди
ба бундан кейин ҳам келтиради.

В. И. ЛЕНИН

«Иироқдан хатлар»дан

I

Ленин ва Горький

Владимир Ильич Алексей Максимович Горькийни ёзувчи сифатида ниҳоятда эъзозлар эди. Унга, айниқса, «Она», «Новая жизнь»даги мешчанлик ҳақидаги мақолалари, (Владимир Ильич ҳар қандай мешчанникка нафрат билан қаради) яна «Тубанлиқда», Лочин ва Бўрон қуши ҳақидаги қўшиқлари, бу қўшиқларнинг руҳи, яна Горькийнинг «Олабўёжи», «Иигирма олти эрекак ва бир қиз» сингари асарлари ёқарди.

Кунлардан бир кун Ильичнинг Художествений театрга «Тубанлиқда»ни кўргани бориш иштиёқида ёнгани эсимда. Унинг ўз ҳаётининг охирги кунларида «Менинг университетларим»ни қай ҳолатда тинглагани ҳам эсимда.

Горький аксар ишчилар, қашшоқ шаҳарликлар, «тубанлик» ҳақида, Ильични ҳаммадан кўпроқ қизиқтирадиган қаттамлар ҳақида ёзарди; турмушни бутун конкретлиги билан, қандай бўлса шундай тасвирлар, ҳаётни инқилобчи кўзи билан, зулм, эксплуатация, пасткашлик, калтабинликка қарши нафрат кўзи билан кузатарди. Шунинг учун

ҳам Горький ёзган асарлар Ильич кўнглига яқин ва тушунарли бўларди.

Владимир Ильичнинг ўзи ҳаётни синчковлик ва иштиёқ билан кузатар, майдада нарсаларни ҳам эътибордан қочирмасди. Ильичнинг икир-чикирларни пайқаб, уларни баҳолай олишини Горький менга ёзган хатларидан бирида (1930 й.) таъкидлаб ёзган эди:

«20-йилнинг ёзи бўлса керак. Горкига борганимни жуда ҳам яққол хотирладим, мен у пайтларда сиёсатга аралашмай, бошдан-оёқ «маиший» ишларга ботган ҳолда яшардим. Владимир Ильичга турмуш икирчикирларининг кўплигидан нолидим. Гап орасида Ленинград ишчилари ёғоч уйларни ўтин қилиш учун бузишар экан, ромларни ишдан чиқариб, ойналарни чил-чил синдираётганлари, тунукаларни нес-нобуд қилишаётгани ҳолда ўзлари чакка ўтиб ётган хоналарда дераза кўзларига фанер қоқиб яшаётганликлари ва ҳоказоларни айтдим. Ишчиларнинг ўз қўллари билан бунёд этилган нарсаларни бунчалар назар-писанд қилмаётганликлари менга оғир ботган эди. «Владимир Ильич, сиз миқёси кенг режаларни ўйлайсиз, бу икир-чикирлар сизни қизиқтирмаиди», деб айтдим. У, айвонда у ёқданбу ёққа юрар экан, индамади. Мен «бекорга икир-чикирлардан гапириб, у кишини бош оғриғи қиляпман», деб ўқиндим. Чой ичиб бўлгач, у киши билан айлангани чиқдик, шунда у менга: «Мени икир-чикирларга эътибор бермайди, деб бекор ўйлапсиз, бунинг устига сиз айтган ўз меҳнатини менси-

маслик — икир-чикир нарса эмас, ҳа, икир-чикир эмас: биз камбағал одамлармиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир палён ва ҳар бир тийинни қадрлашга ўрганишимиз керак. Жуда кўп нарсалар бузилган. Хўжаликни тиклаш учун асқотадиган ҳамма бутун нарсаларни авайлаб сақлаш зарур. Аммо жамики нарсаларга ўзи хўжа бўлиб қолганлигини ҳали англаб улгурмагани учун ишчини айблаб бўладими. Бундай онглиликка тезда эришиб бўлмайди. Социалистларгина бундай онгга муяссар бўла оладилар». У бу мавзуда узоқ сўзлади. Шунда мен унинг «икир-чикир»ларни нечоғлик кўп билиши ва арзимаган майший ҳодисалардан ҳайратланарли тарзда осонлик билан ниҳоятда серкўлам умумлашмалар чиқара олишига қойил қолдим. Унинг мана шу ниҳоятда нозик қобилияти мени доимо ҳайратга солар эди. Мен таҳлил этиш ва умумлаштириш қобилияти бу қадар уйғунлашган бошқа одамни билмайман».

Алексей Максимович шу хатида яна ёзган эди: «У Каприда мен билан ўша давр адабиёти ҳақида сұхбатлаша туриб, менга тенгдош бўлган адибларни жуда ҳам усталик билан тасвирлар экан, уларнинг моҳиятини аёвсиз суратда енгил очиб ташлар эди...»

Ильич рус адабиётини яхши биларди — бу адабиёт унинг учун ҳаётни билиш қурорли эди. Бадиий асарлар ҳаётни нечоғлик тўла, ҳар томонлама чуқур акс эттиrsa, нечоғлик содда бўлса, Ильич уларни шу қадар юксак баҳолар эди.

Владимир Ильич Горький билан 1907 йилда партиянинг Лондон съездидаги яқиндан танишди, унга эътибор билан қаради, суҳбатлашди ва чин юракдан у билан яқин бўлиб қолди. Ильичнинг иккинчи муҳожирлик даврида Горькийга ёзган хатлари ма-роқлидир. Ильичнинг инсон сифатидаги қиёфаси бу хатларда ниҳоятда ёрқин гавдаланади. Ильич Горькийга ўзи келишолмаган, ўзини ҳаяжонга солган, ўйлантириб қўйган нарсалар ҳақида кескин ва очиқ-оидин ёзади. Ильич одатда ўртоқларига шундай ёзгучи эди, аммо Горькийга ёзилган хатларида ўзгача бир оҳанг бор. У кўпинча жуда ҳам кескинлик билан ёзади. Аммо бу кескинликда қандайдир ўзгача бир майинлик ҳам англашилиб туради. Хатлар ҳар доим биронта ҳодисанинг бевосита таъсири билан ёзилади. Уларда ҳиссиятлар тўлқини, ташвиш-ҳаяжон, айрим кечинмаларнинг уқубати, қувончлар, умидлар акс этади. Ильич, Горький буларнинг барини яхши тушунади, деб ўйларди. Шу билан бирга Ильич Горькийни ўз қарашларининг тўғрилигига ишонтиришни истар, ўз қарашларини қизгин ҳимоя қиласади.

Лениннинг Горькийга хатларида Ильичнинг унга бўлган ғамхўрлиги кўриниб туради. Ильичнинг одамларга қанчалик эътибор билан қараганлигини, уларга ғамхўрлик қила билишини ҳамма билади. Алексей Максимовичнинг ўзи ҳам бу ҳақда бир неча маротаба ёзган. Буни ҳамма таъкидлаб кўрсатарди.

Ильични Алексей Максимовичнинг соғ-

лиги ташвишга соларди. У Горький ҳақида канда қилмай суриштириб турар, албатта зўр малакали врачларга мурожаат этишни, режимдан чиқмасликни (буни Ильич ҳазилашиб «прижим»¹ дерди), тунлари ишламасликни маслаҳат берарди.

Ильич хорижда ишчилар билан камдан-кам кўришишга тўғри келганлигидан жуда ҳам қийналар эди. Тўғри, хорижда юрган ишчилар ҳам кўпчилик эди. Аммо улар одатда жуда тез ишга жойлашишар ва шундан сўнг маҳаллий француз ёки швейцар манфаатлари билан яшардилар ва тез орада улар хорижий ҳаётга кўнишиб, у билан ўзлашиб кетардилар. Шу сабабли Ильич чет элга қисқа муддатга келиб кетадиган ишчилар билан танишишдан қувонарди. Ильич, айниқса, Капри мактабининг ишчилари, Ложюмо партия мактабининг талабалари билан мулоқот қилишідан мамнун бўларди. 1913 йилда Поронинга (Краков яқинида, Галицияда) ишчи депутатларнинг келиши кутиларди. Горький учун Каприда рус ишчилари билан учрашиб туриш имконияти янада камроқ эди. Бу унга қанчалар оғирлигини Ильич яхши тасаввур қиласарди. У Горькийни Поронинга келишга ундей бошлиди. «Агар соғлиғингиз кўтарса, тўғриси, кўпга бўлмаса ҳам бир келиб кетинг. Лондон ва Капри мактабидан кейин яна ишчиларни кўриб кетармидингиз».

Менда Ильичнинг 1919 йил июнида ёзил-

¹ «Прижим» — бу ерда ўзини ўзи тергаш маъносида (тарж.).

ган хати сақланиб қолган. Мен у пайтда «Красная звезда» ташвиқот пароходида әдим. «Ильичга ўзимнинг илк таассуротларимни ёзиб юбордим, шунда Ильичда Горькийни ҳам мана шундай сафарга отлантириш ўйи туғилди. «Мен телеграмма юбориб,— деб ёзган әди у,— «Красная звезда»дан Горькийга каюта ажратишнинг иложи йўқ-микин, деб сўрадим. У эртага бу ерга кела-ди, мен унинг Питердан сафарга отланишини жуда ҳам истардим, бу ерда у асабийланиб қояпти. Сен ва бошқа ўртоқлар Горький билан йўлдош бўлишдан баҳтиёр бўласизлар деб умид қиласман. У жуда ҳам дилбар йигит».

Мен Ильич билан Горький бирга бўлган пайтларни кўп кўра олмадим.

Лондон съездиде бўлганим йўқ, Каприга борган әмасман, Париж, Москва, Горкида эса Алексей Максимович бизникига келган пайтларда мен уларга ҳалақит бермаслик учун доимо чиқиб кетишга ҳаракат қилас-дим.

Ҳозирда Алексей Максимович СССРда яшаяпти, сиёсий ишлар билан қизғин шуғулланяпти, алангали публицистик мақолалар ёзяпти, ишчилар билан тўйиб сұхбатлашяпти. Уни онда-сондагина кўриб қоламан, гарчи баъзан у билан Ильич ҳақида жуда ҳам сұхбатлашгим келса ҳам, лекин ҳаётимиз тинимсиз ва қўнимсиз. Ҳамма кечакундуз демай ишляяпти. Алексей Максимовичнинг адабиёт соҳасида раҳбарлик иши ғоят кўп, бу ишни ундан бошқа ҳеч ким ба-жаролмайди...

Ленин ва Горький

(Хотиралардан)

Улуг инсон, бадиий сўзниңг буюк устаси ҳаёт билан видолашди. Салмоғи мана шундай одамларда ҳар доим бўлганидек, ўлимдан сўнг уларниңг ўйнаган роллари, шахсиятлари, инсоният учун қилган хизматлари янада улканроқ, янада аҳамиятлироқ бўлиб кўринади. Алексей Максимовичнинг вафтидан кейин бу нарса, айниқса, яққолроқ сезиляпти.

Бизнинг ҳар биримизнинг ҳаётимизда унинг ўйнаган роли, асарларининг роли эсга тушади. Яширин ҳаракатимизнинг бўғиқ йиллари, Горькийнинг эркин сўздан маҳрум қилинган ёшлар учун у даврда қай даражада аҳамиятли бўлгани, унинг «Она» асарини қўлдан қўймай, қайта-қайта ўқиганларимиз, ўлмас «Бўрон қуши қўшиғи»ни ёдлаб олганларимиз ёдга тушади.

90-йилларнинг охирида Нижний Новгородга сургун қилиниб, полиция назорати остида юрган кезларимда Алексей Максимович билан ора-чира учрашгандан. Уни инсон сифатида Петроградда революция арафасида яқиндан билиб олдим. У киши билан

унинг Петербург томондаги уйида унга Лениннинг хатлари ва топшириқларини олиб келганимда учрашдим. Ильичга маблағ көрәк эди, империалистик уруш туфайли нархнаволар кундан-кунга ошиб бормоқда эди. У ўзининг сарф-харажатларида ниҳоятда тежамли бўлишига қарамасдан шундай кунлар ҳам бўлдики, адабий ишларниң йўқлиги ва ўзининг китобларини «тиқишиши» нинг иложи қолмаганлиги, айниқса, қаттиқ билинди. Шундай пайтларда Алексей Максимович жонга ора кирарди.

Агар у пайтда сиёсий ва айниқса хорижий ҳаётда рўй берадиган кўпгина нарсалардан Горькийнинг кўнгли қолган ва баъзан қандай қилиб одамлар, «яхши» одамлар сиёсий маслаклар туфайли бир-бирларидан тескари бўлиб қолишлари, ажralиб кетишлари мумкинлигига ақли бовар қилмаса ҳам, лекин Ленин ва унинг мамлакатимиз ҳамда бутун инсоният ҳаётида ўйнайдиган ролини Горький дарҳол тушунди. Шу замоноқ унга меҳр қўйди. Ильич ҳам унга шу билан жавоб берди. Ленин Горькийга кўрсаттанчалик меҳр-муҳаббатга камдан-кам одамларгина насиб бўлган. Алексей Максимович билан кўришган чоғларида унинг чехраси доимо аллақандай жонланиб кетарди. У билан соатлаб сухбатлашиб ўтира олар ва бу сухбатлардан унинг чинакам завқ олаётгани шундоқ кўриниб туради. Горький дилбар, камтарин, дилкаш одам эди. Бу уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

Яна Горькийнинг уйидаги концертлар, бунда Ильич севган куйларни ижро этиши-

ганлари, Горькийнинг дачамизга, Горкига ва тез-тез Кремлга, Лениннинг шаҳардаги квартирасига келиб туришлари ёдимга тушиди.

Горький Ильич олдига доимо қандайдир бир иш билан, турли-туман одамларнинг ўтичлари билан келарди. Ленин Горькийнинг бу илтимосларини имкони борича қондиришга, ерда қолдирмасликка ҳаракат қиласди.

Горькийнинг ёш, бошловчи адабиётчиларни тарбиялашдаги роли ниҳоятда буюkdir. Унинг ўз номига келган ёрдам, маслаҳат, у ёки бу нарсани ўқиб чиқиши сўраб ёзилган сон-саноқсиз хатларни қандай қилиб кўриб улгураётганини кўргандада ҳайратланмай бўлмасди. Уларнинг айримлари «Правда»да ишлаб турганимда менинг қўлимдан ўтган, афтидан, бу илтимослардан биронтаси ҳам жавобсиз қолиб кетмасди.

У ССР Иттилоғига олдин қисқа муддатга келиб кетиш имкониятига эга бўлганда қишлоқ ишчи мухбирларининг мажлислари ва слётларида шахсан иштирок этар, нутқлар сўзлар, ишчилар, ишчи ва дехқон аёллар билан соатлаб суҳбатлашарди. Ўзининг ёрдами, маслаҳати, дўстона сўзлари билан улардан неча-нечасини илҳомлантирган.

Энди у йўқ. Аммо ўлимидан кейин ҳам у ўз умрини бағищлаган ишини давом эттиражак. Бутун дунё меҳнаткашлари унинг абадий барҳаёт асарларидан инсонни қадрлашни, жаҳонда кўркам ва ёрқин ҳаёт барпо қилиши учун курашни ўрганадилар.

Ленин билан Горький

Максим Горький Петербургга келганида, одатда китоб ношири Константин Пятницкийнинг уйига тушар эди. Пятницкий уйида Горькийга иккита кичкинагина хона ажратилган эди. У Петербургда бўлган кунлари Пятницкийнинг катта уйи эртадан кечгача турли-туман кишилар билан: адабиётчилар, рассомлар, драма ва опера артистлари, студентлар ва ишчилар билан тўла бўлар эди, шу сабабли бу уйни чор полициясининг одамлари очиқдан-очиқ пойлаб юрар эдилар.

1905 йилнинг нояброда биз, ниҳоят, Петербургга жўнаганимизда, Алексей Максимович менга поезддаёқ: Пятницкийнинг уйини пойлайдиганларни тулғулага солмаслик ва уларни орқамиздан эргаштирмаслик учун аввал «Новая жизнь» редакциясига тушиб, сўнгра у ердан Пятницкийникуга борамиз, деди. Юкларимизни бизни кутиб олган қариндош-уругларимиз ва дўстларимиз қўлимиздан олдилар, биз эса Горький билан вокзалга яқин жойда, яъни Невскийда жойлашган редакцияга қараб кетдик.

Мана шу ерда Горький билан Владимир

Ильич биринчи марта учрашдилар ва танишдилар.

Ленин ичкари хоналарнинг биридан тез юриб чиқиб Алексей Максимовичнинг олдиға келганлиги ҳали ҳам эсимда. Улар узоқ қўл сиқиб кўришдилар. Ленин хурсанд бўлиб кулар, Горький бўлса қаттиқ уялиб ва шундай вақтлардаги одати бўйича, жуда жиддий гапиришга ҳаракат қилиб, йўгон овоз билан ҳадеб:

— Сиз шунақамисиз-а... Яхши, яхши! Жуда хурсандман, жуда хурсандман! — деб такрорлар эди.

Биз Пятницкийнига келганимиздан сўнг кўпгина вақт ўтгач, Алексей Максимович менга шундай деди:

— Об-бо... Хўп ажойиб ишлар бўляптида... Жуда аломат экан-а?

Унинг ким тўғрисида гапираётганини мен дарров фаҳмладим албатта, аммо унга тегажаклик қилиш учун атайлаб:

— Кимни айтяпсан? — деб сўрадим.

— Кимни бўларди? Ленинни айтяпман албатта! Жуда аломат!.. — Ва худди болаларга ўҳшаб: — Бу гапни мен сендан олдин айтганман, уни мен сендан олдин кўрганман, деб мақтанмай қўя қол, — деди.

У баъзан каттакон гўдакка ўҳшаб кетарди.

* * *

Горькийнинг Лондонда 1907 йили Россия социал-демократик ишчилар партиясининг V съездига келганда, Ленин билан учрашгани ҳали ҳам ёдимда.

Ленин бизни Британия музейига яқин бўлган «Империал» меҳмонхонасида олиб борди. Меҳмонхона жуда катта, зах ва кўримсиз бир бино эди, аммо бошига жой то-пишнинг негадир иложи бўлмади.

Лениннинг Горький тўғрисида ташвишлангани эсимда:

— Уни шамоллатиб қўймасак эди! Ахир, у юмшоқ иқлимга ва яхши парваришга ўрганган-ку...

Ҳақиқатан ҳам катта бўлмаган бу хона зах ва қоронги бўлиб, хонанинг ярмини катта каравот әгаллаб турар эди, катта деразани девор тўсиб турар ва хонани сунъий ўтили газ камин яхши иситмас эди. Май ойи бўлса-да, ҳаво нам ва совуқ эди.

Ленин каравот олдига келиб, чойшабни ушлаб кўрди ва Горький ўзининг соғлиғи тўғрисида бошқаларнинг ташвишланишини ёқтираслигини билганидан, менга оҳистагина:

— Чойшаблар жуда нам экан, уларни ҳеч бўлмаса мана шу аҳмоқона каминда бўлса ҳам бир оз қуритиш керак. Алексей Максимовичнинг йўтали тутиб қолиши мумкин, бу — яхши иш бўлмайди! — деди.

Бу меҳрибонларча ғамхўрлик менга жуда ажойиб бўлиб кўринди! Лениннинг кишиларга, айниқса ўтоқларига нисбатан нақадар ғамхўр эканлигини, ҳар нарсани кўришини, ҳар нарсани пайқашини ва ҳеч нарсанни унутмаслигини мен кейинчалик кўп марта кўриш имконига эга бўлдим.

Ленин кетганидан кейин Горький кўрим сиз хонада газ камин ёнидан деразаде

эшикка қараб, у ёқдан-бу ёққа узоқ вақт юрди, одати бүйича мүйловини бураб-бураб, учини оғзига олар экан, туриб-туриб, оқистагина ва хаёл сурган ҳолда:

— Ажойиб одам! — деб қўйди.

Алексей Максимович съездга маслаҳат овози билан иштирок этиш учун таклиф қилинганига жуда ҳаяжонда ва ўзида йўқ хурсанд эди. Горькийнинг съездда бўлиши уни Россиядан келган ишчи ўртоқлар билан айниқса яқинлаштирас эди. У ватанидан узоқда яшашга мажбур бўлганига жуда ҳафа эди, аммо буни ҳатто яқин кишиларидан ҳам яширас ва Россияни соғиниб қолганлигини билдиринасликка ҳаракат қилас эди.


Алексей Максимович съезднинг ҳамма мажлисларида иштирок этар экан, делегатларнинг нутқларини ва ҳатто алоҳида сўзларини ҳам ташниалик билан ўзлаштириб борар ва Ленин билан ќўришган сари унга бўлган меҳри ошиб борар эди.

Г. В. Плеханов Горькийда ёмон таассурот қолдирди ва у Плеханов тўғрисида очиқданочик:

— Тўра! — деб баҳо берди.

Алексей Максимович гарчи Плехановнинг партия учун қандай аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши билса-да, аммо унинг катта хизматлари, кенг маълумоти ва ақли тўғрисида гапирганлар билан, чунончи Богданов, Строев ва ҳатто Ленин билан ҳам қаттиқ баҳслашар эди.

Алексей Максимович яна Либерни ва Данни жуда ёқтирмас эди. Горький умуман меньшевикларни бутун вужуди билан ёмон



кўрар, бундан фақат Мартовни истисно қиласар ва уни «адашган махлук» деб атар эди; яна оддий тилда «Триадзе» деб юритилған Влас Мгеладзени ҳам бундан истисно қиласар, чунки у ўзининг кучли иродаси ва жуссадорлиги билан Алексей Максимовичга ёқиб қолган эди. Кейинчалик, бу Влас «Триадзе» Каприга келиб, бизникида кўпгина вақт туриб қолганида Алексей Максимовичнинг ҳафсаласи пир бўлди ва бир кун хўрсиниб:

— Яхши йигит бўлса ҳам, менышевик бўлганидан кейин, тез жонга тегар экан!— дегани эсимда.

Кўпчилиги овқатдан қийналган ўртоқларимизга бир оз ёрдам бериш мақсадида биз съезд бўлаётган черков биносига саватларда бутерброд ва пиво келтиришни уюштирдик.

Съезд делегатлари танаффус вақтларида Горькийнинг «Она» китоби тўғрисида кўп гапирап эдилар. Ишчиларга бу китоб ёқар эди, аммо уларнинг баъзиларига бу китобда ҳамма нарса турмушдагига нисбатан безатиброқ тасвиirlангандек кўринар эди. Бу эса Горькийни хафа қилиб қўйди ва, гарчи у танқидни доим ҳурмат қилса-да, ва уни излаб юрса-да, аммо бу гал қизгин баҳслашиди ва кишининг ҳаётидаги адолатсизликка қарши кураш доим ажойиб бўлгани учун, уни чиройли қилиб тасвиirlаш керак, деб исбот қилди.

Ленин «Она»га жуда юксак баҳо берди ва унинг пайдо бўлишини катта воқеа деб ҳисоблади ҳамда интеллигент революционерларнинг идеаллаштирилганлигини китобнинг асосий камчилиги деб билди.

Бир вақт Горький немис социал-демократлари унда қандай таассурот қолдирғанлары түгристе Ленинга ҳикоя қилған эди. Горький Берлинде бўлган вақтида Бебель, Каутский, Карл Либкнехт, Роза Люксембург ва бошқалар билан учрашган эди. Горькийга фақат Либкнехт билан Роза Люксембург ёқкан эди. Бебелга келганда, Горький унинг уига борганида кўпдан-кўп ёстиқчаларни, салфеткачаларни, пардачаларни, саъвалар солинган қафасчаларни ва немис мешчанларига хос бошқа шу кабиларни кўриб қаттиқ аччиқланиб, у билан жуда қуруқ муомала қилған эди.

Луиза Каутская Бебель билан ёнма-ён ўтириб, негадир бирдан Бебелнинг қўлини ўпид олганини кўрган Горькийнинг кўк кўзларини катта очиб, ҳайрон бўлиб қараб қолганини кўрсангиз эди.

Катта овқат столи атрофида ўтириб, кечки овқатни еяётганимизда Горькийнинг рўпарасида ўтирган кампир (Бебелнинг хотини) семиз ва бегам Зингер билан нима тўғрисидадир қизгин сухбатлашмоқда эдилар.

Горький мендан у кампирнинг нима тўғрисида гапираётганини сўради, ана шу пайтда Бебелнинг хотини Зингерга сўнгги вақтда жўжаларнинг қимматлашиб қолганлиги, унинг эри Август эса жўжадан бошқа ҳеч нарсани емаслиги ва ўша куни иккита яхши жўжани арzonгина нархда сотиб олганлиги тўғрисида гапирмоқда эди.

Горький уларнинг нима тўғрисида сухбатлашётганини билгач, ҳайрон бўлганидан ҳатто томоғини қириб, қаттиқ хўрсиниб

қўйди ва бу билан кекса Бебелни чўчитиб юборди.

Горькийнинг 1905 йил ҳақидаги, Москва-даги революция ҳақидаги ҳикоялари немис социал-демократияси доҳийларида таассурот қолдирмади. Унинг сўзларини назокат билан, аммо шубҳомиз тингладилар. Горький буни дарҳол сезиб, сўзини тўхтатди, кечки овқатдан кейин эса кетишга шошилиб, дарҳол хайрлаша бошлади ва бу билан ҳаммани жуда ҳайратда қолдирди.

Горький фақат ўзига хос кулгили бир оҳангда немис социал-демократлари ҳузурида бўлганлигини Ленинга ҳикоя қилиб берганида Ленин кўзидан ёши чиққунча кулди ва ҳадеб янгидан-янги тафсилотларни бирмабир сўрайверди.

Горькийнинг инглиз ёзувчилари билан учрашувлари ҳақидаги ҳикояси Ленинни жуда қизиқтирган эди. Горький Бернард Шоу билан, Америкада бўлганидаёқ учрашган, Г. Уэллс билан ва бошқа унча машҳур бўлмаган ёзувчилар билан учрашган эди, аммо у ўзининг бу учрашувлари тўғрисида истар-истамас сўзларди: чунки унда съезд ҳамда рус дўстлари билан бўлган учрашувларнинг таассуроти кучли эди.

* * *

Ленин Лондонда съезд ишлари тамом бўлганидан сўнг Каприга келишни Горькийга ваъда қилиб, ваъдасининг устидан чиқди.

Уни кутиб олар экан, Горький болаларга ўхшаб ҳовлиқиб қолган эди. У Ленинга бу

ернинг ёқишини жуда истар, унинг яхши дам олиши ва куч тўплаши учун шароит яратиб беришга ҳаракат қиласади.

Улар ҳар куни денгизда балиқ овлашар ва бу ишдан ҳеч зерикмас, балки, аксинча, бир-бирлари билан очиқ сұхбатлашиш имконига эга эдилар, чунки қайиқда улар билан бирга каприлик балиқчилар билан мендан бошқа ҳеч ким бўлмас эди.

Горький Ленинга Нижний Новгород ҳақида, Волга ҳақида, ўзининг болалик чоғлари тўғрисида, бувиси Акулина Ивановна ҳақида, ўзининг ёшлик чоғлари ва саргардонликлари тўғрисида ҳикоя қиласади. Отаси тўғрисида ва айниқса буваси ҳақида кўп гапиради.

Ленин одатдагича бир оз қисилган кўзларини ялтиллатиб, уни зўр диққат билан тинглар эди ва бир кўни Горькийга:

— Мана шуларнинг ҳаммасини ёзсангиз бўлар эди, биродар! Буларнинг ҳаммаси жуда ибраториз, жуда ажойиб нарсалардир...— деди.

Горький ҳайрон қолиб жим бўлди ва уялгандек йўталиб, камтарлик билан:

— Ёзаман... вақти билан,— деб қўйди.

Горький Ленинга Помпеяни ва ўзи жуда яхши билган Неаполь музейини завқ билан кўрсатди. Улар иккови Везувийни ва Неаполь атрофларини томоша қилдилар.

Горький ажойиб ҳикоя қиласади. У иккича сўз билан бирор кўринишни, воқеани ёки кишини тасвирлаб бера олар эди. Унинг бу хусусиятига Ленин айниқса қойил қолар эди. Горький бўлса ўз навбатида Владимир

Ильичнинг равшан фикрларига, соф ақлига, унинг кишига, ҳодисага тўғридан-тўғри, оддий ва ғоят равшан баҳо бера олишига ҳамиша қойил қолар эди.

Менинг фикримча, худди ана шу вақтдан бошлаб Ленин Горькийни жуда яхши кўриб қолган эди. Лениннинг Горькийдан хафа бўлганини ҳеч кўрган эмасман. Горький Ленинни жуда қаттиқ севар ва ундан ғоят завқланар эди.

Парижга кетатуриб, Владимир Ильич Надежда Константиновна билан бирга яна Каприга келишига қатъий ваъда қилган эди. Афсуски, бу ваъда тўла бажарилмади, у Каприга иккинчи марта келди-ю, аммо Надежда Константиновнасиз келди ва ўзи ҳам жуда кам турди.

Ўша вақтда А. В. Луначарский, А. А. Богданов, В. А. Базаровлар ҳам Каприда эдилар. Нашриёт ишлари билан Берлиндан бизнинг эски дўстимиз ва ўртоғимиз И. П. Ладижников ҳам келган эди.

Биз фуникулёрдан ўша вақтда турган жойимизга, Бэдус вилласига қараб кетаётганимиздаёқ Алексей Максимович Владимир Ильичга: Богданов сизга жуда қаттиқ меҳр қўйган, Луначарский ва Базаров жуда талантли ва ақлли кишилар...— деб гапира кетди.

Владимир Ильич бўлса Алексей Максимовичга ён томондан кўзини бир оз қисиб қаради-да, жуда қатъий равишда:

— Беҳуда уринманг, Алексей Максимович. Бундан ҳеч қандай натижка чиқмайди,— деди.

Богданов, Базаров ва Луначарскийлар Владимир Ильич билан келишиш йўлларини топишга бир неча марта уриниб кўрган эдилар, аммо Владимир Ильич, ихтилофнинг муайян босқичида қандай бўлмасин мунозаранинг мутлақо фойдасиз эканлигини равшан тушунганлигидан, философия темаларида сўзлашибдан очиқдан-очиқ ва қатъий бош тортар эди. Улар, шу жумладан Алексей Максимович ҳам, Владимир Ильични ана шундай суҳбатга тортиш учун қанча уринишса-да, бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Горький эса бу ихтилофларнинг маъносига тушунишни истар, ўртоқлар ўртасидаги кескин келишмовчилик уни жуда қаттиқ ташвишга солар эди.

Владимир Ильичнинг бу галги келишида Алексей Максимович у билан ёлғиз қолиб, узоқ вақт суҳбатлаша олмади: бошқа кишилар борлиги халақит берар эди. Владимир Ильич Каприда атиги бир неча кун бўлди, у кетганидан сўнг эса Горький жуда маъюс бўлиб қолди ва узоқ вақтгача бу маъюсликдан чиқа олмади.

«В. И. Ленин ҳақида хотиралар» китобидан.
Уздавнашр, 1957.

Автобиография

1869 йил 14 марта Нижний Новгородда туғилдім¹. Отам — солдат фарзанди бүлгап. Онам мешчанлардан чиққан. Отам томонидан бувам офицер бўлиб, *Николай Биринчи уни қуий увонли ҳарбийларга зуғум ўтказгани учун* даражасини пасайтирган. Бу шунчалар қаттиққўл, беаёв одам эканки, менинг отам ўн ёшидан то ўн еттига киргунча уйдан беш марта қочган. У охирги марта қошишида бутунлай кетицига муваффақ бўлади.— Тобольскдан Нижнийга пиёда келиб бу ерда уйларга парда қоқувчи устага шогирд тушади. Афтидан, у иқтидорли ва саводхон бўлса керакки, йигирма икки ёшида-ёқ уни Колчин пароходчилиги (ҳозирда Карпованики) Астрахандаги конторасига иш бошқарувчи қилиб тайинлаган. У бу ерда 1873 йилда мендан вабо юқтириб ўлди. Бувимнинг айтишича, отам эс-ҳушли, меҳрибон ва жуда ҳам қувноқ одам экан.

Онам томонидан бувам ишни Волгада бурлаклик қилишдан бошлаган, уч сафардан

¹ Ҳужжатлардан аниқланишича, *M. Горький* 1868 йил 28 (16) марта туғилган.

сүнг балахналийк савдогар Заевнинг карво-нида приказчик бўлиб кўтарилиган, кейин нилчилик билан шугулланиб, жир битиб, мол-бисот орттирган ва Нижнийда бошлама-сига каттагина нилчилик устахонасини оч-ган. У тез орада шаҳарда бир неча уй ва гул босадиган ҳамда ранглайдиган устахоналарга эга бўлган, цех бошлиги бўлиб сайланган ва шу мансабда тўқиз йил хизмат қилган, кейин ўзини касаба боши қилиб кўтаришмаганидан аразлаб, бу ишдан воз кечган. У жуда ҳам диндор, гоятда золим ва ўлардай хасис одам бўлган. Тўқсон икки йил умр кўрди ва ўлимидан бир йил бурун, 1888 йилда ақлдан озиб қолди.

Отам билан онам «бебошлик» қилиб турмуш қуришган, зотан бувам ўзининг суюкли қизини келажаги номаълум, насли насаби йўқ одамга беришга рози бўлмасди, албатта. Менинг онам ҳаётимда ҳеч қандай из қолдирмаган, зотан, мени отамнинг ўлимига сабаб бўлган деб хуш кўрмасди, иккинчи қайта турмушга чиқандан кейин эса мени бутунлай бувамнинг қўлига тошириб қўйди. Бувам бошламасига менга псалтир¹ билан часословни² ўргатиб, тарбиямга киришиди. Етти ёшга кирганимда мени мактабга беришди, бу ерда мен беш ой ўқидим. Ёмон ўқирдим, мактаб тартибларини ҳам, ўртоқларимни ҳам кўргани кўзим йўқ эди, зотан,

1. Псалтир — забур — христианларнинг диний китоби.

2. Часослов — баъзи ибодатлар пайтида ўқила-диган дуолар китоби. Эски замонларда часословдан ўқиб савод чиқарилар эди (тарж.).

мен дўимо ёлғизлиқни ёқтиардим. Мактабдан чечак юқтириб, ўқишига барҳам бердим. Қайта ўқиганим йўқ. Бу вақтга келиб онам тез авж оладиган силга йўлиқиб ўлди. Бувам эса синди. Унинг катта оиласида — иккита ўғли хотин, бола-чақалари билан бирга туришарди — мени бувимдан ўзга ҳеч ким яхши кўрмасди. Бувим ниҳоятда меҳрибон, мушфик, фидойи кампир эди. Мен у кишини умр бўйи ҳурмат ва муҳаббат туйғуси билан ёдга оламан. Менинг тогаларим борида чора-чора яшашни, тўйгунча еб, тўйгунча ичишни ёқтиришарди. Улар ичиб олишиб одатда бир-бирлари, ёки бизницидан доимо қадами аrimайдиган меҳмонлар билан ёқалашишар, ё бўлмаса хотинларини калтаклашишарди. Бир тоғам иккита хотинни гўрга тиқди, бошқаси — биттани. Баъзан мени ҳам уришарди. Бундай шароитда онга таъсир қилувчи нарсалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, бунинг устига менинг ҳамма қариндошларим чаласавод одамлар эди.

Саккиз ёщимда мени пойафзал дўконига югурдакликка бердилар, лекин икки ойчадан кейин қўлимга қайноқ қарам ўйрва тўкилиб куйиб қолди ва хўжайин яна мени бобомга қайтариб юборди. Тузалганимдан сўнг мени узоқ қариндошларимиздан бўлган чизмакашга шогирдликка беришди, аммо бир йил ўтгач, ниҳоятда оғир шароитда қийналиб кетдим ва бу ердан қочиб, кема ошпаэига шогирд тушдим. Ошпаз истеъфога чиқкан гвардиячи унтер-офицер Михаил Антонов Смурий эртаклардаги баҳодирларга

ўұшаш, құрс, үқимишли одам әди; у менда китоб ўқишиңға ҳавас уйғотди. Мен шунгача китобларни ва ҳар қандай босма қоғозларни жонимдан ёмон күрардим, аммо менинг устозим калтакнинг зўри билан баъзан эса бошимни силаб, китобнинг улуғ аҳамиятини англашга, уни севишиңға ўргатди. Менга биринчи марта ҳаддан зиёд ёққан китоб — «Солдат қандай қилиб Улуғ Петрни қутқаргани ҳақида ривоят» бўлди. Бу китобдан эсимни йўқотиб қўяй дедим. Смурийнинг аксари чарм жилдли китобчалар билан лиқ тўла сандиги бўларди: бу дунёдаги энг ғаройиб кутубхона эди. Бунда Эккартаузен Некрасов билан, Анна Радклиф — «Современник»нинг жилди билан ёнма-ён ётарди, сандиқда яна «Искра»нинг 1864 йилги сонлари, «Умид тоши» ва кичикrossия тилларидаги китобчалар бор әди.

Шу пайтдан бошлаб қўлимга нима тушса шуни ўқийдиган бўлдим; ўн ёшимда кундаклик тутиб унга ҳаётдан ва китоблардан олган таассуротларимни ёзиб бордим. Бундан кейинги ҳаётим ранг-баранг ва мураккаб кечди: ошпазликдан яна чизмакашга қайтиб бордим, ундан кейин санамлар сотиб юрдим. Грязе-Царин темир йўлида қоровул бўлдим, новвойлик, нонфурушлик қилдим. Чалдиворларда яшашга тўгри келди. Бир неча марта Россия бўйлаб саёҳатга чиқдим. 1888 йилда Қозонда турган пайтимда биринчи марта студентлар билан танишдим, мустақил ўқиши тўгаракларида қатнашдим. 1890 йилда мен интеллигенция орасида ўз ўрнимни тополмай, саёҳатга кетдим. Нижнийдан Царицин-

гача желдим, ундан Дон ва Украина орқали Бессарабияга ўтдим, бу ердан Қримнинг жанубий соҳиллари бўйлаб Ўзбекистонга, Қора дengизга бордим. 1892 йилнинг октябринда Тифлисда яшадим, бу ерда «Кавказ» газетасида ўзимнинг биринчи очерким «Макар Чудрани» бостиридим. Бу ҳикоя учун кўп мақташди, шундан сўнг Нижнийга келиб Қозоннинг «Волжский вестник» газетаси учун кичик ҳикоялар ёзишга уриндим. Ҳикояларни жон деб қабул қилишар ва босиб чиқаришарди. «Русские ведомости»га «Емельян Пилляй» очеркимни юбордим. Буни ҳам қабул қилиб, босиб чиқаришди. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, маҳаллий газеталарнинг «бошловчи» ёзувчиларнинг асарларини бу қадар осонлик билан босиб чиқариши кишини ҳайратга соларди, назаримда, буни ё жаноб муҳаррирларнинг ўта меҳрибонлиги, ё уларнинг бадиий диддан тамомила маҳрум эканликлари билан изоълаш мумкин.

1895 йилда «Русское богатство»да (6-китоб) менинг «Челкаш» номли ҳикоям эълон қилинди — ҳикояни «Русская мысль», билмадим, қайси бир китобида баҳолаб ўтган эди. Ўша йили «Русская мысль»да «Хато» деб номланган очерким чиқди — янглишмасам бу очерк ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ. 1896 йилда «Новое слово»да «Қайғу» деб аталган очерким босилди, уни «Образование»нинг сентябрь китобида шархлаб ўтилган. Шу йилнинг ўзида «Новое слово»нинг март сонида «Коновалов» очерким чиқди.

Шу пайтгача ўзимни қаноатлантирадиган биронта ҳам асар ёзганим йүқ, шунинг учун асарларимни асралб үтирумайман, ergo: юборламайман. Билишимчя, менинг ҳәётимда ажойиб ҳодисалар бўлмаган, боз устига мен бу сўзлар нималарни англатиши мумкинлигини яхши тасаввур қилмайман.

1897.

Крим, Алупка, Хожи Мустафо қишлоғи.

«XX аср рус адабиёти», проф. С. А. Венгеров таҳтири остида Т. 1, «Мир» ўртоқлик нашриёти, М., 1914.

* * *

1868—69 йилларда 14 марта Нижнийда бўёқчи Василий Васильевич Каширин оиласида унинг қизи Варвара билан Пермь мешчанларидан бўлган парда қоқувчи ва қоғоз қопловчи уста Максим Савватиев Пешковдан дунёга келдим. Ушандан бери бўёқчилик цехининг цехавои унвонига доғ туширилай фахр билан кўтариб юраман... Беш яшарлигимда отам — Астраханда, онам — Кунавине слободасида ўлди.

Онамнинг вафотидан сўнг бобом мени пояфзал дўконига берди: у пайтда онадан тугилиб тўққизга кирган эдим, бобом мени псалтир билан часослов ўқитиб саводли қилди. «Югурдақлик»дан қочиб чизмакашга шогирд тушдим, бу ердан ҳам қочиб санамхонага кирдим, кейин кема ошпазига ёрдамилий қилдим, сўнг боғбонга шогирд туш-

дим. Үн беш ёшимгача мана шундай машғулотлар билан шуғулландим. Бу орада номаълум адиларниң «Гуак ёхуд Енгилмас садоқат», «Андрей Бесстрашний», «Японча», «Яшка Смертенский»га ўхшаган классик асарларни танлаб ўқиб бордим.

Кемада ошпазлик қилиб юрганимда менинг ўқимишли бўлишимда ошпаз Смурий қаттиқ таъсир ўтказди. У мени авлиёлар солномаларини, Эккартгаузенни, Гоголь, Глеб Успенский, Дюма-отани ва франк-мансонларнинг жуда кўп китобларини ўқишга мажбур қиласарди. Унгача китобларни, умуман босма қоғозларни, паспортни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, кўргани кўзим йўқ эди.

Ўн беш ёшимдан кейин ўзимда ўқишга тўхтатиб бўлмас бир иштиёқ сездим ва шу мақсадда хоҳиш бўлса текинга илм ўқитиляди, деб ўйлаб Қозонга йўл олдим. Аммо бундай бўлиб чиқмади, натижада мен ойига уч сўмданга новвойхонага кирдим. Бу — мен қилиб кўрган ишларнинг энг оғири эди.

Қозонда «собиқ кишилар» билан яқинлашдим ва узоқ вақт ӯирга яшадим: «Коновалов» билан «Собиқ кишилар»га қара. Устьеда ишладим, ўтин арраладим, юк ташидим ва қўшиб қўяйлик, меҳрибон одамлар тиқиширган турли-туман китобчаларни ўқидим. 1888 йилда ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Бир қанча вақт касал ётдим, кимдир олма сотиш билан шуғулланиши ҳам керак эканки, ҳайтовур менга жон битди...

1892 йилда иккинчи марта нижегородлик адвокат А. И. Ланинга хат ташувчи бўлиб хизматга кирдим. Унинг менинг маъ-

лумотли бўлишимда кўрсатган таъсири бекиёс даражада улкан. У ниҳоятда чуқур билимга эга бўлган, камдан-кам топиладиган олижаноб одамлардан эди. Мен ҳаммадан кўпроқ унинг олдида қарзорман...

Нижнийда 93—94 йилда¹ В. Г. Короленко билан танишдим, у мени катта адабиётга олиб кирганидан миннатдорман. У менга кўп нарса қилди, кўп нарсани кўрсатди, кўп нарсага ўргатди.

Бу ҳақда ёзинг, албатта ёзинг: Горькийга ёзишни Короленко ўргатди, агар Горький Короленкодан етарлича ўрганолмаган бўлса, бунда Горькийнинг ўзи айбор, деб ёзинг. Горькийнинг биринчи муаллими — ошпаз Смурий, иккинчиси — адвокат Ланин, учинчиси — «жамиятдан ташқари одам» Калюжний, тўртичиси — Короленко, деб ёзинг.

Бошқа ёзгим йўқ. Бу улуғвор одамларни эслаб кўнглим бузилиб кетди; ўзимни босиб ололмаяпман².

Бир қисми Горькийнинг ўзи томонидан, бошқа қисми унинг сўзларидан ёзиб олинган автобиография парчалар ҳолида Д. Городецкийнинг «Икки портрет» («Семья» журн. 1899, № 36) мақоласида босилган.

Гринвуд руҳимни жуда тетик қилди, юрагимга далда берди, сўнгра ундан кейин

¹ Бу ўринда Горький янгилишган. У Короленко билан 1889 йилда танишган.

² Автобиографик лавҳаларни русчадан И. Гафуров таржима қилди.

«Евгения Гранде» деган ҳақиқий «түғри» китоб қўлимга кирди.

Гранде чол худди бобомга ўхшар эди, бироқ китобнинг кичкиналиги мени хафа қилди, унда ҳақиқатнинг кўплиги мени ажаблантириди. Менга яхши таниш бўлган ва турмушда кўп кўриб безор бўлганим бу ҳақиқатни китоб бутунлай бошқача, яъни бежаҳл, бегазаб ором билан кўрсатар эди. Гонкурнинг китобларидан бошқа ўқиган китобларимнинг ҳаммасида одамларни худди хўжайниларимга ўхшаб гийбат қилиб ёмонлар эдилар ва кўпинча бу китобларни ўқиганда кўнгилда жиноятчига муҳаббат туғилса, яхши, эзгу одамлар ғашингга тегар эди. Одам боласи жуда кўп ақл ва ҳаракат сарф қилиб тилагига етолмаганини кўрганда жони а chir эди, чунки эзгу кишилар китобнинг биринчи бетидан охиригача унинг қаршиисида қаққайган қозиқдек қотиб тураверардилар, шу қадар устиворлар улар.

Чунки девор ҳар қанча мустаҳкам ва чиройли бўлса ҳам, бу девор орқасидаги олманинг мевасидан узмоқни хоҳлаб қолсанг, деворнинг чиройли ва мустаҳкамлиги қараб ўтирулган. Менга энг қимматли ва қеракли нарса ана шу эзгуликнинг орқасида қаергадир яширилгандай туюлганди...

Гонкур, Гринвуд, Бальзакнинг китобларида на нобакор ёмонлар ва на сахий одамлар тасвир этилмай, ҳаётдаги ҳақиқий, оддий кишилар тасвирланган эди. Улар ўзлари томонидан айтилган ва қилинган нарсалар бошқача эмас, айнан шу тарзда айтилиши ва қилиниши керак деб ишонтиардилар.

Шундай қилиб, «түгри ёзилган яхши» китобнинг қандай улуғ шодлик эканини англадим. Бироқ бу хил китобни қандай топиб бўлади? Бу тўғрида бичиқчи хотини менга ёрдам беролмасди...

Бахтсизликдан, бетобликдан, ҳасрат ва нолишдан ҳазар қилас, ёмон кўтар әдим; даҳшатли ҳодисаларни кўрганимда тўкилган қон, уруш ва жанжаллар, ҳатто бироннинг ҳақорат қилинганини ҳам кўрганимда, булар юрагимда бир нафрат қўзгатар әдилар; бу нафрат аллақандай совуқ телбаликка айланар, сўнгра худди бир йиртқичдек ўзимни ҳам муштлашар, аммо кейин ўзим хижолат тортиб, номус қилас әдим.

Баъзида биронвга озор берган одамни кўрсан уни уриб эзиг ташлагим келар ва телбалардек муштлашиб кетар әдим, шундай жазавам тутар әдики, ожизликдан ва юракдаги аламлардан ҳосил бўлган бу телбалик ёдимга тушганда, ўзимдан номус қиласман, юрагим эзилади.

Жасадим бир, лекин маънавиётим икки эди. Бириси ифлослик ва палидликларни кўп кўриб, бирмунча чўчиб қолган турмушнинг даҳшатларини кўп кўриб, бутун турмушга ва барча инсонларга ишончсизлик билан шубҳаланиб қаар, барчага ва жумладан, ўзимга ҳам раҳм қилас ва лекин кучсиз ва нотавон эди. Менинг бу томоним одамлардан йироқда, монастирда ёки ўрмондаги темир йўлдаги қоровулхонада яшамоқни, китоблар билан ўз бошига танҳо фа-

қирилкда яшамоқни истар, Эронни орзу қилас, шаҳарнинг йироқ бир бурчида кечакоровули вазифасини тилар эдим. Одамлардан йироқда турмоқни, уларни камроқ кўрмоқни истар эдим.

Донишлар билан тўлган чин китобларнинг муқаддас руҳидан ғидо олган иккинчи томоним турмушдаги даҳшатларнинг яғмогар кучларини кўриб бу куч унинг бошини ҳам осонлик билан танидан жудо қиласажагини сезиб, ифлос оёғи билан унинг қалбини ҳам босиб поймол қиласажагини пайқаб, тиштириноғим билан ўзимни мудофаа қилас, тишларимни ғижирлатиб, муштумимни кўтариб, доим ҳар бир жанг ва ҳар бир олиш-тутишга тайёр бўлиб шайланиб туар эдим. Менинг бу иккинчи томоним бирорни яхши кўрганда ҳам, ачинганда ҳам жон-дил билан яхши кўпар ва ачинар эди, французвча романларда тасвир этилган ботир қаҳрамонлар сингари учинчи нидони эшитганда қилични қинидан чиқазиб, жанг майдонида ҳозир бўлар эди.

Нега мен бу разилликларни ҳикоя қиласман? Ҳурматли афандилар, буни билиб қўйинг, деб ҳикоя қиласман, чунки ҳали ҳам бу ҳодисалар бор, ҳали ҳам бу разилликлар битганий йўқ! Ўйлаб чиқарилган ваҳимали ҳикоялар сизга ёқади, чиройли қилиб либос кийгизилиб ҳикоя қилинган даҳшатли воқеалар сизга ёқади, хаёлий ваҳималар кўнглингизни ҳаяжонга солиб лаззат беради. Мен бўлсам, ҳақиқатан, даҳшатли фожиаларни, турмушда ҳар кун кўринадиган даҳ-

шатларни биламан ва қандай яшаганимизни, нималар билан машғул бўлганингизни ёдингизга солмоқ учун бу даҳшатларни ҳикоя қилиб, кўнглиңгизга ғашлик солишга, хафа қилишга ҳеч ким мункир келолмайдиган ҳаққим бор.

Ҳаммамиз разил ва ифлосликда яшаймиз, гап ана шунда!

Мен одамларни жуда севаман, ҳеч кимни ранжитмасам, ҳеч кимга озор бермасам дейман, бироқ бағри юмшоқ, кўнгилчан бўлмоқлик ярамайди ва безангтан ёлғон, тоблама сўзлар билан даҳшатли ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Ҳаётга боқайлик, ҳаётга! Қалбимиз ва зеҳнимизда одамгарчиликдан бўлган барча яхшиликларни шу ҳаёт сувига эритмоқ керак.

Хотинларга бўлган муносабат мени айниқса телбалантирас әди; романларни кўп ўқиб хотинларга турмушнинг энг яхши томони ва энг муҳим бир бўлаги деб қарашга одатланиб қолган әдим. Бувим, унинг Исонинг онаси Маръям ва доно Василиса тўғрисидаги ҳикоялари, бечора ва баҳтсиз кирчи Наталья менинг далилим әдилар; тирикчиликнинг онаси бўлган хотинлар, шодлик ва хурсандчиликни кам кўрган, муҳаббатга ташна бўлган бу турмушни табассумлари ва қарашлари билан бежаган, уни ясатган ва мен билган бир неча минг хотинларнинг юзларидаги табассум, кўзларидаги меҳр менинг далилим әди.

Тургеневнинг китоблари хотинлар шаънига айтилган мадҳия әди; хотинлар тўғрисида билган яхшиликларимнинг барчасини

әсімдан чиқмаган Маликага багишлар әдім;
Гейне билан Тургенев бунинг учун айниқса
күп қимматбақо хазиналар бердилар.

Кечқурун ярмаркадан қайтиб келаётганимда Кремль девори ёнидаги тепа устига чиқиб Волга дарёсининг у томонида куннинг ботишини, осмон юзида оқиб бораётган ўт дарёларни ва ер юзидаги мен севган дарёнинг қизариб, кўкариб боришини томоша қилар әдім. Баъзида бундай чоғларда бутун ер юзи маҳбуслар билан тўлган катта бир қайиққа ўхшар әди; бу қайиқнинг башараси чўчқага ўхшайди ва кўзга кўринмаган бир кема уни ялқовлик билан қаёққадир судраб кетмоқда.

Бироқ, аксари ернинг улуғлиги тўғрисида китоблардан ўқиб билган шаҳарларим, биздагидек эмас, бошқача тирикчилик қилган ўзга юртлар тўғрисида хаёл суриб кетар әдім. Ўзга мамлакатларнинг ёзувчилари ёзган китоблардан турмуш соф, мулойим, меҳрибон ва менинг теварагимда доим бир хилда имиллаб секин қайнаётган тирикликтан кўра осон ва машаққатсиз тасвир қилинарди. Бу ҳол кўнглимдаги ташвишни йўқотиб, мени тинчлантирас ва ўзга бир ҳаётнинг мумкинлиги тўғрисида ажиб орзуладар уйғтарди.

1914 й.

«Малайликда», 385, 386, 570, 571, 573, 575-
бетлар.

* * *

Шундай қилиб, мен Қозон университетига ўқигани боряпман, бундан ками кам.

Университет түғрисида күнглимга ғулғула солған киши Евреинов деган чиройли, кўзлари кишида хотинларнинг кўзидаид меҳр уйғотадиган, сўйкумли бир гимназист йигит бўлди. У мен турадиган ҳовлиниңг чердагида яшарди. Аксар вақт китоб ўқиб ўтирганимни кўриб, қизиқиб қолипти, биз танишдик, кўп ўтмай у: «Сизнинг билимга қобилиятингиз зўр», деб қулогимга қуя бошлиди.

У, отнинг ёлига ўхшаш узун соchlарини чиройли қилиб силкитаркан:

— Сиз илмга хизмат қилиш учун туғилгансиз,— дерди.

Мен ўша вақтларда илмга жуда арзимас даражада хизмат қилиш ҳам мумкин эканлигини билмас эдим, Евреинов эса университетлар сизга ўхшаган истеъодди йигитларга зор деб қўймас эди. Турган гап, Михаил Ломоносовнинг арвоҳи безовта қилинди. Қозонда, дер эди Евреинов, бизникида турарсиз, кузи ва қиши билан гимназия курсини ўтиб, «баъзи бир» имтиҳонларни берасиз, университетда сизга давлат стипендияси берилади, беш йилдан сўнг «олим» бўлиб чиқасиз. Буларнинг ҳаммаси жуда жўн кўринар эди, чунки ўшанда Евреинов ўн тўққизга кирган оқ кўнгил бир йигит эди.

У имтиҳонларини бериб жўнаб кетди, бир-икки ҳафтадан сўнг мен ҳам унинг кетидан жўнадим.

Бувим мени кузатаркан, насиҳат қилди:

— Болам, унаقا дилозор бўлма! Одамлардан доимо койиганинг койиган. Жуда қўрс бўлиб кетдинг! Феълинг бобонгникига

ўхшайди, бобонг шунақа бадмуомила эди, қариган чогида не ахволга тушди, шўрлик. Шуни эсингда тутгин, дилозорлик худога эмас, шайтонга хуш келади! Ҳайр...

Бурушиб-тиришиб кетган кул ранг юзидан бир-икки томчигина кўз ёшини артаркан:

— Сен, дайди, узоқ юртларга кетиб қоласан, мен дийдорингни кўрмасдан ўлиб ҳам кетарман... — деди.

Сўнгги ваҳтларда мен меҳрибон кампирдан жуда узоқлашиб қолиб, у билан камдан-кам кўришардим, бироқ шу топда тўсатдан, менга шу қадар яқин бўлган кишини ҳеч учратолмаслигимни эслаб, юрак-бағрим эзилиб кетди.

Мен пароход думида тик қараб турибман, кампир пристанъ қирғоғида, бир қўли билан чўқинади, бошқа қўли билан эски рўмолинг учини ушлаб, юзини, одамларга нисбатан битмас-туганмас меҳр-муҳаббат-ла тўла қора кўзларини артади.

Мана, мен ярим тотор шаҳрида, бир қаватли бинонинг тор ҳужрасида тураман. Бу ҳовли тор ва кўримсизгина бир кўчанинг охирида, тепаликда якка-ёлғиз қаққайиб туриди. Бинонинг бир томони ёнгиндан қолган катта ялангликка қарап, ялангликда эса қалин ёввойи ўт-ўланлар ўсган, бу тиканакли ўт-ўланлар, бурган ва отқулоқлар орасидан, итузум остидан фишт иморатнинг харобалари паст-баланд бўлиб кўринади, харобалар остидаги кенг подвалларни дайди итлар уя қилиб олган, итлар шу ерда яшайди ва шу ерда ўлади. Бу подвал сира эсим-

дан чиқмайди, чунки у менинг университет-ларимдан бири әди...

...Мен фавқулодда саргузаштлар ва буюк ишлар ҳақида хаёл суришга ўргандым. Болшымга оғир күнлар түшганда бунинг менга катта фойдаси тегди, ҳаётимда бунақа күнлар күп бўлгани учун мен хаёлот дарёсига гарқ бўлдим. Мен бирордан ёрдам кутмас эдим, омадим юришиб кетар, деб умид ҳам қилмас эдим. Аммо иродам борган сари мустаҳкамланиб борар, турмуш шароитим оғирлашган сари ўзимни бақувватроқ ва ҳатто ақллироқ сезар эдим. Одамни одам қиладиган нарса — ўзи яшайдиган муҳитга кўрсатётган қаршилиги эканлигини мен жуда барвақт тушундим.

Оч қолмаслик учун мен ҳар куни Волга бўйига, пристанга борардим, у ерда ўн-үн беш тийин ишлаб олиш қийин эмас эди. У ерда ҳам моллар, ялангоёқлар, қаллоблар орасида ўзимни ловиллаётган чўққа суқилган бир парча темирдай ҳис қилар эдим — ҳар куни сон-саноқсиз ўткир таассуротлар билан тўлиб-тошар эдим. Ўтакетган очкўз одамлар, ҳайвон табиат одамлар кўз олдимда қуондай пириллар, уларнинг ҳаётга газаблари, дунёдаги ҳамма нарсага душманлик кўзи билан қарашлари, ўзларига бепарволиклари менга ёқар эди. Бевосита бошимдан кечирганларим мени шу одамларга томон тортар, менда буларнинг кемирувчи муҳитига гарқ бўлиш истагини уйғотар эди. Мен ўқиган Брет Гарт ва бошқа кўп «пуч»

романлар бу мұхитта менинг мұхаббатимни ортираш әди.

1923 й.

«Менинг университетларым», 582, 583, 585, 586-
бетлар.

* * *

Ешилигимда турмушдан шикоят қылғанимни сира билмайман; мен яшаган мұхитдаги одамлар шикоят қилишни жуда яхши күрар әдилар, лекин улар бир-бирларига ёрдам қилишни истамаганликларини хаспұлаш учун муғомбидлик билан шикоят қилаётгандарини пайқаб, мен уларга таассуб қилмасликка тиришдім. Шундан кейин мен тез орада ишонч ҳосил қилдимки, қаршилик күрсәтишга лаёқатсиз бўлган, ишлай билмаган, ёки ишлашни истамаган одамлар ва умуман, ўз яқин кишилари ҳисобига «енгил турмуши кечиришга» иштаҳаси карнай кишилар энг кўп шикоят қиласар эканлар.

Турмушдан қўрқини туйғусини мен яхши синаб кўрганман; эндилиқда мен бундай қўрқувни — шабкўрлик деб атайман. Ўз асарларимда ҳикоя қилиб ўтганимдек, мен жуда оғир шароитда яшаб, ёшилигимдан бемаъни қаттиққўлликни ва одамларнинг менга душманлигини кўрдим, баъзи кишиларнинг оғир меҳнати, баъзиларнинг роҳат ва фарогатда ҳайвонлардай бегам ва беташвиш ҳаёт кечириши мени ажаблантирди; диндор одамлар ўзларини қанчалик «худога яқин» деб билсалар, уларга хизмат қилаёт-

ган одамлардан шунчалик узоқ эканини, ишчи — заҳматкашларга нисбатан шу қадар шафқатсиз эканини жуда әрта тушундим. Умуман, турмушдаги ҳар хил разолатни сиздан кўра кўпроқ кўрдим. Бундан ташқари, мен бу разолатнинг анча жирканч хилларини кўрдим, чунки сизнинг атрофингизда революциядан қўрқкан ва ўз табиатидаги ёмонликни борича кўрсатишга ботинмаган мешчанин айланишиб юрибди; аммо мен ўзининг яшаётгандигига ва бу яхши, тинч турмушнинг абадий, барқарор эканлигига бутунлай ишонган мешчанликни кўрганман.

Ўша пайтларда мен чет эл романларининг таржималарини ўқиган эдим, булар орасида Диккенс ва Бальзак каби жуда ажойиб ёзувчиларнинг китоблари, шунингдек, Энсворт, Бульвер — Литтон, Дюманинг тарихий романлари, ҳам менинг қўлимга тушган эди. Бу китоблар кучли иродали, характер ва хусусиятлари ёрқин тасвирланган кишилар тўғрисида, хурсандчилиги ҳам, ташвишлари ҳам мен кўрган одамларниandan бошқача бўлган, катта нарсалар юзасидан бир-бирига душманлик қилаётган кишилар тўғрисида менга ҳикоя қилиб берар эдилар. Менинг теварагимдаги резги одамлар эса, қўшнисининг ўғли товуқнинг оёғига тош билан уриб майиб қилганлиги, ёки дераза ойнасини уриб синдирганлиги учун, сомса куйдириб юборилганлиги, карам шўрванинг гўшти ортиқча пишиб кетганлиги, сут ачиб қолганлиги учун бир-бирлари билан уришар, очкўзлик, ҳасад қилишар, аччиқлашиб олишар ва судлашар эдилар. Булар, дўкондор-

нинг бир қадоқ қанд устига, газламафурушнинг эса, бир газ чит устига тағин бир тийин қўйғанлиги тўғрисида соатларча нолишарди. Қўшниларининг бошига тушган кичкина бир кулфат уларни чиндан қувонтирас ва сиртдан ясама ачиниш билдириб, суюнганиккларини яширас эдилар. Бир тийин мешчанлар кўзига қўёш бўлиб кўринганини ва шу бир тийин одамлар орасида бачканга ва қабиҳ душманлик ўтини ёққанини ўз кўзим билан кўрганман. Хурмачалар, самоварлар, сабзи-пиёзлар, товуқлар, чўзма-чалпаклар, тоат-ибодатлар, мавлудлар, кўмиш маросимлари, бурнидан чиққунча тўйиб ейиш ва тўнғиздай то қусгунча ичкилик қилишлар — менинг атрофимда яшаётган одамлар турмушининг мазмунни ана шундан иборат эди; мен шундай одамлар ичидага ҳаёт кечира бошлаганман. Бу жирканч ҳаёт гоҳ мудроқ бостириар, зериктириар, гоҳ ўзимни тетик тутиш учун шўхлик қилиш орзусини қўзғар эди...

Шундай ўртоқлар, турмушдаги разиллик ва золимликдан қўрқишиб ҳолатини мен яхши синаганман, ўзимни ўлдириш даражасигача бориб етганман ва кейинчалик кўп йиллар давомида бу аҳмоқона ҳаракатимни эслаб хижолат бўлар ва бу ишимдан нафратланар эдим.

Одамларнинг нодон бўлганлари даражасида ёвуз эмасликларини, мени улар ва турмуш қўрқитмаганини, балки ижтимоий ва бошқа ҳар томонлама чаласаводлилигим, турмушда уқувсиз ва заиф бўлганлигим, најжотсизлигим туфайли қўрқоқ бўлиб қол-

гандигимни англаганимдан кейин мен ҳали-
ги құрқұвдан халос бўлдим...

Ёзишга қандай ўрганганим тўғрисидаги
саволга жавоб бераман.

Мен бевосита ҳам турмушдан, ҳам китоб-
дан таъсиrlандим. Турмушдан олган таас-
суротларни хоммол билан, китобдан ол-
ган таассуротларни яrim фабрикат билан
қиёс қилиш мумкин, аниқроқ бўлсин учун,
қўпол қилиб айтганда, биринчи ҳолатда
менинг кўз олдимда қорамол турган бўлса,
иккинчиси ундан шилиниб олинган ва яхши
ишланган чармдай бир нарса эди. Мен
жуда кўп жиҳатдан чет эл адабиётидан,
айниқса, француз адабиётидан миннатдор-
ман.

Менинг бобом золим ва зиқна эди, лекин
мен Бальзакнинг «Евгения Гранде» романни
ўқиб чиққанимдан, кейин бобомни яхши
билиб, тушуниб олдим. Евгениянинг отаси
чол Гранде ҳам зиқна, золим ва умуман,
менинг бобомга ўхшаш эди, лекин у ме-
нинг бобомдан кўра аҳмоқроқ бўлиб, у каби
қизиқ эмас эди. Француз билан чоғиши-
рища мен ёқтиргмаган рус чол — бобом ан-
ча устун келар эди. Бу ҳол менинг ўз бобом-
га бўлган муносабатимни ўзгартира олмади,
лекин бу менинг учун катта қашфиёт эди:
китоб, инсонда мен қўрмаган, билмаган нар-
саларимни менга исбот қилиб бериш қоби-
лиятига эга эди.

Жорж Эллиотнинг «Мидльмарч» деган
зерикарли китоби, Ауэрбах, Шпильгаген-
нинг китоблари инглиз ва немис провинция-
ларидаги одамлар Нижний-Новгороднинг

Звездинский күчасида яшовчиларга нисбатан бутунлай бошқача ҳаёт кечиришларини, уларнинг ҳаёти биздагидан бир оз яхшироқ эканлигини менга кўрсатиб берди. Улар ҳам шу ҳақда, ўз инглиз ва немис чақалари тўғрисида, худодан кўрқиш ва унга меҳр қўйиш зарурлиги тўғрисида гапирадилар, бироқ улар ҳам менинг кўчамда яшовчи одамлардай бир-бирларини ёмон кўрадилар. Баъзи жиҳатлардан теварак-атрофдаги кўпчиликка ўхшамаган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган одамларни айниқса ёмон кўрадилар. Мен ажнабийлар билан руслар ўртасида ўхшашлик излаган эмас эдим, йўқ, мен орадаги фарқларни ахтарган эдим, лекин ўхшашлик топдим.

Бобомнинг шериклари қашшоқлашган савдогар Иван Шчуров, Яков Котельниковлар Теккереининг «Турмуш икир-чикирлари бозори» деган машҳур романидаги одамлар ўйлаган нарсалар тўғрисида ўйлар ва улардай муҳокама юритар эдилар. Мен псалтерия (ҳафтияк)да саводимни чиқардим ва бу китобни жуда севар эдим, у жуда соз, мусиқий тил билан ёзилган. Яков Котельников, менинг бобом ва умуман, чоллар бир-бирларига ўз болаларидан шикоят қиласаларидан мен подшоҳ Давиднинг ўз ўғли, исёнчи Авессаломдан худога шикоят қиласалини хотирлардим ва чолларнинг: умуман, одамлар, айниқса, ёшлар борган сари ёмонлашиб кетаётирлар, аҳмоқлашиб, ялқовлашиб, итоатсизлашиб, худодан қўрқмас бўлиб бораётирлар, деб бир-бирларига ара-ҳол айтишлари менга ноҳақдай бўлиб кўринарди. Диккенс-

нинг мунофиқ қаҳрамонлари ҳам худди шундай дердилар.

Сектант қироатхонлари билан поплар орасидаги жанжалларга диққат билан қулоқ солиб, мен ҳар иккевларининг ҳам, бошқа мамлакатлардаги руҳонийлар ҳам сўзни одамзодга нўхта қилиб олганликларини ва руҳонийларга жуда ўхшаш ёзувчилар ҳам борлигини пайқадим. Мен бу ўхшашликда, қизиқарли бўлса-да, лекин аллақандай шубҳали бир нарса борлигини тез сездим.

Менинг ўқишиларимда, албатта, ҳеч қандай система ва изчилик йўқ эди, тасодифан қўлимга тушган нарсаларни ўқийверар эдим. Хўжайнимнинг укаси Виктор Сергеевич Ксавье де Монтепен, Габорио, Закониэ, Бувье сингари француз ёзувчиларининг «бемаза» романларини ўқишини севар, бу авторларнинг китобларини ўқигач, «нигилист революционерлар»ни кулгили ва душман қилиб тасвирлаган рус китобларига дуч келган эди. Мен ҳам Вс. Крестовскийнинг «Панургов подаси», Стебницкий — Лесковнинг «Ҳеч қаёққа» ва «Пичоқбозлик», Клюшниковнинг «Сарроф», Писемскийнинг «Лойқатилган денгиз» деган китобларини ўқиб чиқдим. Мен яшаб турган муҳитдаги одамларга деярли сира ўхшамайдиган кишилар ҳақида, айниқса, мени бирга «ўйнаб келишга» чақириган маҳбусга ўхшаган кишилар тўғрисидаги китобларни ўқишига қизиқар эдим. Бу одамларнинг «революционлиги» нимадан иборат эканлигига, албатта, мени тушунмас эдим, бу эса авторларнинг айби бўлиб, улар

«революционерларни» бир хил қора бүёкда тасвирлар әдилар.

Помяловскийнинг «Молотов» ва «Мешчанлар бахти» деган ҳикоялари тасодифан қўлимга тушиб қолди. Помяловский мешчанлар ҳаётидаги «уқубатли қашшоқлик» ни, мешчанликнинг қашшоқ бахтини кўрсатгандан кейин, мен қовоғи солиқ «нигилистлар»нинг тўқис-тугал Молотовга қараганда яхшироқ эканини, унчалик аниқ бўлмасада, ҳис қилдим. Помяловскийдан кейин орадан кўп ўтмай, мен Зарубининг «Рус турмушининг қоронғи ва ёруг томонлари» деган жуда зерикарли китобини ўқиб чиқдим. Ундан мен рус турмушининг ёрқин томонларини тополмадим, лекин қоронғи томонларини билдим ва улардан нафратландим.

Мен ёмон китобларни беҳисоб кўп ўқидим, лекин улар ҳам мен учун фойдали бўлиб чиқди. Турмушдаги ёмонликни ҳам яхшиликни билгандай аниқ ва пухта билиш керак. Тажриба қанчалик ранг-баранг бўлса, у кишини шунча юқори кўтаради, ту шунча шунча кенгаяди...

«Улкан» рус адабиётини — Гоголь, Толстой, Тургенев, Гончаров, Достоевский, Лесковни мен анча кейин ўқиб чиқдим. Лесковни тилни ажойиб равишда билиши ва тил бойлиги билан менга, шубҳасиз, таъсир этди. Лесков, умуман, жуда яхши ёзувчи ва рус турмушини чуқур билади, лекин ҳалигача адабиётимиздаги хизматига яраша тақдирланмаган ёзувчидир. А. П. Чехов ҳам жуда кўп жиҳатдан ундан миннатдор эканини гапирав әди...

Мен кўрган, бошимдан кечирган, эшитган нарсаларим ичида одамларга айтиб бериш лозим ва ҳатто зарур бўлган бир талай нарсалар борлигини йигирма ёшлирамда тушуна бошладим. Мен билган ва ҳис қилган нарсаларим, баъзи жиҳатлардан бошқаларнига қараганда ўзгача бўлиб кўринди; бу эса мени ташвишлантирар; безовта қилар ва кўп гапиришга ундар әди. Ҳатто Тургеневдек сўз усталарининг китобларини ўқиб, мен баъзан, масалан, «Овчи мактублари»нинг қаҳрамонлари ҳақида Тургенев тасвирлаганидан бошқача қилиб ҳикоя қилишим мумкин-ку, деб ўйлар әдим. Ўша йилларда мен ажойиб ҳикоячи бўлиб қолган әдим, булкачилар, «ялангоёқлар», дурдгорлар, темир йўл ишчилари, «муқаддас жойларга борувчи дарвишлар» ва умуман, мен яшаган муҳитдаги ҳамма одамлар ҳикояларимни диққат билан тинглар әдилар. Ўқиган китобларим тўғрисида ҳикоя қилиб туриб, мен нотўғри гапираётганимни, ўқиганларимни бузиб, уларга ўз тажрибамдан бирон нарса қўшиб гапираётганимни кўпинча билиб қолар әдим. Бунинг сабаби шундаки, менинг дилимда турмуш фактлари билан адабиёт яхлит бир бутун бўлиб қўшилиб кетар әди. Китоб ҳам одам каби турмуш ҳодисасидир, у ҳамон одам каби гапирадиган жонли нарсадир, одамзод томонидан яратилган ва яратилаётган буюмлардан кам бўлмаган «буюм»дир.

Зиёлилар менинг ҳикояларимни эшитар ва:

— Ёзиб күринг! Ёзишга уннанг,— деб маслаҳат берар әдилар.

Күл вақтда мен ўзимни худди маст кишидай сезардим, мени қийнаган ва құвонтирган нарсаларни гапириб, «хумордан чиқиш учун» гапдонлик тутқаноги тутгандай, ичимдан сұз тұполон билан отилиб чиқмоқчи бўлгандай бир ҳолатни кечирап әдим, «ўзимни енгиллатиш» учун ҳикоя қилишни истардим. Гоҳо шундай азоб-уқубатли пайтлар бўлардики, худди тутқаноқли одамдай, менинг «томогимга юмалоқ бир нарса» тиқилиб қолар ва мен: ойначи Анатолий, менинг дўстим, жуда талантли йигит, агар унга ёрдам берилмаса, ҳалок бўлади; фоҳиша Тереза инсон эканлигини, унинг фоҳишилиги адолатсизлик эканини, ундан фойдаланувчи студентлар эса буни сезмаётирлар, шунингдек, улар қашшоқ кампир Матица ёш, ўқимишли доя хотин Яковлевадан кўра ақллироқ эканини кўрмаётирлар, деб қичқиргим келар эди.

Мен, ҳатто яқин дўстим, студент Гурий Плетнёвдан яшириниб, Тереза, Анатолий тўғрисида; кўкламда қор ифлос сувга айланиб кўчадан булкачилар ишлайдиган подвалга оқиб тушиб учун эринмаётганлиги тўғрисида; Волга гўзал дарё экани, булкачи Кузин Иуда — хоин экани, турмуш эса, ёппасига ифлослик ва руҳни эзувчи қайгуҳасрат экани тўғрисида шеърлар ёзардим.

Менга шеър ёзиш осон эди, лекин уларнинг ёмон шеърлигини билдим ва уқувсизлигим, истеъдодсизлигим учун ўзимни койидим. Мен Пушкин, Лермонтов, Некрасовни,

Курочкиннинг Беранжедан қилган таржи-
маларини ўқидим ва ўзимни бу шоирлардан
ҳеч қайсисига сира ўхшамаслигимни жуда
яхши билиб олдим. Проза ёзишга журъэт
этмадим, у шеърлардан кўра қийинроққа
ўхшаб кўринди. Проза жуда нозик нуқта-
ларни кўришни, бошқалар кўрмаган нарса-
ларни ўткир кўз билан кўриш ва пайқаш
қобилиятини, сўзларни одатдан ташқари
пухта, маҳкам қилиб жойлаштиришни талаб
қиласр эди. Лекин барибир ўзимни прозада
ҳам синааб кўришга жазм қилдим, бироқ од-
дий прозага кучим етмайди деб, «ритмик»
проза стилини танлаб олдим. Оддий ёзишга
уриниш тўғридан-тўгри кўнгилсиз ва кулги-
ли натижаларга олиб борди. Мен ритмик
проза билан «Кекса дуб қўшиғи» деган кат-
такон «поэма» ёздим. Янглишмасам «Зна-
ние» деган илмий журналда босилган эво-
люция назарияси ҳақида баҳс этувчи «Ҳаёт
гирдоби» деган мақола юзасидан бўлган ўз
мулоҳазаларимни баён қилган бу ёғоч «бу-
юм» («поэма»)ни В. Г. Короленко ўнта сўз
билан то тубигача тилка-порасини чиқариб
юборди.

Асаримдан «Мен муроса қилмаслик учун
дунёга келдим» деган бир жумлагина хоти-
римда қолган ва ҳақиқатан ҳам эволюция
назарияси билан сира муроса қилмаган бўл-
сам керак.

Лекин Короленко «ритмик» прозага бўл-
ган қизиқиши касалидан мени тузатган эмас
экан. Орадан беш йил ўтгач, у менинг «Ар-
хип бобо» деган ҳикоямни мақтаб, ҳикояга
«аллақандай шеърга ўхшаш нарсанинг» бе-

корга аралаштирганимни айтди. Аввал мен унга ишонмадим, лекин уйда ҳикояни кўриб чиқиб, чўлдаги жала тасвиридан иборат бутун бошли бир саҳифа худди ўша лаънати «ритмик» проза билан ёзилганига ишониб, хафа бўлдим. Бу иллат ҳикояларимга яширинча ва ножўя илашиб, узоқ вақтгача мени таъкиб этиб юрди. Мен ҳикояларимни аллақандай оҳангдор жумлалар билан бошладим, масалан: «Ой ёғдилари наъматак шохлари ва чангл дараҳтнинг ўрашма бутоқлари орасидан ўтди» каби, кейинчалик, матбуотда «ой ёғдуларини» «ой ёғдидаи» ўқилганини кўриб уялиб кетдим, «ўтди» сўзи ўринсиз ёзилган сўз эди. Иккинчи бир ҳикоямда, «извозчи чўнтағи зийидан халтacha излади» жумласи бор, бу ўринда, «з-и» товушларининг қаторма-қатор келиши уқубатли қашшоқ ҳаётга у қадар мувофиқ әмас эди. Умуман, мен «чиройли» қилиб ёзишга ҳаракат қиласар эдим.

«Маст кини фонарь устунига суюниб ўз соясига илжайиб қарап эди, сояси қимиirlаб турарди», ҳолбуки менинг сўзларимга қараганда кечаси жимжит ойдин эди, бундай кечаларда эса фонарлар ёқилмас эди, агар шамол бўлмаса ва фонарь лишилламай ёнаётган бўлса, соя қимиirlаб туролмас эди. Бундай «хатолар» ва «янглишлар» ҳар бир ҳикоямда деярли учраб турар эди. Бундан қаттиқ хижолат бўлар эдим.

Мен: «Денгиз кулар эди», деб ёздим ва узоқ вақтгача бу жумлани яхши деб юрдим. Гўзаллик орқасидан қувиб, тасвирнинг аниқ бўлишини унутиб, хато қилиб қўяр эдим,

воқеа содир бўлган ўриндаги буюмларни жой-жойига қўймас эдим, одамларни нотўғри ёритар эдим.

Л. Н. Толстой: «Йигирма олти әркак ва бир қиз» деган ҳикоям тўғрисида гапириб: «Сизнинг печингиз жойига тушган эмас», деб дакки берган эди. Маълум бўлдики, булка печкасининг олови мен тасвирлагандай ишчиларга ёруғ сочолмас экан. А. П. Чехов «Фома Гордеев»даги Мединская тўғрисида шуларни айтди:

«Азизим, ахир унинг қулоги учта-ку, қаранг, бири — энгагида турибди!» Бу гап тўғри эди, хотин тушкурни ёруққа нисбатан ноқулай жойга ўтқазиб қўйибман.

Майда бўлиб кўринган бундай хатолар катта аҳамиятга эгадир, чунки бундай хатолар санъат ҳақиқатини бузади. Умуман, аниқ сўзларни топиш ва уларни кам сўз билан кўп маъно англатадиган қилиб жойлаштириш ғоятда қийин, «чунки сўзлар сиқиқ, фикрлари батафсил — кенг бўлиши керак», яъни сўзлардан жонли картина яратилиши, улар образнинг асосий белгисини лўнда қилиб кўрсатиши, тасвирланадиган кишининг ҳаракати, сўзининг оқими ва оҳанганини китобхон хотирасида дарҳол нақшлаб қўйиши керак. Одамлар ва буюмларни сўз билан «чаплаб ташлаш» — бошқа гап, уларни «пластик», жонли қилиб тасвирлаш — бошқа гап; Толстойнинг «Уруш ва яраш» романи қаҳрамонларини кўп вақтда одам қўл билан ушлагиси келганидай, ҳар қандай тасвирда ҳам тасвирланган нарсларни одам ушлаб кўргиси келсин...

Мен мақоллардан, бошқача қилиб айтганда, ҳикматли сўзлар билан фикрлаш усулидан жуда кўп нарса ўргандим. Шундай бир ҳодисани сира унумтмайман: менинг дўстим ҳазилкаш қоровул Яков Солдатов кўча супуриб турар эди. Супурги янги ва ҳўлланмаган эди, Яков менга қараб, хушчақчақ кўзини қисиб деди:

«Хўп соз супургими, ахлатни жуда тоза супурмайди, мен тозалаганим билан қўшниларниидан келаверади».

Менга ҳамма нарса аён бўлди: қоровул тўгри гапирган эди. Башарти қўни-қўшнилар ўз участкаларини супургандари тақдирда ҳам шамол ахлатни бошқа кўчалардан учирив келади, агарда шаҳарнинг ҳамма кўчалари тозаланса ҳам, тўзон даладан, дала йўлларидан, бошқа шаҳарлардан учив келади. Ҳар ким ўз уйи атрофини тозалаши, албатта, зарур, лекин бутун кўча, бутун шаҳар, ҳамма ерлар тозалаб турилса, бир уйнинг олди супурилганда яна тозароқ бўлади.

Мақолни ана шундай кенгайтиб изоҳлаб бериш мумкин. Мақолнинг қандай яратилишига доир мана бир мисол: Нижний-Новгородда вабо тарқалди ва аллақандай бир мешчан докторларнинг касалларни ўлдираётганлари тўғрисида гап тарқата бошлади. Губернатор Баранов уни қамоққа олишга ва вабо барагига санитар қилиб ишга жўнатишига буйруқ берди. Мешчанин бир қанча вақт у ерда ишлаб, бунинг учун губернатордан гўёки миннатдор эканлигини билдириди. Баранов эса унга:

«Хақиқатга мүкканг билан шўнғисанг,
ёлғон гапирмайсан!» — деди.

Баранов қўйпол, лекин ақлли киши эди,
менинг фикримча, унинг шундай сўзларни
айтган бўлиши мумкин. Майли, ахир бу гап-
ни ким айтган бўлса-да, барибир эмасми?

Мана бундай жонли фикрлар устида мен
бош қотиришга ва ёзишга ўргандим. Қоро-
вуллар, адвокатлар, «собиқ» ва ҳар хил бош-
қа одамларнинг бошқача сўзлар либосига
ўралган бундай фикрларини китоблардан
топдим. Шундай қилиб, турмуш ва адабиёт
фактлари ўзаро бир-бирини тўлдиради эди.

1928 й.

«Ёзишга қандай ўргандим» мақоласидан.

Москва

Бизнинг Горький

Ўртоқ Максим Горькийга

Ўзбекистон шўро ёзувчилари жаҳон пролетар инқилобининг улуғ адиби, пролетар инқилобчиси, социализм қурилишининг жонбози, янги империализм урушлари ва СССР га қарши қуролли ҳаракатнинг энг ашаддий душмани, большевистик публицист, шўро адабиёти кадрларининг чарчамас, толмас улуғ устози Максим Горькийга унинг адабий ижодий фаолиятининг 40 йиллиги кунида большевистик саломини юборади.

Максим Горькийнинг юбилейи — голибона социализм қурилишининг юбилейи, башарият дунёсининг энг паст ўринларидан кишилик маданиятининг энг олий поғонасига кўтарилишининг ибрат байроғи юбилейи, кишиликнинг ҳақиқий озодлиги учун қаҳрамонларча олиб борилган шарафли курашнинг юбилейидир.

Биз Максим Горькийнинг юбилейини бутун капитализм дунёсининг оғир ва ҳалокатли бўрон ўргимчагига илинган ва ўзининг сўнгти ўлим талвасасида кишилик дунёсини яна ваҳшат күшхоналарига ҳайдамоқ бўлиб турган ва бутун мустамлака эзилганлари кўкракларидан бутун дунё инқилобининг бўрон хатарчилари, сўнгти ва баҳодирона ен-

гиш ишончи билан туғилган садолари кўкка кўтарилаётган, СССР бутун дунёни ташвишига солиб социализмга кирган даврининг, ғалабалари бутун дунёга ғулғула солган, хафакаш, харсанг тош бўлиб келган меҳнатнинг, шараф, баҳт, қаҳрамонлик ишига айлангани ва айланаётгани вақтида байрам қиласиз.

Максим Горький адабиёт майдонига кирганидан тортиб то ҳозирги кунга қадар Руслания ва бутун дунё ишчилар ҳаракатининг инқилобий курашига узвий ва фаол равишда иштирок этиб келган, шу буюк синфининг курашида камолга етган, курашган, ташкилотчи ва ўзгартувчи санъаткордир. Унинг асарлари: ишчилар синфининг капитални итқитишга қарши бўлган курашда машъалик, большевизмнинг штурмчи юришларида кучли қурол ролини ўйнаган шоҳ асарлардир. У бизга, шўро адабиёти кадрларига, буюк пролетар синфининг ғоявий устунлиги учун қандай курашмоқлик, душманни қандай пачоқламоқ, ҳаётни қандай ўзгартмоқ ва уни қандай усуllар билан ўрганмоқ кераклигини ўргатади.

Максим Горькийнинг асарлари шўро адабиётининг Магнитстройини яратиш, у учун ўрганишнинг буюк чақиригидир.

Яшасин бутун дунёда большевизмнинг галабаси!

Яшасин ҳормас-толмас курашchan большевик бизнинг Горький!

Ўзбекистон шўро ёзувчилари ташкилот комитети. («Ўзбекистон шўро адабиёти», 1932 йил, № 4, 5-бет).

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзидан

Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи барча Ўзбекистон ёзувчиларига ва меҳнаткашларига буюк ёзувчимиз Максим Горькийнинг вафотини катта қайғу ва алам билан билдиради.

Адид — инқиёлобчи Максим Горький бутун ҳаётини пролетарлар ва барча эзилган халқларнинг озодлик курашига бағишилади, истибодд, эксплуатация ва бутун эрксизлика қарши курашда меҳнаткаш халқни тарбиялашда катта роль ўйнади.

Максим Горький бутун эски дунё ифлосликларини зўр қаҳр-газаб билан тагигача фони этди, яъни меҳнат әлининг бахти ва саодатини кўзлаган социалистик дунёни тарғиб этиб, бу янги дунёни қуриш йўлида бутун кучини сарф қилиб курашди, кўп-кўп ишларнинг ташаббусчиси бўлиб, ҳар доим олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўйди, социалистик жамият қурувчи халқнинг активлигини қизитди.

Максим Горький совет адабиётининг юксалиши йўлида зўр хизматлар кўрсатди. Совет адабиёти ўзининг ҳозирги юксак дара-

жаси билан кўп жиҳатдан Максим Горькийдан миннатдордир.

Буюк адаб ва инқилобчи орамиздан кетди; бироқ тетик, чарчамас, ташаббусчи ва зўр устознинг образи ва унинг қолдирган мероси қалбимизда, онгимизда асрларча яшайди.

Узбекистон Совет ёзувчилар союзи.
(«Қизил Узбекистон», 1936 йил 20 июнь.)

Буюк устознинг унутилмас хотираси

Пролетар адабиётининг отаси, совет адабиётининг устози, жаҳон классик адабиётининг гули бўлган Алексей Максимович Горькийнинг туғилган кунига 70 йил тўлганини бутун Советлар Союзининг гражданлари қаторида бутун дунё меҳнаткашлари ва прогрессив инсоният байрам қилди.

Совет ёзувчisi, СССР Олий Советининг депутати, нишондор ўртоқ Алексей Толстой буюк Горькийнинг дағн маросимида сўзланган нутқининг бир ерида «буюк одамларнинг ўлими эмас, уларнинг туғилишилари нишонлашга сазовордир», деган эди.

Бу буюк сўзни шархлаб шундай дейиш керакки, «Улуг Горькийнинг туғилиш куни инсоният тарихида катта бир ҳодиса бўлганидай, унинг ҳаётдаги ҳар бир соат, ҳар бир минут, ҳар бир секунд дунё халқи учун катта ибрат, келажак насл учун катта дарсdir».

Шунинг учун кенг социалистик Ватанимизнинг бутун халқи буюк устознинг туғилишига 70 йил тўлиши байрамини унинг ҳаётини ўрганиш билан эсламоқда.

Мен ҳам бу буюк устоз тўғрисидаги ўз

хотираларимни, ундан менга қолган унүтилмас таассуротни ёзиб, ўқувчилар билан ўртоқлашмоқчи бўлдим.

Мен буюк устознинг номини эшитганимдан бери, уни зиёрат қилиш орзусида эдим. 1932 йил октябрь охиirlарида СССР Совет Ёзувчилари союзи ташкилот бюросининг биринчи пленумига қатнашиш учун Москвага борган бўлсам ҳам, бу тилак борлиққа чиқмади — буюк устоз Москвада йўқ экан. Ниҳоят, 1934 йил август ойида менинг бу орзум вужудга чиқди.

...Советлар уйининг катта зали делегатлар билан, меҳмонлар билан тўлган, саҳнани тўлдириб президиум аъзолари ўтироқда эдилар. Узун бўйли улуғ устознинг буюк боши, ҳаммадан орқада — бир бурчакда ўтиргани менга ҳам кўринмоқда эди. Мен икки кўзимни Ленин қаторида революция юкини кўтариб келган у елкадан, пролетариат ҳокимияти, социалистик революция, инсоният саодати йўлида ўйлаб ва ишлаб пишган у буюк бошдан сира узмас эдим...

Лекин бу лаззатни узоқ вақт татиб ўтириш менга муяссар бўлмади: президиумдагилар бири орқасидан бири буюк устознинг боши устига келиб ниманидир ундан сўрайдилар, бири устоз билан гапиришиб турганда, бошқалари навбат кутиб тикка турадилар...

Шу вақтда нима учундир устоз ўрнидан турди, мен ҳам ўрнимдан туриб тезлик билан зинадан тушиб, устоз тушадиган зина олдига келиб, овлоқ бир жойда турдим. Бундан

мақсадим, агар устоз президиум орқасидаги дам олиш хонага ўтмоқчи бўлиб зинадан тушса, у билан кўришмоқ ва уни яқиндан юзма-юз кўрмоқ шарафига етишмоқ эди. Тахминим тўғри чиқди, устоз ўзини чулғаб олган одамларнинг ҳар бирини бирор сўз билан юпатиб хурсанд қилиб келиб, ниҳоят зинадан туша бошлади.

Мен ўзимни тамом йўқотдим ҳам ҳаддан ортиқ лаззатли, ҳам одатдан ташқари муҳаббатли бирон буюк ҳодисага бехосдан дуч келган одамдай аъзойи баданим титраб кетиб, турган жойимда йиқилаёздим.

Лекин менга тикилган у нурли, ўтли, шунинг билан бирга ҳалим бўлган кўзлар мени сақлаб қолди. Мен гипнотизм таъсирида қолган кишидай ундан бошқа ҳар бир нарсани унугиб, тик қотиб қолдим. У зинадан тушиб бўлган вақтда, европача одоб ва назокат қоидаларидан бўлган буюк одамлар билан биринчи кўришишда бошқа бирон одам тақдим қилиниши кераклигини ҳам унудим ва зарранинг офтобга ўзини ўзи кўрсатганидай мен ҳам ўзимни ўзим у инсоният офтобига тақдим қилдим.

Буюк устоз эски бирон таниши билан кўришаётгандай жуда меҳрибонлик билан менга узун қўлини узатди ва қўлимни катта шафқат билан қисиб ҳол сўрашди. Менинг оқара бошлаган соқолимга қараб бўлса керак, соглиғимни, куч-қувватим қандай әканнини сўради ва «яна кўришамиз», деб мендан ажралиб ўтди.

Бу СССР Совет Ёзувчилари союзининг биринчи қурултойи мажлисида менинг буюк

устоз билан биринчи кўришишм — умрлик тилагимга етишишим эди. Бундан кейин қурултой кунларида ҳар кун устоз билан кўришиш менга насиб бўлди.

Буюк устоз адабиёт тарихида айрим бир китоб бўлишга сазовор бўлган доклади ва охирги сўзидан бошقا 17 августдан биринчи сентябргача — 16 кун чўзилган қурултойнинг ҳамма ишига шахсан амалий суратда қатнашди. Ўзининг хасталиги, йўталлиги ва кексалигига ҳам, ҳавонинг кўп вақт бузилиб турганига ҳам қарамай, у бирон кун ҳам мажлисдан қолмади.

Мен ўша қурултой муносабати билан буюк устознинг ўз боғида ўзи томонидан бўлган зиёфатга қатнашиш шарафи билан ҳам мушаррафландим. Бу зиёфатга президиум аъзолари ва бошқа делегатлардан, танланган одамлар чақирилган эди. Зиёфат кечки соат саккизда бошланадиган бўлса ҳам, буюк устозни яқиндан кўпроқ кўриш ва унинг хусусий турмуши билан имкон борича танишиш мақсади билан бўлса керак, меҳмонлар соат тўртдан бошлаб боғда тўплана бердилар.

Барвақт борганларнинг бири мен эдим. Биз устоз билан кўришгандан кейин боққа ёйилдик. Боғ устознинг турмушкига мос келадиган, унинг гўзал таъбига ярашадиган даражада чиройли эди. Богнинг очиқ ерлари ҳар турли рангдаги гуллар билан безалган, гулзорлар ва иморат теварагини узун бўйли дарахтли кенг ўрмонлар ўраб олган эди. Бир томондаги ўрмон орасидан ўтадиган, остидан лабигача кўм-кўк кўкатлар билан

қопланган чуқур сой ва боғнинг бир томонидан оқиб турган дарёча унинг гўзаллигига гўзаллик қўшган эди.

Соат бешларда меҳмонларнинг ҳаммаси тўпланди. Буюк устознинг ўзи ҳам боққа чиқиб, меҳмонлар билан чақчақлашиб юриб, уларнинг завқларига завқ қўйди. Бир оз кезишгандан кейин иш билан ўрганган устоз зиёфат вақтигача қолган бир неча соатни бекор ўтказишни хоҳламади. «Айвонга тўпланинглар, суҳбатлашамиз», — деди.

Ҳаммалари айвонга йигилишиди. Устоз у суҳбатда бутун совет халқининг интернационал санъати масаласини орага ташлади. У шу мазмунда гапирди: «Кундан-кун ўса бораётган совет халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик бўлган санъатини яна ҳам ўстириш, яна ҳам интернационаллаштириш учун Москвада бутун совет халқига тегишли бўлган бир театр биноси қуриш керак, ҳар вақт бу бинода ҳар бир союздош республиканинг санъат арбоблари келиб ўз санъатларини кўрсатсинлар. Улар бу муносабат билан рус совет санъати тажрибасидан яна ҳам кўпроқ фойдаланадилар. Рус совет санъати ҳам ўз навбатида миллий санъатлар тажрибаларидан фойдаланади. Шундай қилиб, бутун маъноси билан интернационал бўлган оламшумул совет санъати вужудга чиқади».

Бу тўғрида меҳмонлар буюк устознинг фикрини қувватлаб сўзлайдилар. Шундай қилиб, ўша суҳбатда ижтимоий ва сиёсий катта аҳамиятга эга бўлган бир масала — бутун совет санъатини интернационал руҳда

бир-бировидан фойдалантириш масаласи ҳал бўлди.

Менинг устоз билан энг кейинги ўтиришм янга бир зиёфатда бўлди. Бу зиёфатни СССР Совет Ёзувчилар союзининг биринчи қурултойига меҳмон бўлиб келган чет мамлакатларнинг революцион ёзувчилари шарафига Тоҷикистоннинг Москвадаги ваколатхонаси билан, биринчи ёзувчилар қурултойига қатнашган Тоҷикистон делегацияси берган эди.

Бу зиёфатга устоз ҳам иштирок қилди. Тоҷикистоннинг Москвадаги ўқувчилари концепт бергандан кейин буюк устоз сўзга чиқди. Устоз бунда жуда жўшқинланиб, тўлқинланиб гапирди. Уни кечагина — революциядан илгари ҳар бир ҳуқуқдан маҳрум, том маъноси билан қул ва юз процент саводсиз бўлган халқдан, Буюк Октябрь социалистик революцияси соясида етишиб чиқсан бу ҳаваскорларнинг санъати ҳаяжонлантирган эди. Шундай бўлса ҳам, ўз ҳиссиётини босиб, виқор билан, босиқлик билан гапирмоқда ва сўзларини салмоқлаб-салмоқлаб марварид доналарида бир-бировига шодалаб тизмоқда эди. Шунинг ила баравар у бу концептдан олган таассуротини ёлғиз сўз билангина эмас, балки гавдалантириб ҳам кўрсатмоқчи бўлар эди. У ҳар жумланинг охирида бир нарсани юрагидан чиқариб қаттиқ тутиб, у ердагиларга кўрсатгандай, бармоқларининг учини қисиб, қўлини мажлис томонига узатар ва бальзан шундай вақтларда қисилган бармоқлари орасидан қирсиллама овозлар чиқар ва бу овоз бир нарсани қаттиқ

отганды чиқарылган товуштадай сезилар
эди...

Бу зиёфатнинг адогида — устоз ўз уйига
жўнаётганида у билан кўришиб, хайрлашиб
қолдим. Чунки мен ҳам эртаси Москвадан
қайтмоқчи эдим. Афсуски, бу хайрлашиш
абадий хайрлашиш бўлди, ундан кейин мен-
га уни кўрмоқ насиб бўлмади.

1938.

* * *

Алексей Максимович Горькийни улуг
ёзувчи, совет адабиётининг отахони дебгина
аташ етарли эмас. У совет адабиётчилари-
нинг том маънодаги отаси, устози ва тарбия-
чиси эди. У адабиётимизнинг гуллаб-яшна-
шига, совет халқлари ёзувчиларининг ижо-
дий шаклланишига улкан таъсир кўрсатди.

Бамисоли офтоб бўлиб у қалам заҳмат-
кашларининг йўлини ёритди, унинг ижоди-
нинг ҳаётбахш нурлари остида совет адаби-
лари оёққа босдилар ва вояга етдилар. Йил
сайин ёзувчилар сафи кенгайиб бораётгани,
янгидан-янги етук ва иирик асарлар ярати-
лаётгани учун ҳам биз Горький олдида бурч-
лимиз.

«Бизнинг таассуротларимиз, туйгулари-
миз, фикрларимизни рўёбга чиқарувчи нар-
са сўздир. У адабиётнинг асосий қуроли-
дир», — деб ўргатган эди Горький. Кўпдан-
кўп мақолалари ва нутқларида у тиниқ,
садда, оммага тушунарли, «маза-бемаза»
сўзлар билан булғанмаган мусаффо тил учун

кураш олиб борди. «Проза ҳақида» номли мақоласида у ёзган эди: «Совет китобхони сийқаси чиққан, йилтироқ сўзларга муҳтоҷ эмас, унга оҳанжамали, чучмал сўзларниңг кераги йўқ, унинг ҳаёти серкўлам ва жиддият билан тўлиқдир, зотан, худди мана шу қадар серкўлам ва жиддий тасвирга лойиқдир».

Горъкий совет ёзувчиларини ҳалқнинг ҳаёти ва турмушини чуқур ўрганишга, доимо ҳалқ билан бирга бўлишга чақирав эди. Улуғ ёзувчининг ижоди ҳалқ учун қандай ёзиш кераклигининг гўзал намунасиdir. Унинг асарларини ўқир экансиз, ҳаётни бу қадар чуқур билишини, ҳалқ қалбининг энг нозик торларини топа олиш маҳоратини кўриб ҳайратга тушасиз. Шунинг учун ҳам асарларидағи образлар ва характерлар бу қадар умумлашган, бу қадар ҳалққа яқиндир. Улар кўз ўнгингизда тирик инсонлар каби жонланадилар. Ўқиётган чогингизда гўё қаршингизда Горъкий ҳаҳрамонлари тургандай, улар билан сўзлашаётгандай бўласиз. Горъкийнинг рус совет ёзувчилари ижодига, ҳозирги замон рус адабиёти ҳамда бутун Совет Иттифоқи ҳалқлари адабиёти равнақига, барча ёзувчиларимизга кўрсатган улкан таъсирини яна шу билан изоҳлаш мумкин. Худди рус адаблари сингари биз, қардош совет республикаларининг ёзувчилари ҳам Горъкийни ўзимизнинг улуғ устозимиз деб биламиз.

Горъкий ижоди мени жуда кўп нарсага ўргатди ва рўйирост айтиш керакки, мен совет ёзувчиси сифатида шаклланишимга

асосий турткы бўлди. Совет китобхонлари нинг диққатини тортган ва юксак мукофотга сазовор бўлган «Эсадаликлар»им бевосита улуғ ёзувчининг «Болалик», «Одамлар орасида» сингари асарлари таъсирида яратилди.

Горький фақат менга эмас, барча тожик совет ёзувчиларига, бутун тожик адабий ижодига катта таъсири қолдирди. Унинг йўлидан бориб, тожик матбуотида тиниқ, сода, оммага тушунарли, маза-бемаза сўзлар билан булғанмаган тил учун, ичи қалтироқ, усти ялтироқ сўзларга қарши курашилмоқда.

Тожик адабиётининг сўнгги йилларда эришган ютуқлари бевосита Горький билан боғлиқ, тўғрироғи, бу ютуқлар унинг чексиз хазина бўлган ижоди таъсирининг меваляридир. Унинг сўзларига амал қилган тожик совет ёзувчилари ўз маҳоратларини ошира бормоқдалар, ҳаётни чуқурроқ ўрганишга интилмоқдалар, горькийчасига ёзишини ўрганмоқдалар.

Горькийнинг мана шундай таъсирини фақат тожик совет ёзувчиларигина эмас, Советлар Ватанининг барча ёзувчилари бошдан кечиргандар десам, хато бўлмаса керак. Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ёзувчиларининг асарларида Горький мактаби аниқ кўриниб туради. Шаклан миллий, мазмунан социалистик кўп миллатли совет адабиёти Горькийнинг ўлмас асарлари таъсирида гуллаб яшнамоқда.

М. Горький улуғ адид ва улуғ инсон эди. У ақли теран ва ўткир, қалби улкан ва дили

мусаффо киши эди. У ажойиб ўртоқ, бутун Совет ёзувчиларининг дўсти, оташин ватан-парвар ва инсонга буюк муҳаббат билан қараган одам эди. Унинг бутун ҳаёти, барча асарлари, айтган фикрлари гуманизм, одамларга, оддий меҳнаткаш ҳалққа самимий муҳаббат ғоялари билан йўғрилгандир. Горький юзлаб ёзувчилар билан шахсан хат ёзишиб туар, учрашар, дўстлашар, ҳеч кимдан ўз ёрдамини аямас, тўғри йўлни топиб олишга кўмаклашар, буни чин юракдан, оқ кўнгиллик билан қиласар, ёшларни айрича бир муҳаббат билан тарбиялар эди.

Еиз, кекса ёзувчилар, ўзимиз ҳам ҳамма нарсани Горькийдан чанқоқлик билан ўрганишар, унинг асарларини қайта-қайта ўқир, ҳар бир сўзини ёдда олиб қолишга интилар, маслаҳатларига амал қиласар эдик.

Кўп миллатли совет адабиёти Горький йўлидан боряпти. Бу адабиёт тўхтовсиз ўсиб, ривожланмоқда. Бинобарин, буюк Горький социалистик реализмнинг асосчиси ва зўр санъаткори сифатида, ўзининг қутлуг ҳамда ҳаётбахш таъсири билан совет адабиётида умрбоқийдир. У абадиян совет ёзувчиларининг йўлчи юлдузи, дунёда энг илгор Совет адабиётининг гавҳари бўлиб қолади».

«Адабий мудоҳазалар» мақоласидан.

Горький ижодиётини сақлаймиз ва ўрганимиз

Яқинда газеталарда унинг тузала бошлаганини ўқиган әдим. Бундай фожиали ха-

бар келар деб кутмаган эдим. Аёвсиз ўлим Алексей Максимовичдай улуг ёзувчини, ватанимиздаги барча миллатлар севиклисини орамиздан олиб кетди. Бадий талант, киши руҳининг улуг инженери бўлган кишининг юраги тепищдан тўхтади. Бу чинакам санъаткор жамиятдаги турли-туман табақаларнинг турмушини тубдан билар эди.

Инқилобгача Горькийни билмас эдим. Унинг тўғрисида фақат инқилобнинг биринчи йилларидағина эшитдим. Асарларининг таржимаси бўлмагани учун 1930 йилгача унинг китобларини ўқиёлмай келган эдим. Менинг қўлимга тушган биринчи китоблари «Болалик», «Одамлар орасида» деган асарлари эди. Бу ажойиб асарлар менда жуда катта таъсир қолдирди, чунки булар менинг ўтмишдаги турмушимга жуда ўхшар эди. Қўлимга тушган биринчи китобларини яхшилаб муҳокама қилганимдан кейин, булар менинг бундан кейинги ижодий ишинга кўп таъсир қилдилар, унинг асарларида янги мавзу топдим, айрим типларни характерлашга ўргандим. Горький повестларда, ҳикояларда ва романларда ҳалқ адабиётидан ва афсоналаридан усталик билан фойдалangan. Мен ҳам ундан шу санъатни ўргандим, «Қуллар» деган асаримда ҳалқ афсоналаридан фойдаланишга муссар бўлдим.

Унинг билан биринчи маротаба ёзувчилар биринчи қурултойида учрашдик. Горькийнинг шунчалик қарилиги ва касаллиигига қарамай, ўн олти кунгача қурултойдан кетмай ўтирганига кўп ажабланган эдим. У нотиқларнинг ҳар бир сўзини диққат би-

лан тинглаб ўтиар әди. Танаффусларда мусоҳаба қиласар әди, маслаҳат берар әди. Шахсан менинг ёнимга неча мартаба келиб, ҳол-аҳвол сўрашган, қилаётган ишларимни сўраган, ўз маслаҳатларини берган әди.

Горький интернационал театр яратиш масаласини биринчи мартаба ўртага қўйган әди. Миллий театрларнинг Москвадаги томошалари бундай театр негизининг бошланғичидир.

Унинг адабиётдаги натурализм ва формализм тўғрисидаги мақолосига тўхтамай ўт олмайман. Бунда у колектив иш, колектив ёрдам, коллектив жавобгарлик тўғрисида ёзган әди.

Бир вақтда Москвада бўлганимда унинг эски Шаҳрисабз тўпписига эътибор қилиб, эндики сафар келганимда ўзу дўппининг янгисини олиб келаман, деб ўйлаб қўйган әдим. Бу тўппи тайёр. Лекин эгасига насиб этмас экан.

Горький вафот қилди, уни қайтариш мумкин эмас, лекин ижодиётини сақлаймиз ва ўрганамиз. Бу қайгуимизни бир оз юмшатади. Мен ўтмишни ва ҳозирги чаманимизни адабиётда янада гўзалроқ тасвирлаш учун ёшлардай, икки баробар ғайрат билан ишлашга ва ўқишига киришаман.

«Қизил Узбекистон», 1936 йил 22 июнь,

Хурматим чексиз

Мен эндигина адабиёт йўлига кириб, шоир бўлишга уринганимда, гўё машъал каби ёритиб, ҳаётимга Горький кириб келди. Ўзим хийла улғайган, бўйим чўзилган бўлиб, техникумдан ўқир әдим. Рус тилини яхши билмаганимдан қийналсам ҳам, Горький асарларини ўқидим. Муаллимларимнинг кўпчилиги рус эди, уларнинг ёрдами билан рус адабиётини ўрганишга бошладим. Биринчи галда машҳур «Лочин ҳакида қўшиқ»ни ўрганиб, минг азоб, лекин муҳаббат билан суюниб таржима қилдим. У тахминан 26-йилларда «Ер юзи» журналида босилиб чиқди. Ўша вақтда мен Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти әдим. Мактабларда дарсим кўп, иш кўп, лекин узоқ кечалари уйқусиз ўтириб, Горький асарларига берилардим, шавқ билан ўқирдим, ўрганардим.

У вақт шеърлар, достонлар ёзардим, сенин-секин прозага орзу-ҳавас ошарди кўнглимда, чунки ёшлигимдан билган эртаклар, чўпчақдар Ўзбекистонда у замон чиқсан бирмунчада китоблар, ҳикоялар, айниқса болалигимда ўзбек халқи турмушидан хоти-

ралар менга кўп таъсир қилган эди. Мен проза соҳасида қизиқиб, ўргамчик машқлар билан машғул бўлдим. Лев Толстой, Тургенев асарларидан ҳам таъсиранар әдим, лекин асосан Горький асарлари менда чуқур таъсири из қолдирган эди. Горький асарларини мукаммал ўрганиб, хазм этдим, сингдирдим ва Горькийнинг асарлари хазинасидан олган сабоқларим ёрдами ила ўзим проза соҳасида йўл топдим, «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар» асарларимни яратдим.

Горький ажойиб сиймо, чуқур психологик адаб, революция ва пролетариат куйчиси. Ҳозир Ўзбекистонда Горький асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда. Чуқур, кенг маъноли, ҳаётни ҳақиқий рангида кўрсатиб, тўғри ўргатган, зулм жабрини фош этган Горький асарларини халқ қизиқиб, суюб ўқииди.

1936 йил Пушкин вафотининг юз йиллигига тайёрлик кўтар әканмиз, мен Чимёнда «Евгений Онегин» таржимаси устида ўтирас әдим, буюк Горькийнинг вафоти хабарини эшитдим. Эсимда — қаттиқ қайғириб, қалам тутолмай, тоғлар орасида узоқ кезиб юрдим ва кучли ҳаяжонлар тўлқинида бир шеър ёзган әдим, шундан бир парча:

Бир хабар... ўлимдан хунук бир хабар,
Қалбимга томади оҳ томчилари.
Жаҳон севгисидан эшсиз бир асар —
Горькийнинг тинибида қалбининг
зарби... .

Горький асарларини мен қайта-қайта ўқийман, романлар, ҳикоялар, пьесалари, ўткир мақолалари қалбимда ўчмас из қолдирган, қайта-қайта севиб ўқийман. Улуг устозга муҳаббатим, ҳурматим чексиздир. Бир кун Горький ҳақида ёзаман, деган орзуларим бор. Севаман уни.

Ўлмас, революцион, пок адид — Горький асарларини кенг, тўла нашр этиб, ўзбек халқини унинг улуғ, азим хазинасидан баҳраманд этиш лозимдир.

«Совет Узбекистони маданияти», 1956 йил
16 июнь.

* * *

«...Горькийнинг сиймосига сажда этишга қадар муҳаббатим зўрdir унга. Адабиёт оламининг улуғ қояси Горький ҳаммамизнинг суюнган тоғимиз, фахримиз, ғуруримиздир. Ўнцилобнинг буюк тўлқинларида, даҳшатли оловида яшаган, ижод этган бу зўр адид бутун дунё меҳнаткашларининг севиб ўқийдиган адидидир.»

«Узбекистон коммунисти», 1963 йил, № 10,
60-бет.

Горький

Рус ерида азамат инсон,
Онг, виждонни ёритган зиё,
Қадамига ер кичик, осмон —
Мағрур боши учун тор гүё.

Улуг халққа яраша фарзанд,
Юрагида халқ ишқи, ғами;
Эркка, нурга· чақирди баланд,
Бу манбадан эмди гулшани.

Бутун умри бир қарич ёшдан,
Нафрат этди ҳар жабркорга.
Элин маҳрум этиб қуёшдан,
Ҳаётин дуд қылған ғаддорга.

Зархүр, қонхүр ҳар муттаҳамни
Савамоқдан толмади бир он.
Айлантириб гурзи қаламни,
Илон бошин яңчиди беомон.

Оlamaro қилиб шармисор,
Фашизмни дорга осган у.
Горький ўлмас, чин сўзга сардор,
Жангда, ишда биз билан мангу.

Бугун унинг ғазаби ёмон,
Сўзи ўқдан, тигдан ҳам ўткир,
Қаҳрамонлар билан ёнма-ён,
Жабҳа бўйлаб душмани урур;

Баҳор ва ишиқ, ҳақиқат ва ҳақ
Куйчиси биз билан ҳамқадам.
У севган халқ, у севган тупроқ
Енгар, албат, ҳур яшар одам.

1942.

«Қуёш қўшиғи», шеърлар ва поэмалар, Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1955 й.

70—71- бетлар,

Устоз билан учрашув

Хотира

Бу воқеа 1934 йил июль ойи охири, август ойи бошларида бўлган эди. Москвада совет ёзувчиларининг биринчи қурултойида биз Ўзбекистондан бир группа ёзувчилар — Файратий, Ойдин, Назир Сафаров, Туйғун, Раҳмат Мажидий ва бошқалар делегат бўлиб бордик. Совет адабиёти тарихига биринчилиги билан ўчмас бўлиб ёзилган бу съездда Алексей Максимович Горький билан учрашдик. Биз бу учрашувни жуда кўп вақтдан бўён орзу қилиган эдик. Кўплчиллик делегатлар билан биз ўзбекистонлик ёзувчилар улуғ устознинг совет адабиётининг ривожланиши ҳақидаги сермазмун докладини тингладик. Унинг доно сўзлари мамлакатимизнинг ҳамма томонидан келган ёзувчиларда, меҳмонларда бир олам таассурот қолдирди.

Съезд ишларининг танаффус вақтларида биз Алексей Максимович Горький билан сўзлашдик. У миллий республикалардан келган ёзувчиларга алоҳида эътибор бериб, улар билан суҳбатлашар эди.

Съезд ишининг охирида биринчи август-

да Максим Горький номига қўйилган самолётда Москва устида учдик. Бу Совет давлатининг биринчи темир қанотларидан эди.

Иккинчи августда Алексей Максимович меҳмонларни Москва атрофига жойлашган боғига меҳмонга таклиф қилди. Мен, Ойдин опа, Туйғун боққа Алексей Максимович билан дастурхон устида сұхбатта бордик. Басавлат, доно адіб биз ўзбек ёзувчиларидан съездда олган таассуотларимизни сүради. Кўп, яхши ёзищни таъкидлади. Биз унинг маслаҳатларини бажону дил қабул қилдик.

Мен ўша вақтдаёқ, ўзим учун ҳамон кечагидек хотира да сақланадиган «Янги ишқ» номли шеър ёзган эдим:

Мен зўр гурунгда бўлдим, жуда зўр гурунг
Дунё бўйлаб йигилган эди ошиқлар.
Устоз Горький кўтарилиди юксак тоққа тенг
Минбар оша янги ишқдан беради хабар.
Кўзимнинг қорачиги, ўтли ёшлигим
Тўла мазмуни билан шеъримга кўчсин.
Хе, мени қучоғида ўстирган даврим,
Шу қадарли шеърлар шаънингга бўлсин.

* * *

...Рус ёзувчиларининг, шоирларининг ижоди билан яқиндан таниша бошладим. Энг севган ёзувчим А. М. Горький эди. Мен у кишининг асарларидан «Она», «Тубанликда», «Одамлар орасида», «Менинг дорилфуннларим» ни айниқса севиб ўқир эдим. Ва у кишидан кўп нарса ўргангандан эдим...

«Кечмиш, кечирмишларимдан», 1953 й.

Горькийни таниш

Бу 1928 йилларда эди. Мен Горький ҳақида бир-икки мақола ўқидим. Бу мақолалар ўз-ўзидан ўрганувчиларга қаратиб ёзилган эди. Уларда Горькийнинг жуда оғир турмуш кечиргани, шундай шароитда биронта ҳам мактаб кўрмасдан, аччиқ тажриба ва ўз устида ишлаш натижасида буюк ёзувчи бўлгани ва бу ҳолларнинг ҳаммаси унинг «Менинг дорилфунунларим» деган ҳаётномасида тасвир этилгани айтилур эди.

«Менинг дорилфунунларим!» Ўз умрида биронта мактабга кириб ўқиш шарафига ноил бўла олмаган кишининг қандай қилиб «дорилфунунлари» бўлсин! Сарлавҳанинг ўзиёқ одамини катта ташвишга солиб қўяр эди.

Мароқ зўр. Мен ҳали у вақтда бир-иккита ўзбекча роман ва чет тиллардан таржима қилинган иккинчи даражали кичик романларнигина ўқиган эдим ва бу хил китоблар фақат севикли ва севгучининг тарихларини қизиқ қилиб ёзиб, одамларнинг бошларини чалғитади, деб ўйлар эдим. Ўқиган романларим кўпинча шу хулосага олиб келар эди.

Шу кайфиятда экан, Горькийнинг «Менинг дорилғунунларим» китобини ўқидим. Бу ўқиш энг аввало менинг роман ва ҳикоя китоблари ҳақидағи содда түшүнчамни парча-парча қылди. Иккинчидан, у менинг ўй ва хаёлларимга шунчалик таъсир қылдикі, мен буни ҳозир ҳам яхшилаб айтиб беришдан ожизман.

Мен китобнинг қанчалик зёр кучга әга эканлыгини бириңчи мартаба түшүндим. Менинг назаримда дунёning энг катта китоби шу эди ва бу қаноат мени яна Горький асарларига қараб тортди. Мен унинг «Она» романини ўқий бошладым. Рус тилини сал-палгина билар, дарсдан ва имтиҳондан бўшаган чоғларда кунига бир неча саҳифагина ўқир эдим. Натижада, романни бир ойдан ортиқ муддат ичида ўқиб чиқдим. «Она» романи, «Менинг дорилғунунларим»га нисбатан, менинг назаримда, фил қаршисида буюк тог тургандек бўлиб қолди. Бу китоб Россия ишчилар синфиининг эксплуататорлар тузумига қарши кураш тарихини кўрсатар эди. Бу китоб миллионлар мураббийси, адашганларга раҳнамо бўла олур. Бу китоб кишилардаги инқиlobий туйғу ниҳолларига мингларча пайванд қўша олиш қувватига молик.

«Менинг дорилғунунларим», «Она» романларида тасвир қилинган ҳодисалар ҳаммаси ҳам эсимда қолмаган, лекин бу икки асарнинг мени қанчалик тарбия қилгани сира ҳам эсимдан чиқмас.

Горький кишиларни тарбия қила олур эди. У турмушнинг энг оддий, энг ишонарли ҳужжатлари билан одамларнинг кўзларини

очар ва дунёнинг нимадан иборат эканини тушунтириб берар эди. Худди шу йўл билан Горький бутун совет адабиётини ҳам тарбия қилди.

Горькийни англамоқ учун унинг ҳақида ёзилган ўнларча китобдан кўра унинг ўз қўли билан ёзилган бир кичик ҳикоя кўпроқ ёрдам қиласди. У биргина кичик ҳикоя билан кўрсатган турмуш фожиаси, юзларча китобларниң мавзуи бўлур, лекин бу китоблар ҳамон Горькийдаги порлоқ таъсир кучига эга бўла олмас. Шунинг учун ҳам бизнинг янги жамиятимиз гуллаган, кишиларимиз нинг бахтлари очила борган сари Горький асарларининг аҳамияти оша борур.

1936 йил.

Ёвузларниң омонсиз ёви

Бундан икки йил бурун бутун прогрессив инсоният пролетариатнинг улуғ адаби Алексей Максимович Горькийниң вафоти ҳақида ги хабарни чуқур қайғу билан қаршилашган эди.

А. М. Горький партиямизнинг энг яхин кишиси, совет халқининг энг севимли ёзувчиши эди. Бизнинг партиямизнинг А. М. Горькийга қанчалик буюк ҳурмат билан ҳарагани унинг юбилей куни юборган хатидан очиқ маълум бўлиб турибди:

«Милион-миллион оммаларнинг ичига сингиб кетган бадиий асарлари билан Горький «ўзининг Россия ва бутун жаҳон ишчи-

лар ҳаракати билан маҳкам боғлади» (*Ленин*).

Максим Горькийнинг номи буюк санъаткор революциснерларнинг номи сифатида чоризмга қарши, капитализмга қарши бутун жаҳон революцияси учун, бутун ўлкаларнинг меҳнаткашларини капитализм зулмидан қутқариш учун яқин ва азиздир».

А. М. Горький ўз ижодини Россияда ишчилар ҳаракати кўтарилиб келаётган вақтда бошлаган эди. Россияда юзага келган биринчи революцион ишчилар тўгараклари А. М. Горькийнинг ўз адабий, ижодий ишини бошлаб юбориши доҳий Лениннинг революцион ишга киришган вақтига тўғри келади. Шунинг учун ҳам А. М. Горький ўз ижодининг бутун томирлари билан ишчилар ҳаракатига, Россия ишчиларининг революцион курашига боғлангандир. Алексей Максимович Горький революционер, жанговарадиб сифатида майдонга чиқди. Ўнинг бутун асарлари ана шу жанговарлик руҳи билан, Россия ишчилар синфининг революцияга ташналиги руҳи билан тўлган эди. Горькийнинг биринчи ҳикояси «Макар Чудра»дан, «Челкаш»дан, «Бўрон қуши қўшиғи»дан, «Она» романи, «Клим Самгин» ва «Егор Буличев»гача ана шу жанговарлик руҳи ҳоқимдир. У эски рус турмушининг чиришини, рус помешчик-капиталистик тузумининг қайиси йўл билан чириб бораётганини ва халқ турмушини қанчалик заҳарлаб турганини фош қиласи ва ёш ишчиларни революцион ҳаракатга чорлар эди.

А. М. Горький асарларида революцион

ишчилар тарбия топдилар. А. М. Горький халқынинг ич-ичидан чиқиб келди, ҳаётнинг энг чуқур ерларидан кўтарилиди ва унинг энг юксак чўққисига чиқа олди. А. М. Горькийни буюк рус халқи, Россия ишчилар синфи етказди. Лекин ўз халқининг доҳиёна вакилларидан бўлган А. М. Горький шу ишчилар синфининг устозлари даражасига кўтарилиди. Унинг асарларини ўқиш билан одамлар ўзларининг қолоқликларига барҳам бердилар. Унинг асарлари ишчиларга ўз турмушларини тўғри тушунишларига, уларнинг кўзини очишига ёрдам қилди. Кўп ишчиларнинг қўлга қурол олиб жангга чиқишлиарида А. М. Горький асарларининг роли ва таъсири буюк эди. В. И. Ленин ўзининг Плеханов билан А. М. Горькийнинг «Она» романни ҳақида қилган машҳур сұхбатида Горький ижодидаги ана шу илгор ва революцион практик жиҳатни бутун кучи билан илгари сурган эди.

А. М. Горький ўз халқи ва ўз ватанини буюк ва туганмас мұхаббат билан севар эди. Эксплуататор синфларга, капиталистларга ва совет халқи душманларига, фашистларга қарши А. М. Горькийда бўлган газаб чексиз ва чегарасиз эди. А. М. Горький уларни тўғридан-тўғри икки оёқли ҳайвонлар деб атар эди. Фашистлар ҳақида ёзар экан, А. М. Горькийнинг сўз ҳазинаси буюк бир газаб билан тўлқинланар эди. Унинг нафрат ва газаб билан тўлган ўтли сўзларига бутун дунёнинг илгор кишилари буюк устозга қулоқ солгандек қулоқ солур эдилар. А. М. Горький халқ душманлари, фашистлар ва

капиталистларга қарши бутун жаҳон трибунни эди. Ишчилар синфи ва умуман меҳнаткаш одамларга бўлган чексиз муҳаббат ва ҳурмат, эксплуататорларга қарши оташин нафрат ва ўт А. М. Горькийнинг энг катта хислатларидан бири эди. Жаҳоннинг энг буюк гуманистларидан бўлган Горький буржуазияга нисбатан жуда раҳмсиз ва унинг мафкурачилариға энг ашаддий душман эди. Совет халқи душманларига нисбатан жанговар нафрат А. М. Горький ёзган ҳар бир сўзни магзига синггандир.

Горький сўзни найза билан баб-баравар қўяр эди. У қизил аскарларга юборган табригида шундай деб ёзади:

«Сизнинг душманларингиз хусусий мулкчилар, дўстларингиз пролетарлардир. Хусусий мулкчилар ўз ҳокимияти ва ўз ҳаётини сақлаш учун янгидан уруш очиб юбормоқчи бўладилар.

Буни қилиш анча қийин бўлар. Лекин шунга қарамасдан сиз жанговарлар ҳамма вақт жантга тайёр бўлишларингиз керак. Айниқса эсда тутишингиз керакки, сиз Совет Иттилоқининг посбонларига бу ишда онгли, маъноли сўз найзадан кам керак бўлмас».

Дарҳақиқат, А. М. Горький онгли, маъноли ўткир сўзни қилич ва найза даражасида ишлатар эди. У бутун совет халқини душманларга қарши сафарбарлик тайёргарлигида сақлар эди. А. М. Горькийдаги бу хислатни бутун башарият ер юзидан капитализми таг-томири билан қуритиб юбормагунча эсдан чиқармас. Унинг сўзлари,

унинг ўлмас асарлари эски дунёга қарши курашувчи ҳар бир кишининг энг яқин йўлдози бўлиб ҳолади.

А. М. Горькийнинг замондошларидан бўлган ўртоқ Ворошилов А. М. Горькийга ёзган табригида унга жуда равшан таъриф берган эди:

«Сизнинг замондошларингиз бўлган бизлар сиз билан бирга ўз асримиздаги улуғ ҳодисаларнинг шоҳидлари ва актив иштирокчилари бўлганимиз, Маркс ва Ленин революцион назариясининг теран манбаларидан худди сиз билан бирга озиқланганимиз ва айнан бир вақтда ҳақиқий ҳалқ — ишчи ва деҳқонлар ўртасида уларнинг азоб ва уқубатлари ичida ўз шахсий ҳаётимида асрлик жафокашлар ва золимлар билан кураш тажрибасини худди сиз билан бирга қозонганимиз учун бахтлимиз. Лекин камбағал ҳалқнинг яна ҳам доҳийроқ намояндаси бўлганингиз учун сиз бу манбалардан озиқланибгина қолмасдан, балки ишчилар синфини озиқлантирувчи ва илҳомлантирувчи гўзал чашмага ҳам айландингиз.

Сизнинг адабий асарларингизда Россия пролетариатларининг бутун насллари уларга яқин ва англашиларли бўлган гўзал ва баланд санъатнинг намунасини кўрдилар ва тарбияландилар. Сизнинг гўзал романнингиз «Она» ҳақиқатан ҳам ишчилар синфининг таржимаи ҳолидан иборатdir. Унда эски лаънати рус ҳаётининг омонсиз мактабини ўтган ҳар бир пролетарнинг бошидан кечган ҳодисалар, унга яқин ва ощна бўлган кечинмалар жуда кўпdir.

Сизнинг бутун асарларингиз кенг оммада ижтимоий адолат ташналиги, ёрқин турмуш истаги, зулмга қарши актив кураш, моддий ва маънавий эксплуатациядан революцион йўл билан озод бўймоқ интилишини туғдира боражаклар. Бизнинг улуг устозимиз Ленин ва бутун бизнинг партиямизнинг сизга бўлган чуқур муҳаббати, ҳурмати энг аввало ана шу билан изоҳланади.

Сиз ҳаётлигингиз чоғида ўзингизга қўл билан ясад бўлмайдиган ҳайкал яратдингиз. Сизнинг гўзал образларингиз ҳеч қачон ўлмас. Сизнинг асарларингиз асрлар бўйи яшар ва сизнинг одам ва ҳаёт ҳақидаги текис сўзларингиз доимо янги турмуш учун курашга буюк бир чақириқ бўлиб қолади. Буржуазияни қақшатувчи сизнинг номингиз, инсоният капитализмнинг ифлос ва қонли занжирларидан қутулиш билан бирга бутун ер юзи бўйлаб айтилур».

Шунинг учун жаҳон буржуазияси А. М. Горькийни асло кўролмас эди. Унинг энг содиқ малайлари бўлган троцкийчи-бухаринчи фашистлар уни айниҳса ёмон кўрар эдилар. Чунки А. М. Горький совет халқининг, партиямизнинг энг илғор сафларида туриб, уларга қарши омонисиз курашар эди. «Агар душман ўзи таслим бўлмаса, уни қириб ташлайдилар», деб А. М. Горький худди шуларга қаратадайтган эди.

А. М. Горькийнинг қилич қадар ўткир ва ҳикматли сўзлари халқнинг ёвуз ёвларини троцкийчи-бухаринчи абллаҳлар, қабиҳ буржуа миллатчиларни қириб ташлашда бизнинг онгимизни ёритиб турдилар. Совет

халқи ўз душманига қарши курашнинг ҳар бир соатида А. М. Горькийни эсга олади. Унинг сўзларини айтиб илгари боради.

А. М. Горький доим бизнинг орамизда йўл бошлиб боради.

1938 йил.

Буюк санъаткор

Ленин машҳур немис революционери Клара Цеткин билан бўлган суҳбатларидан бирида, санъат, унинг келиб чиқиши ва ижтимоий ҳаётда ўйнайдиган роли ҳақида қуидаги ҳикматли гапларни айтган эди: «Санъат халқнинг мулкидир. У ўзининг чуқур томирлари билан кенг меҳнаткаш омма ичига ёйилмоғи лозимдир. Бу санъатнинг халққа англашилмоғи ва севимли бўлмоғи лозим». Шундай буюк санъат намунасини Лениннинг замондошларидан ва яқин йўлдошларидан бўлган Алексей Максимович Горький яратди. Ленин ўз назарини умр бўйи Горькийдан олмаган эди. Ленин Капри соҳилларида Алексей Максимовичнинг ўзи билан бўлган суҳбатларида шу тўғрида сўзларди. Ленин узоқдан ёзган мактубларида Алексей Максимовичнинг пролетариат учун зарур бўлган, уни кўттарувчи санъатни яратиб беражагини уқтирас, Горькийнинг жуда чуқур ва жуда теран томирлар билан жаҳон пролетар революцияси ишига боғланганини ва жуда буюк фойдалар келтиражагини айтар эди.

Горькийнинг романи «Она» ҳақида Лениннинг Плеханов билан бўлган машҳур баҳслашуви бу икки буюк кишининг улуг Горький мисолида санъатга қайси назар билан қараганликларини ва Лениннинг революцион ишда санъатдан қанчалик кенг фойдаланганини кўрсатади. Плеханов «Она» романининг айrim камчиликларини таңқид қилганда, Ленин шу романнинг пролетарларнинг ҳаракатида қанчалик буюк роль ўйнаётганини ва ўйнаяжагини таъкид қилди. Ленин романнинг энг муҳим ва энг зарур жиҳатини кўрсатди ва ишчилардаги революцион онгни очишда роман зўр омил бўлиб турганини айтди.

Ҳақиқатан рус халқининг ич-ичидан чиқкан Горький рус турмушини ўз ижодида мукаммал акс әттириди. Унинг образлар галереясида эски рус турмушидаги барча табакаларнинг вакиллари гавдаланган. Горький ижодида айниқса революцион ҳаракат гўзал акс этган.

Горький ўз ижодий фаолиятини ишчилар ҳаракатининг тонгига бошлаб юборган эди. Горькийнинг адабий ишини бошлаган даври худди жаҳон пролетариатининг буюк йўлбошчиси Лениннинг ўз революцион ишини бошлаб юборган даврга тўғри келади. Ниҳоят, Горькийнинг адабий фаолиятини бошлаб юборган даври большевизмнинг энг биринчи қадамларни ташлаган кунлари билан учрашади. Ана шунинг учун ҳам Горькийнинг дунёга қарашида ва унинг бадиий ижодида революцион ҳаракатнинг буюк ва илғор кучи акс этгандир. Горький асарлари-

га буюк ишонч ва таъсир кучи берган, унга кенг бадиий парвоз қўшган омил ҳам худди ана шу кучдир.

Рус ҳалқининг ич-ичидан чиққан Горький ўзининг таланти билан ҳалқнинг улуғ устозлари даражасига кўтарилди. Унинг асарлари ишчиларнинг бутун бир насллари ни революцион руҳда тарбия қилди. Унинг ўлмас асарларида Русия ишчилар синфи-нинг таржимаи ҳоли берилган. У бизнинг ҳалқимизни ўз Ватанини севишга, душманларни тор-мор қилишга ўргатди. СССР ҳалқлари ўз ички ва ташки ёвларини емирган кунларида Алексей Максимовичнинг «Агар душман ўзи таслим бўлмаса, уни қириб ташлайдилар», деган машҳур ҳикматини айтиб бордилар ва айтиб бормоқдалар.

Алексей Максимович камтари инсоннинг буюк намунаси эди. Жаҳон адабиёти-нинг энг улуғ кишиларидан бўлган ва ўзижоди билан инсониятнинг тараққиёт тарихида янги бир погона очган Горький ўзининг энг охирги кунларигача ўқиш, ўрганиш кераклигини, ҳатто унинг ўзи учун ҳам билим зарур эканлигини таъкид қилган эди. У ўзининг адабий ижодининг қирқ йиллик юбилеи кунида сўзга чиқиб фақат шу тўғрида гапирган эди:

«Мен ўзимнинг ёш ҳамсафларимни ўқишига, ўз ўлкасини ўрганишига, унинг қаерида нима бор, унинг нимага муҳтоҷ эканини яхши билишига, келажак учун нима қилмоқ кераклиги ҳақида бир тушунчага эга бўлмоқ учун унинг ўтмиши, ҳозири ва келажагини ўрганишига чақираман. «Ўқиши

керак!» деган васият ёмон нарса бўлмаса керак, деб ўйлайман. Билим бизнинг ҳаммамизга, шу жумладан, менинг ўзимга ҳам етишмайдиган қуролдир».

Алексей Максимовичнинг бу сўзлари бизга буюк совет олими академик Павловнинг машҳур васиятларини эслатади. Буюк кишилардаги ана шу буюк камтар хислат бизнинг ҳаммамизга зарур бўлган нарсадир.

Горький бизга бадиий адабиётни қадрлаш ва англашни ўргатди. Горький ўз образларининг ўлмас ва гўзаллиги билан, тилининг бийронлиги билан, асарларидаги фикрмазмун қуюқлиги, маънодорлик, фалсафий теранлик билан устоздир. Горький асарлари кишини баланд кўтаради. Горький асарлари кўтарган чўққидан туриб қараган кишига турмуш ўзининг бутун жиҳатлари, барча рангдорликлари билан равшан, аниқ бўлиб қолади. Уни революцион равишда ўзгартиш, қайтадан қуриш зарурияти киши онгига пайвандланади.

Горький ўз халқини севиш, унинг душманларига битмас-туғанмас нафрат сақлаш, ўз Ватанига чексиз ва чегарасиз меҳр қўйиш билан бизга буюк ибрат намунасидир. Горькийнинг бу хислати унинг ҳар бир асарида акс этган ва бу нарса тинмай ўқишига муҳтоҷ бўлган бизлар учун айниқса аҳамиятлидир.

1938 йил.

Танланган асарлар, Учинчи том, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1960 йил,
293—295-бетлар.

Устоз ҳақида фикрлардан

* * *

...Қурултойга ўртоқ Луначарский ва Максим Горький иштирок қилдилар. Қурултой томонидан узоқ олқышлар билан кутилиб олинган А. М. Горький ўзини бир ота каби ҳис қилиб, қизил алвон тұшалған минбар ёнига келди. Үл ўнг құл тирсагини минбарға тираб бармоқлари билан әнгагини ушлади ва секин-секин сұзлай бошлади.

1929 йил.

* * *

...М. Горькийнинг изходида биз инқилюй ҳаққоният билан бадий тараангликнинг бирлашган буюк сифатига әгамизки, бу башариятнинг бадий тараққиётида гигант сакрашдан иборатдир.

1932 йил.

* * *

...Замоннинг катта ёзувларлари доимо ўз даврларининг әнг олим ва әнг маданий кишилари бўлиб келганлар. Бизнинг замонализда пролетариатнинг улуг санъаткори Максим Горький бунга порлоқ мисол бўла олади.

1933 йил.

* * *

...Горькийнинг кўрсатмалари, айниқса, бизнинг ўзбек шўро адабиёти соҳасида акту-

алдир. Адабиётимизнинг тикка кўтарилиш даври бўлган сўнгги даврларда айниқса бу кўтарилишнинг зарурлиги бор бўйича кўрилмоқда. Бундай бир кўтарилишнинг ўзбек шўро адабиёти учун жуда катта ғалабалар калити бўлишига ҳеч бир шубҳа йўқ.
1934 йил.

Танланган асарлар, Учинчи том, ЎзССР Даравлат бадний адабиёт нашриёти, Ташкент, 1960 йил, 134, 143, 173, 211- бетлар.

М. Горькийни ўқиркан

Аlam билан эдинг ёр,
«Taқdir» сени әзаркан.
Дудоқлардан учиб зор,
Диллардан қон сизаркан.

Ох... шод она қўйнида,
Тингламадинг эртаклар.
Афсуски, ёшлиқ дамлар
Ўтди — кишан бўйнида.

Баҳорда ёш япроқлар,
Ўйнарди, рақс этарди.
Ел — чолғуларни тинглаб,
Кунлар ғамгин ўтарди.

Аlam сочарди излар,
Маъюс боқарди кўзлар.
Лекин сирли кечалар
Чайқаларди денгизлар.

Сарой кийиб шоҳидан,
Очларни қамчиларди.
Ҳар асир нигоҳидан
Исёнлар томчиларди.

Оғир, ҳазин оқаңлар —
Юракларни әзарди.
Турмушда қар севинчда
Үргимчайлар кезарди.

Сув лойланиб оқарди,
Юлдуз ғамгин боқарди.
Оҳ... у чоқнинг оқиши,
Қалбингга ўт ёқарди.

Янги ҳайт еллари
Баҳор бағрин кулдирди.
Қизил рубоб тиллари
Дилга нашъя қўндириди.

Қонли, ўчили оловлар
Ютди эски ҳаётни.
Қуёш каби яловлар
Порлаб ёритди қорни...

Замон олтин қуёшдек,
Сочларингни силади.
Машъал ёнган йўллардан,
Кўнглиинг шуур тилади.

Ўн бир йиллар, сен эркин...
Юксалди кўп умидлар,
Дунё-дуни севинчлар,
Туткай жаҳонни бир кун.

Ташланган асарлар. Биринчи том, УзССР Давлат бадний әдабиёт нашриёти, Тошкент, 1957 й., 43—44- бетлар.

Горький ҳақида

1

Қолмиш эди ҳаёт тубинда
Русияни қуршаганда тун,
Бола әкан җар чеккан жафо
Унга бўлди бир дорилғуун.
Унга бўлди муҳтож, яланғоч
Русиянинг сирлари аён,
Жантга кирди, унда җар бир оч
Қайғусини. айлади баён.

2

Бир асрлик Русияни у,
Елкасига кўтарди дадил,
Кўтарди ул, кўтарди мангур,
Буюк эди бу одамда дил.
Умр бўйи эл билан бўлди,
Гўдак әкан уни кўрди хор,
Улмай туриб яна туғилди,
Бўлганида халқи бахтиёр.
Буюк эди, ҳаттоқи тошлар
Куйлаганда сеза олурди.
Ҳайратидан кўзида ёшлиар,
Тоғлар каби жимжит қолурди.

Ростгүй эди бу улуг падар,
Хақиқатдан асло қайтмади,
Түгилгандан ўлганга қадар,
Бир сўз бўлсин ёлгон айтмади...
Горький кетди, бу оғир ўлим
Багримизни бир ўйиб кетди.
Горький кетди ва лекин у, шум
Ёвга қарши ўч қўйиб кетди.

Танланган асарлар. Биринчи том. УзССР
Давлат баданий адабиёт нашриёти, Тошкент,
1957 йил, 232—233-бетлар.

(Хаётномадан)

...Ишчилар факультетида мен биринчи мартаба рус адабиёти билан танишдим. Илгари «бўйи баравар китоб ёзган Толстой» ва «русларнинг буюк шоири Пушкин»нинг номини эшитган эдим, холос. Ишчилар факультетида Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Гончаров, Тургенев, Чехов, Горький, Маяковский, Блокнинг айрим асарлари билан танишдим...

...«Сароб»га берилган мукофот жумласига Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат ҳам киради. Мен шундан фойдаланиб, тўғри Москва-га бордим. У вақтда китоб қаҳат эди. Москвадаги эски китоблар магазинларини кўп айланиб, шу кунгача қайси бир ёзувчини тотиб кўрган бўлсанм, тўла асарлари тўпламини сотиб олишга ҳаракат қилдим. Бунга эришиб Толстой, Чехов, Гоголь, Тургенев, Лермонтов, Достоевский, Писарев, Белинский, Горький, Ж. Лондонларнинг асарларидан иборат олти яшик китоб билан қайтдим. Шундан кейин рус адабиёти дарёсига шўнгигиб кетдим. Бу вақтларда мен ҳар бир ёзувчини чуқурроқ ўрганишга, унинг мартабасини улуг, асарларини гўзал қилган сирлардан воқиф бўлишга киришдим...

«Узбекистон маданияти», 1967 йил 5 март.

Кўнглимга дод солди ўлиминг!

Жаҳон пролетар адабиётининг ифтихори, сўз санъатининг доҳийси, меҳнаткаш халиқнинг жонажон дўсти Алексей Максимович Горький!

Вақтсиз вафотинг сенга мафтун бўлган кўнглимга дод солди. Мен ўз ижодий йўлимини сендан, сенга муҳаббатимдан ўрганган эдим.

Пролетар адабиётининг порлоқ саҳифасини яратишда бизга кўп нарсаларни ўргатдинг, сен бу йўлда бизга устоз эдинг. Доим сенинг таълимотинг билан ёзаман. Мен шунинг билан фахрланаманки, пролетар адабиётининг порлоқ йўли учун узоқ йиллар чарчамай, толмай қалам тебратган моҳир қўйларингни ўз уйингда дастурхонинг устидаги сиқиб ушлаганман.

«Қизил Узбекистон», 1936 йил 22 июнъ.

Улуг устоз

Башарият маданияти тарихида шундай сиймолар борким, уларнинг муборак номлари авлодларнинг хотираларини сўнмас нур, толмас куч бўлиб нурафшон қиласди. Йиллар, ўн йиллар, асрлар ўтар, бир авлод ўрнига янги авлод келар, аммо инсониятнинг Алишер Навоий, В. Шекспир, А. Пушкин, Лев Толстой каби даҳолари яратган маънавий бойликлар эскимайдигина эмас, балки аксинча, уларнинг йилдан-йилга янги қиралари кўзга кўриниб, ўзининг бутун улугворлиги ва гўзаллигини намоён қила боради. Улуг пролетар ёзувчиси, социалистик реализм адабиётининг асосчиси Алексей Максимович Горький номи ҳам юқорида номлари келтирилган доҳий санъаткорларнинг номи қаторидан ўзига муносиб ўрин олади.

Горький ижоди юксак революцион эҳтирос, энг буюк гуманизм, ижтимоий адолат ва интернационализм тоялари билан йўғрилган. У ўзининг бу олижаноб хусусиятлари билан фақат Совет Иттилоғи халқларининггина эмас, балки ер юзидағи барча халқларнинг муҳаббатини қозонган. Биз,

адабиёт арбоблари, чет мамлакатларга тез-тез бориб турамиз. Қайси мамлакатга, ер-курасининг қайси бурчагига бормайлик, ҳаммасида улуғ адид номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинганини, у яратган образлар, айтган фикрлари таъсирини кўриб, зўр ифтихор ҳисси билан ҳаяжонланамиз.

Кўрқув нималигини билмайдиган Бўрон қуши, мардонавор лочин, фидокор Данко — бу ўлмас образлар шу кунларда ҳам халқларни ёрқин келажакка, Африка халқларини мустамлака кишсанларини парчалаб ташлашга, Осиё давлатларини мустақиллик учун курашга чақириб, уларни империализмга қарши, дунёда тинчлик учун курашга унданб келмоқда.

XX асрнинг охириларида озодлик ва ижтимоий адолатнинг жарчиси сифатида майдонга чиққан «Она», «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Артамоновлар иши», «Италия эртаклари», «Егор Буличев», «Тубанликда» ва бошқа кўплаб ўлмас асарлар яратган улуғ Горький Совет Иттифоқининг барча халқларига ҳам бирдай азиздир.

Горький — ўзида рус миллий маданиятининг барча энг яхши анъаналарини мужас-самлантирган рус ёзувчисидир. Айни вақтда унинг ижодиёти чуқур интернационал аҳамият касб этади, у барча совет халқларининг маънавий мулки, Иттифоқимизда яшовчи барча социалистик миллатларнинг ифтихоридир.

Шундан келиб чиқиб, Горький ва ўзбек адабиёти ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

М. Горький асарлари Ўзбекистонда, ўзбек китобхонлари ўртасида Октябрь революциясидан анча илгари шуҳрат қозонган. Чунончи, 1900 йилларда «Русский Туркестан» газетасида Максим Горькийнинг «Мактантчақ ёзувчи» деган ҳикоя-памфлети, «Марко афсонаси» деган шеъри ва бошқа асарлари босилган эди. 1905 йил Тошкентда унинг пойтахт театрлари учун ман қилинган «Чорбоғчилар» пьесаси томошибинларга кўрсатилди.

Улуг ёзувчи ижоди айниҳса социалистик революциядан кейин ўзбек халқининг чинакам мулкига айланаб қолди. Октябрь революциясидан кейинги йигирма йил ичидаги буюк устознинг қарийб барча асарлари ўзбек тилига таржима қилинди ва баъзилари қайта-қайта нашр этилди. Улуг ёзувчи асарларига ўзбек китобхонларининг қизиқиши ҳеч вақт пасаймайди. Сўнгги йилларда М. Горькийнинг ўндан ортиқ асари алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди. Булар орасида ҳикоя тўпламлари, пьесалари, романлари, адабий-танқидий мақолалари, эсдаликлари ва публицистикаси бор. Булардан ташқари ўтган йили нашриёт М. Горький асарларининг 120 босма листдан ортиқроқ ҳажмдаги уч томлигини нашр қилишни тугаллади. Уч томликка М. Горькийнинг «Она», «Артамоновлар иши», «Фома Гордеев» романлари, автобиографик трилогияси, ҳикоялари, пьесалари ва публицистик нутқлари киритилган.

М. Горький асарлари ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишига ниҳоятда самарали таъсир кўрсатган.

«Адабиётимизнинг асосий қаҳрамони,— деб таълим берган эди М. Горький,— меҳнат аҳли бўлиши лозим. Дарвоҳе, инсоннинг гўзллиги унинг меҳнатдаги маҳорати билан белгиланади».

М. Горький асарларининг асосий қаҳрамонлари ҳам аслида ана шу меҳнат аҳлидир. Шунинг учун ҳам социалистик тажриба асосида тарбия топган ўзбек ёзувчилари Горькийдан ижодда халқчилликни, коммунистик жамият қураётган ҳозирги замон қаҳрамонининг умид-орзуласини, ҳис-туйғуларини, унинг идеалларини бадиий ифода этишни ўргангандар.

Шунингдек, М. Горький асарлари ўзбек ёзувчилари учун адабий маҳорат мактаби ҳам бўлиб қолган. М. Горький асарларини ўзбек тилига таржима қилишни амалга оширишда ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳдор, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом ва бошқа кўпчилик ёзувчиларининг иштирок этиши ҳам бежиз эмас, албатта. М. Горький асарларини таржима қилиш натижасида ўзбек ёзувчилари, ихчам, аниқ, образли ёзишга, шарқнинг серҳашам жимжимадорлигидан халос бўлишга, социалистик реализм методи билан мустаҳкам боғлиқ бўлган бадиий ҳақгўйликка эришганлар. Ёзувчи Садриддин Айний ўзининг бадиий маҳорати М. Горький таъсири остида ўстанлигини айтган эди.

«Совет жамоатчилигига тўғридан-тўғри айтишим керакки,— деб ёзган эди С. Айний,— ижодий тажрибамнинг ўсиши М. Горький

асарларини мутолаа қилишим билан мустаҳкам боғлиқдир. Мен бу улуг санъаткордан образни беришда, қаҳрамонларнинг характерларини тасвирлашда кўп нарса ўргангман; мен ундан содда қилиб ифодалашни ўргангманманд.

М. Горький асарлари бизда жуда ҳам қадрлидир. Бунинг боиси дастлаб шундан иборатки, улуг ёзувчи яратган ўлмас ижобий қаҳрамонлар образлари энг илғор гояларни, социализм, тинчлик ва халқлар дўстлиги гояларини ташийдилар. Шунинг учун ҳам улуг устознинг асарлари халқимизни коммунизм руҳида тарбиялашда бебаҳо аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиёти, ўзбек театри, бутун ўзбек маданиятига Горький таъсири мислсиз буюк ва самаралидир.

Мана, машҳур ўзбек шоири Ҳамид Олимжон ўзининг «Горькийни эслаш» (1936) мақоласида бу таъсирни қандай тасвирлайди:

«Бу 1928 йилларда эди... Горькийнинг «Менинг дорилғунулларим» китобини ўқидим. Бу ўқиш энг аввал менинг роман ва ҳикоя китоблар ҳақидаги тушунчамни парча-парча қилди. Иккинчидан, у менинг ўй ва хаёлларимга шунчалик таъсир қилдики, мен буни ҳозир ҳам яхшилаб айтиб беришдан ожизман.

Мен китобнинг қанчалик зўр кучга эга бўлиши мумкин эканлигини биринчи марта ба тушундим. Менинг назаримда дунёнинг энг катта китоби шу эди ва бу қаноат мени яна Горький асарларига қараб тортди. Мен унинг «Она» романини бошладим... «Она»

романи «Менинг дорилфунунларим»га нисбатан, менинг назаримда фил қаршисида буюк төг турғандек бўлиб қолди.

«Менинг дорилфунунларим» ва «Она» романида тасвир қилинган ҳодисаларнинг ҳаммаёни ҳам эсимда қолмаган, лекин бу икки асарнинг мени қанчалик тарбия қилгани сира ҳам эсимдан чиқмас». М. Горький асарлари ёшларимизга ана шундай таъсир қилган ва таъсир қилмоқда.

Гениал ёзувчи М. Горький жаҳон адабиётининг тараққиётига, социализм ва тинчлик тояларини пропаганда қилишга бебаҳо ҳисса қўшган. У ҳозир ҳам бизнинг орамизда барҳаёт, биз билан бирга кураш олиб бормоқда, халиqlарни коммунизм байроғи остида курашга илҳомлантирмоқда, биз билан бирга тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашмоқда.

Биз Горькийдан фақат қандай ёзишини ўрганибгина қолмаймиз. Алексей Максимовичнинг толмас ижтимоий фаолияти, унинг кўп миллатли совет адабиётини ривожлантириш борасидаги самимий ғамхўрлиги, ёрқин ва талантли асарларни биринчи бўлиб белгилаши, уларни пропаганда қилиши биз учун улкан ибрат мактабидир.

Тошкентдаги Тил ва адабиёт институти томонидан М. Горькийга багишлаб ҳар йили ўтказиладиган илмий сессия — бу шунчаки расмиятчилик, улуг ёзувчи хотирасига нисбатан оддий ҳурматгина эмас, балки Горький тафаккури ва образлари хазинасини яна чуқурроқ, кенгроқ идрок қилиш, пролетар маданиятининг гениал санъаткори ижо-

диёти билан ўзбек адабиёти, маданияти ва республикамиздаги ижтимоий онг тараққиёти ўртасида мавжуд бўлган алоқани янада чуқурроқ очишга бўлган истагимиздан келиб чиқадиган табиий эҳтиёж натижасидир.

М. Горький асарларини тобора чуқур ўрганганимиз сари уларнинг янги-янги қирралари намоён бўлади, бу мислсиз хазинадаги битмас-туганмас ажойиб дурдоналар ўзини кўрсатади.

М. Горький ҳаёти, ижодиёти, ижтимоий фаолияти халққа хизмат қилишининг ёрқин тимсолидир. Ана шунинг учун ҳам биз Максим Горький номини ҳамма вақт ифтихор ва ҳурмат билан хотирлаймиз.

Танланган асарлар. Учинчи том, ЎзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1964 йил,
165—170-бетлар.

ни эгаллашга, ишлашга ва маълумотни оширишга ҳавасланадилар.

Ҳозиргача қутб доирасидан четга чиқмаган болалар учун Горький буюк ватаннинг ҳамма ўлкалари ва вилоятлари ҳақида, Қримда қишлийтурган қушлар ҳақида, Ўрта Осиёда етишатурган мевалар ҳақида ҳикоя қилиб беради...

II

Ватанимизни Горький мукаммал билар эди. Советлар Иттифоқида шундай бир шашар, шундай бир халқ ёки қабилани кўрсатиш мүмкин эмаски, улар ҳақида Горький муфассал тасаввурга эга бўлмасин, уларнинг турмушини, тарихини, хўжалик тузумини ҳикоя қилиб бера олмасин.

У сизга Дон ёки Кубань казаклари ҳақида, Плах усталари ҳақида, Каспий балиқчилари ҳақида соатларча сўзлаб беришга қодир эди.

Горькийнинг қандай бир ажойиб ва фавқулодда ёдлаш кучига эга эканини ҳамма билади. Унинг хотираси фақат ўз турмуш тажрибасинигина эмас, балки талай китобларга йигилган бўлак кишиларнинг тажрибаларини ҳам тўплаб сақлар эди. Турли замонларнинг адилларини, тарихчиларини, ўлкашуносларини ёдан билиб, уларнинг асарларини, китобларининг босилиш йилини, жилдларини, сонларини ва бальзан ҳатто саҳифаларини ҳам сизга қатъий қилиб айтиб бера олар эди.

Баъзан Горькийни бутун дунёга донғи кетган ажлабий ёзувчилар билан бирга кўрганимизда Алексей Максимовични унинг ҳамкорларидан ажратадиган фазилат дарров сизнинг кўзингизга чалиниб туради. Ўша ёзувчилардан энг катталари Горькийга қадар юксак маданий савияга эришган бўлсалар ҳам, нарса ва ашёларни бевосита билишда Горькийдан анча орқада қолар эдилар. Буюмларни бевосита билиш бадиий ижоднинг шартларидан биттасидир. Шунинг учун ҳам Горький доимо айтиб турар эдики, санъат меҳнат аҳлининг дастпарвардаси бўлганлиги учун адабиётчилар фольклорни доимо ўрганиб туришлари керак.

III

Горький нарса ва ашёларни мукаммал билар ва суръат эди, лекин кишини у янада кўпроқ билар ва суръат эди. Душманга қарши нафрат билан туғилган омонсиз мақолаларида, лирик қиссаларида, чиркин меşчан ҳаёти тўғрисидаги ҳаққоний ҳикояларида Горькийнинг кишига нисбатан меҳрибон ва мардона ишқи ловиллаб туради.

Бироқ Горький кишидаги бор нарсанинг ҳаммасини ҳам яхши кўрар эди, деб бўлмайди. Фақат жонли, яшовчан, ижодчи ва яратувчи қобилиятгина унинг назаридаги ҳурматга лойиқ эди.

Ўзининг турмушида ҳам шундай эди. Одамларга нисбатан у ҳаддан ташқари меҳрибон ва бу билан бирга беомон даражада қаттиқ эди. Ҳеч ким у билан эски ошналик

важҳидан унинг диққат ва мароқини талаб қилишга ҳақли эмас эди.

Баъзан Алексей Максимович ўзининг сергап ошнасини биринчи сўз билан ва жиддий қараш билан дўндириб қўяр эди, агар танимаган бир кишини лаёқатли деб билса жуда эски қалин ўртоқлардай қаршилар эди. Энг уятчан ва камсухан бир меҳмонни ҳам Горький қизиштириб суҳбатга торта олар эди.

— Ҳа, бали, ҳа, бали,— деб туриб Горький ўзининг суҳбатдошини худди илк қадамини босаётган болани ташвиқлайтургандай сийлаб кўтарар эди.

Агар унинг суҳбатдоши Горький ўйландаи бўлиб чиқса, Горький завқланиб унга қараб меҳри бутунлай очилар ва суюнар эди:

— Жуда соз, жуда соз! Ана шуни олиб ёзмабсиз. Шуни ёзганингизда эди, жуда яхши бўлар эди... жиддий айтаман!

Алексей Максимович фақат ёзувчилар-нигина эмас, балки учувчиларни, агрономларни, педагогларни, Қизил қўшин командирларини ва умуман, ёзадиган нарсаси бор бўлган ҳамма кишиларни ёзишга ундар эди.

Горький пуч ишларга чидай олмаганидан пуч одамларга ҳам чидай олмас эди.

IV

Леонид Андреев ўзининг хатларидан бирида Горькийни «тарки дунё қилган одам» деб атаган эди.

Бу баҳо ҳам түғри ва ҳам нотүғридири. Горький турмуш неъматларининг ҳам баҳосини яхши билар эди, у қуёшли кунни, гулханинг тутунини, тожик тўнининг алвон рангларини сева-сева тамошо қиласар эди.

Горький ҳаётни суяр эди. Лекин у ўзини тизгинлаб туришга ва ўз тилак-ҳавасларини чеклаб туришга ҳам моҳир эди.

Гоҳо Алексей Максимович биронта талантли халқ ашулачини эшитса, болалар билан учрашса, Қизил майдондан ўтётган қувноқ физкультурачиларни кўрса курсандликдан кўз ёшларини ҳам тута олмас эди. Кўп вақт Горький мажлисларда ўзининг кўз ёшларини яшириш учун юзини нариги томонга ўгиради. Лекин биламизки, у ўзининг бирдан-бир ва суюкли ўғлининг кўмилишида бир қатра кўз ёши ҳам тўккан эмас. Шу фожианинг эртаси куни биз у билан кўришганимизда яна кундалик ишлар ҳақида гап очилиб кетди.

Лекин биз қариллик йилларида ўзининг ягона ўғлини йўқотган бир кишининг аламларини кўрсатадиган биронта сўзни ундан эшитмадик.

Бу нима — чуқур рухий зилзила ёки тошюраклики? Йўқ!

Яна мазкур Леонид Андреев Горькийга ёзган бир хатида уни шундай койиган эди:

«Сен билан очиқ дилкашлиқ қилишимизга негадир йўл қўймайсан». Горький унга кескинлик ва сиполик билан шундай жавоб берди:

«Ўйлашимча у ҳақ эмас! Мен 16 ёшимдан бери ўзгаларнинг сир ва фикрларини

ўзимга сингдириб келдим. Гүё қандайдир бир бармоқ пешанамга: «Бу ерда ташландиқлар йигиндиси бор», деб ёзган. Ох, қанча кўп нарсалар биламану, лекин уларни унутиш ҳам қанча мушкул.

Менинг шахсий ҳаётимга тақилишни эса мен ҳеч кимга мұяссар қилдирмайман. Мен — менинг ўзимман. Азоб ва оғриқларимнинг қандай әканлигини суришириб туриш билан бошқаларнинг нима иши бор. Ўз яраларини оламга кўрсатиш, уларни халқ кўзида тирнаб туриб йирингларини оқизиц, кишилар олдида зарда қилиб туриш, хулоса қилиб айтганда, бизнинг додхоҳ доҳиймиз Федор Достоевский қилганидек қилиши — абллаҳлик, қабоҳат ва албатта заарли ишдир.

Бизлар ҳаммамиз ўлиб кетамиз, дунё эса барҳаёт қолажак». ...Горький ўз умрининг сўнгги нафасигача ўзига ва жаҳонга нисбатан шу муносабатни сақлаб келди.

Унинг ҳамма диққати аллақачондан ўзига эмас, жаҳонга қаратилган эди.

Ҳаётнинг бойлик ва тўлалигини билувчи шу баҳтиёр киши унинг кураш ва иш мазмунини тўшуммаган одамлар кўзида «тарки дунё қилган одам»дай кўринар эди. Мана шунинг учун ҳам унинг соддагина дўстлари ва ошналари бўлмай сафдошлари ва ҳамкорлари бор эди.

Бу кипининг кўп йиллик довулли ва ҳар ёқлама иши турмушни тасдиқлашдан иборат эди, ўз мамлакатининг ғалабаларига суюнар, ўз халқининг баҳтидан баҳра олар эди.

Үмрининг сўнгги кунларигача у бутун советлар мамлакати билан тандош, қалбош бўлиб яшади.

Ўша кунларда Совет Иттилоғида Конституциянинг музокараси бошланган эди.

У вактда жон берайтган Алексей Максимовичнинг ётоги олдида турган буюк бир дўстнинг айтганига қараганда, Алексей Максимович энтикиб туриб деган эди:

— Мана, сиз билан биз беҳуда гаплар гапириб турибмиз, ҳолбуки, мамлакатда тошлилар ҳам куйлади...

* * *

Горький: «Биз ҳаммамиз ўлиб кетамиз, дунё эса барҳаёт қолажак», деган эди. Дунё барҳаёт қолажак ва Алексей Максимович бутун умри бўйлаб хаёллаганидай бўлажакдир.

Шу дунёда устоз, жанговар инцилобчи бўлган Горький яшаяжакдир.

«Ёш ленинчи», 1937 йил 18 июнь.

Адабиётимизнинг ўлмас виждони

Алексей Максимович Горький, кўп адабиётчиларнинг таъбири бўйича, рус адабиётининг соф ва улуғвор виждони эди. Бу баҳо, ҳеч қандай муболага ва туманли таъбир эмас, балки совет классигининг бутун ижод йўлига тўғри ва реалистик бир баҳо эди.

Горький... Бу ном кўп совет насллари-нинг ўлмас бадиий хазинасиdir.

Максим Горький адабиётимизнинг пор-

лоқ . виждони — ижодий ҳаёлларимизнинг ташаббускори, яъни ижодий иш шакллари-нинг ташкилотчиси эди. У коллектив ижод формаларининг биринчи жарчиси, совет ҳалқларидағи фольклор хазиналарини очувчи хазинадор; Жуманбулбул, Сулаймон Стальский сингари ҳалқ бахшиларининг юқори адабий даражага күттарган буюк танқидчи сифатида шоён тақдир бир сиймодир.

Горький совет адабиётининг буюк отаси, ёзувчилар оиласининг оқсоқолидир. Бу баҳода ҳеч қандай ортиқчалик йўқ. Чунки Горькийга қанча юқори баҳо берилса камлик қиласди.

Бизда, ёзувчилар ўртасида Горький меросини эгаллашда кечирилмас нотўғри практика бор. Шоирлар, танқидчилар, очеркистлар, адабиёт тарихчилари Горькийдан етарлича ўрганишни бевосита тақлидчилик маъносида тушунгандарни учун кўп вақт нотўғри хulosаларга келадилар. Холбуки, Горькийни текшириш ва ўрганиш жуда катта бадиий мактабдир. Шоирлар, мунаққидлар Горькийнинг поэзиясини ва мардона танқидий мулоҳазаларини ўрганиши керак.

Мутаассуф, Горький ижоди ҳозирги кунгача ўзбек ўқувчилари оммасига етарлича тақдим этилган эмас. Адабиётимизнинг ўлмас виждони, ижодимизнинг донишманд отаси бўлган Горький буюк романчи, буюк ҳикоячи ва буюк муаллимдай ўзбек китобхонларига танилиши керак.

«Қизил Узбекистон», 1940 йил, 18 июнь.

Ү ли м

Недир борлиқнинг темир қонуни?
Недир борлиқдан йўқликка ўтмоқ.
Бу кеча дунё йўқотди уни,
Дўстларга қолди кўз ёши тўкмоқ.

Синдими бу кун қудратли қалам,
Синдими нурдан тўймаган кўзлар?
Хабар тугул шу кечки телеграм
Ёрди қалбларни тўёки напштар.
Жаҳонга бугун хайр деб кетди,
Жаҳондан бугун зўр адаб кетди!

* * *

Баҳор фаслида баҳористонда
Яшнаган элга видо деб кетиши!..
Лабида қотган илиқ бир ханда,
Жанг ишқи қилди уни парвариш!

Нега ғамгиндир бугунги саҳар?
Нега қуёш ҳам ёғдирмас шуъла?
Аlam чироғи нега муқадддар?
Сен йиглайсанми, эй қуёш, сўйла!

* * *

Горький ва ўлим... Бу ~~көлишмайди~~,
Ким ҳаётни севди ундан ҳам
ортиқ?

Бахтиёр яшанг! Шу васияти!
Голиб яшамоқ унга зўр тортиқ!

Ўлмас адигба мангу ёдгор
Курашда қайнаб гуллаган ўлка,
Доҳи дўстига бу буюк диёр
Тикажак ватан бўйлаб бир ҳайкал!
Инқилоб учун яралди Горький
Ўлса ҳам яна доим бизники!

«Қизил Узбекистон», 1936 йил 20 июн.

Устоз

Устознинг мард қалбида қайнаган олижаноб ғоя — у ҳам бўлса гуманизм ғояси эди. У одамнинг қадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўяр, унга чин қалби билан ишонар эди. Унинг илгаридан айтган «Инсон деган ном мағрур жаранглайди», деган асл, дохиёна сўзи асрлар тарихининг варагида нур сочиб туражак.

«Одам» деган сўз унинг қулоғи остида ҳамиша жаранглаб туар эди. Бу мансабга ер юзида ҳеч қандай мансаб тўғри келмаслиги, бу мансабнинг шу қадар олижаноблиги, чиройлилиги ҳақида чарчамасдан ва ишқ билан сўзлар эди.

Социалистик маданиятнинг устози Алексей Максимович Горький одамзоднинг яхши фазилатларини куйлашдан чарчамагани каби, эксплуататорлик нафси билан одам устида ҳар қандай жирканч, разил ишлардан қайтмайдиган шахсларни ҳам реалистик рашнида типик қилиб чизиб кўрсатган эди. Киши дунёга келар экан, унинг одамликка хос яхши фазилатлари бўлсин,— мана шундай одамни севар эди Горький.

Алексей Максимович одам ҳақида гапириш билан кўпроқ маданият, демократия соҳасида социалистик маданиятнинг генийси сифати билан доҳиёна гапирар эди. У буржуазия демократиясининг туб-томири билан нимага қадалгани ва нималарга хизмат қилажагини ёрқин кўрсатиб берган эди. Калри оролида тамомлаган машҳур «Она» романида «Русия — энг равшан демократия ўлкаси бўлади», деган эди. Горький воқеани жуда олдиндан кўрадиган одам — узоқ-узоқларни кўзлайдиган одам эди. Унинг бир неча йил бурун айтган сўзлари мана бизда барқарор бўлди. Социалистик маданиятнинг ҳусни бўлган Горький социалистик маданият ҳақида жуда қимматбаҳо фикрлар берган эди.

Уларнинг маданияти бўлган мактаби ёлғончи, бутхонасида ҳам ёлғонлайдилар. Парламентда ҳам ёлғонлайдилар. Матбуот орқали ҳам ёлғонлайдилар ва извогарлик билан шугулланадилар. Уларнинг маданияти бўлган полициячи — ишчиларни уриш ва ўлдириш ҳуқуқи берилгандир, деган тўғри ҳаққоний баҳони ўзининг «Америка капиталистларининг негр ишчиларига қарши терори» деган асарида жуда равшан кўрсатган эди.

Паразитлашган, йўқсил ҳалқ устига зулм занжирини солаётган, ёлғончилик, разилликни касб қилиб олган эксплуататорлар ва уларнинг маданиятини Горький жуда ёмон кўтар, ўткир танқид остига олар эди. Унинг «Маданият капитализм оламининг ички керакли бир нарсаси эмасдир. Фаннинг асосий вазифаси интеллектуал тараққиёт, капитала-

лизм зулми остида куч-қувватини йўқотган, ориқлаган одамзодни соғломлаштириш, инерт моддаларни энергияга айлантириш, одам аъзосининг қурилиш ва ўсиш техникинин тушуниш бўлиб, буни буржуазиянинг англаши мумкин эмас, булар ҳаммаси ҳозирги замон буржуазиясини ҳам Марказий Африка ваҳшнийларига ўхшаган жуда кам қизиқтиради», деган сўзи капитализмнинг маданиятга қандай қарашини очиқ кўрсатади.

Горький революция йилларида ҳам Ленин ёнида туриб, большевистик ишнинг равнақи учун курашди. У оммани Ленин байроғи остига чақирди. Ленин Горькийни бениҳоя севар, унинг асарларини завқ билан ўқир эди. Шунинг учун ҳам Горькийга совет адабиётининг обрўйи — ҳусни деб баҳо берган эди.

Бағритош эксплуататорларга душман, меҳнаткашларга чиндан-да дўст бўлган бу улуғ одам ўзининг ўткир қалами билан йўқ силларнинг ҳаётини тасвир қилди.

У ўз ҳаётини Ленин иши учун берган улуғ устоз, Маркс, Энгельс, Ленин таълимотини чарчамай тарғиб қилди. У большевизмнинг революцион гояларини акс эттирган ўнлаб танқидий-сиёсий мақолалар, юксак асарлар яратди.

Горький ўлди, аммо у миллионлар қалбида абадий сақланажак. Горький ёруғ нурки, у асрлар бўйи тарих бетида ярқираб туражак.

«Ленин йўли» газетаси, 1939 й., 18 июнь.

Улуг пролетар ёзувчиси

Алексей Максимович Горькийнинг адабиёт оламига кириб келган вақти ўтган асрнинг 90-йиллари эди. Революция учқунларининг қудратли аллангалари ўзининг ёлқини билан кўпларни ўз майдонига тортган эди. Озодлик байробини мағрур кўтарган пролетариат ўз хўжайнларига қарши, эксплуататор золимларга қарши чинакам қонли курашга отилган эди. Ҳуррият трибунасига қараб отилганларнинг бири Алексей Максимович эди.

Мавжуд ҳаётнинг қора режимида қарши протест байроби кун сайин юксак кўтарилар эди. Социал ва миллий зулмнинг азобларида янчилаетга қўйксул халқ ўзини шу байроқ остига олар ва ўзини ана шу ҳаққоний, адолатли курашнинг чинакам иштирокчиси санар эди. Мана шундай қизғин моментда адабиёт оламида буржуа интеллигенциясининг мавзеи қўрқиш, чекиниш, иккиланиш билан белгиланган бир вақтда М. Горький ўзини чин курашчи сифатида санади, у бошлиғич асарларидаёқ мавжуд ҳаётга протест овозларини тасвирлайди.

Адабий ишга бошлиғич ҳавас билан кирган Горький, биринчи асари «Макар Чудра» ни (1892) ёзди. Ундан сўнг «Изергиль кампир» асарини тақдим этди. Бу асарлар эндиғина қўлига қалам олган ҳаваскорнинг маҳсулоти бўлишига қарамай, маълум идея йўналишида эди. «Одам» деган кичик ҳикояси ёзилди. Бунда у «инсон ерни безагувчи, ер қуёшидир», деди. Ҳажм жиҳатдан

икки бетга етмаган кичик асар инсоний хислатларга, ҳикматлар билан түла.

Инсон құдратли күчге, билишге ва қарнарсаны қилиш қобилиятига әга. У табиаттинг қули бүлмайди, балки табиатни қул қиласади. Шунинг учун ҳам «инсон ўз табиатига күра ҳам бир санъаткордир», дейди Горький. Мәхнат чинакам инсоннинг ҳусни. Инсон у билан улғаяди. У билан яшаш қобилияты ихчамланади. Илм, мәхнат — бу инсон учун әңг үлугзор нарса. Инсон бунга қобил бүлмай, ҳақиқиit ҳаёт қуриши, чинакам инсоний яшаши мушкулдир. Горький шунинг учун ҳам: «Мәхнат ва илм — ер юзида бу иккى нарсадан аълороқ ҳеч нарса йүқдир», деган әди.

Горький гуманизмининг енгучи ажамияти шундаки, у инсоннинг бутун фазилатини табиат ва жамиятта бүлгап онгли муносабатдан күради. Киши бу соҳада ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Ўз ҳаёти учун киши табиатни қул қиласади, жамиятни чинакам озод киши талабига, киши шахсининг ҳурлигига мослаштиради. Горький айтганидай: «Ҳаёттинг мазмуни — революцияга хизмат қилишдадир», бу нарласиз киши шахсининг ҳур бўлиши ҳам мумкин эмас.

«Табиат бизга ҳаётдан бошқа ҳеч нарса берган эмас. Биз ўзимизга зарурий барча нарсаларни ундан ўзимиз оламиз». Алексей Максимович айтган киши шу қобилиятга эга бўлмагунча ҳаётга қабул бўлолмайди. Горький асарида социалистик одамгарчилик-нинг жуда актуал вазифалари, фазилатлари, улугворлиги, құдрати кўрсатилади. «Она»,

«Душманлар», «Клим Самгин», «Артамоновлар иши» ва бошқа бирмунча асарлари билан Горький мавжуд режимнинг пуч, ёлғончилик, пасткашликка асослангани ва унда киши шахсини кўриши берилиб, яна бир томондан уни тилка-пора қилиш қудратига эга бўлган пролетар ҳаракати тасвирланади. Чинакам яшаш пролетар кураши ҳаракатининг ҳосили бўлади. Горький гуманизми ана шу кураш ичida туғилди. Унинг «Инсон деган ном мағрур жаранглайди» деган ҳикматли сўзи социалистик гуманизмнинг эпиграфи бўлиб қолади.

Алексей Максимович ёзувчи бўлиши билан большевиклар партияси ва ишчилар синфи билан узвий боғланган эди. У большевиклар ва ишчи синфининг ҳаққоний йўлидан бадиий ижод учун озиқ олар эди. Горькийнинг адабиёт оламида ягона қилган нарсаси ҳам революция ўтлари ичida енгиги чиқиши, большевиклар сиёсатининг туб мағзига тушунганд ҳолда, адолатли кураш, озодлик ҳаракатини тасвирлаш ва жамият ҳаётита актив қатнашиши бўлди. Унинг ҳаёти қизғин куашлар ичida, ҳаётий қийинчиликлар ичida ўтди. Шунинг учун ҳам у, ишчи ҳаётининг мазмунига тез тушуниди ва уни чинакам ҳаёт қилиш учун жонбозлик кўрсатди. «Она» романида, «Душманлар» пьесасида, «Коновалов» каби асарларида ишчи ҳаёти, айниқса, ўз биографиясидан олинган эпизодлар берилади. «Коновалов» да ёш Алёшанинг нонвойхонада ишлагани тасвирланади. Ишчи ҳаётини, курашини,

интилишини, психологиясини Горький сингари реалистик мөхирлик билан тасвирланган киши йўқдир.

Горький ўз ижодининг бошида романтик асарлар яратди. 1892 йилдан бошлаб 1905 йилгача ёзган анча асарларида шу ҳол кўринади. Горький романтикаси — курашчан романтика эди. У мавжуд ҳокимиятга қарши бўлган қизгин кураш романтикаси эди.

Устоз Совет ҳукуматининг маданий ҳаётида жуда кўп иш қилди. Ўз ташаббускорлиги билан бир неча журналлар ташкил қилди. Совет адабиётига етакчилик қилди. Ёш ёзувчиларни тарбиялади. Социалистик маданиятнинг ҳар соҳасига ўзи бошчилик қилди. СССР халқлари адабиётини ўрганишга бутун диққатни жалб қилди, ўзи мунтазам чиқиб турувчи «СССР халқлари ижоди» деган журнални ташкил қилди.

Горький совет ҳукуматининг душманларига аёвсиз душман эди. У троцкийчи-бухаринчи бандаларнинг шайкаларига қарши курашда Ленин партиясининг доно сиёсати билан актив ишлади. Горький ҳали ҳам биз билан. У совет адабиётининг ўсиши учун ҳали ҳам устоз. Унинг хотираси совет халқи юрагида абадий сақланажак.

«Ленин йўли» газетаси, 1941 йил 18 июнь.

Ёшларнинг дўсти, меҳрибон устози

Ёш ёзувчиларга таълим беришда Горькийга тенг келадиган кимса ҳали ҳозиргача ҳеч қаерда кўрилгани йўқ. Янги чиқиб келаётган ёш талантларга кўрсатган ёрдами, астойдил маслаҳатлари унинг ижодий ишларининг бир қисмини ташкил қиласар эди.

Афсуски, буюк Горькийнинг мана шутанқидий, тарбиявий мақолалари, бошқа кўп асарлари бизнинг тилимизга таржима этилган эмас. Унинг ёш ёзувчиларга, ишчи мухбирларга ёзган хатлари, алоҳида мақолалари, очерк ва ҳикояларга берган таҳлиллари бизнинг тилимизга албатта таржима этилиши зарур. Булар сўзсиз ёш ёзувчилар ва мухбирларга ўз ижодий маҳоратларини оширувда катта ёрдам беради.

Горький жуда кўп ёш ёзувчи ва мухбирлар билан хат ёзишар эди. Бу ҳақда Ефим Зозуля: «У ҳар кун ортиқ даражада иш билан машғул бўлар эди, аммо ёзувчиларга, ишчи мухбирларга, ёш шоирларга хат ёзиш унинг кундалик мажбурий иши қаторига кирган эди», деб ёзади.

Ўзини дунёнинг улуғ кишилари қаторига

еткизган Горькийнинг энг яхши хусусияти шунда әдики, у ўзининг ўқиши, ишлаш тажрибаларини ёшларга тақдим қиласа ва ўргатар әди. У, «Мен қандай қилиб ёзишга ўргандим» деган мақоласида шундай дейди: «Зўр француз адабиёти — Стендаль, Бальзак, Флобернинг менга ҳақиқий ва чуқур тарбиявий аҳамияти жуда катта бўлди. Бошлиғич ёзувчиларга мана шу ёзувчиларни ўқишини жуда ҳам маслаҳат берар әдим, улар ҳақиқатан ҳам буюк санъаткор, улуг шакл усталари. Бундай санъаткорларни рус адабиёти ҳали билмайди».

Горький ёш ёзувчиларнинг энг катта камчилиги сергаплик эканини, ҳақиқий бадиий асарда ҳеч ортиқча сўз бўлмаслиги, жумлалар қолипда қуийиб олингандай ихчам бўлиши зарур эканини кўрсатди.

Масалан, битта ёш ёзувчи шундай ёзган: «Индамасдан, сўзсиз ишладилар. Икки соатдан бери ёнма-ён окоп қазимоқда бўлган жанговарлар бир оғиз ҳам сўзламадилар». Горький биринчи жумланинг ёнига «индамай — сўзсиз ёзишдан нима маъно чиқади, агар одам индамаса гапирмаганлиги ўз-ўзидан аниқ-ку», деб танқид қиласи. У ҳар вақт гап сиқиқ, маъноли бўлсин, ишлатилган сўзлар қатъян аниқ бўлмоғи зарур, фикр аниқлиги ифода аниқлигига қаровдир, деган әди. Горькийнинг «безаклаб» ёзиш тўғрисидаги фикрлари жуда ажойиб. Безакли тасвирлардан иборат бўлган жумлаларни чизиб Горький шундай дейди:

«Гўзал» ёзиш керак эмас, бунга ҳожат йўқ, умуман, жуда гўзал бўлиб кетса ҳам

ўқишида кулги, бемаза чиқади, «гўзал» ёзиш истаги авторнинг оддий ва ишонарли ёзишига халақит беради. Ҳақиқий гўзаллик оддийликда».

Узлуксиз ўқиши-ўрганиш тўғрисидаги маслаҳат ва турмушни жуда чуқур, ипидан иғнасигача әгаллаш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалар Горькийнинг ёшлар билан бўлган муносабатида энг асосий жойдир.

«Менга яхши маълумки,— деб ёзади Горький,— бошловчи ёзувчилар орасида тушиуниб етмаслик жуда катта. Улар ўзларини олим ва ҳатто доҳий бўлиб қолган деб биладилар. «Ёзиш касби» енгил меҳнат деб ҳато ўйловчи ўртоқлар ҳам бор».

«Талант? Бу — ўз ишингизга муҳаббат қўйиш, ишининг кўзини билиш демакдир. Бутун вужудингизни, бутун кучингизни танлаб олган ишингизга берингиз. Ўқиши керак, ўқиши, ўртоқлар! Сизнинг ўқийтурган нарсангиз бор, сиз учун билим ҳазинаси тўплangan, сиз дунёда ҳеч қачон вужудга келмаган энг ажойиб замоннинг ажойиб даврида яшамоқдасиз».

Тобора ўқиши ва ўрганиш эҳтиёжи ошиб бораётган ёш ёзувчи ва мухбирларимизни цитаталар билан қаноатлантириб бўлмаслиги ҳаммага маълум. Ўқиши ва ўрганишнинг ҳақиқий йўли Горький қолдирган ва бошқа жаҳон классиклари қолдирган асл манбаларнинг ўзига мурожаат қилишдир. Бизнинг вазифамиз ўз дўстларимизни шунга даъват этишдан иборат.

«Ёш деяничи», 1937 йил 18 июнь,

Мен унинг уйида бўлдим

Мен Максим Горький асарларини ўқиб, шундай буюк ёзувчи билан гаплаша олармиканман, деб умид қиласдим. Лекин кўриша олишимга ҳеч ишонмас эдим. Унинг асарларини ўқиганимда унда бўлган санъаткорликка ҳавасим келарди. Ўйлардимки, шундай буюк бир ёзувчининг ҳузурида бўлиш ва у билан гаплашиш жуда қийиндир деб.

1934 йилда уни Ёзувчилар қурултойини очиш вақтида биринчи бор кўрдим. Унинг содда, меҳрибон гаплари ҳамма вакилларга ҳам баробар эди. Уйига борганимизда бизнинг ўйин ва ашуаларимизга қўшилиб турди. Мен бу учрашувни унутмайман.

Мен унинг «Она» асарини икки қайта ўқиб чиқдим. Бу асар ўқишга жуда ўнгай бўлиши ва тарихий фактларни яхши беришдан ташқари, менинг ўзимга қандай қилиб ёзиш кераклигини ўргатди.

Мен «Ҳуқуқ» романини ёзганимда «Она» дан кўп нарса ўргандим.

«Қизил Узбекистон», 1936 йил 20 июнь.

Горький билан учрашганда

Буюк Союз совет ёзувчилари қурултойи бўлаётган эди. Минбарга чиққан улуғ адаб Максим Горькийни кўриб беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Унинг қотма вужуди, узун мўйлови, кулиб турган кўзлари ва турмушнинг оғир қулфатларини кечиб ўтган юзларида жозибали муҳаббат сезилиб турар эди.

— Қимматли ўртоқлар! — Жозибали бир товуш билан сўз бошлади. Унинг маънодор сўзларини бутун зални тўлдириб ўтирган кишилар ҳузур қилиб эшитар эдилар. Мингларча кўзлар совет адабиётининг дурри-гавҳарига тикилган эди. Бу буюк революционер адаб, доно устоз гапиракан, менинг кўз олдимдан унинг асарларидаги революционер қаҳрамонлар ва Горькийнинг ёшлигига тортган жабру зулмлари ўта бошлади...

Улуғ адаб Алексей Максимович Горькийнинг богига борганимизда у бизни жуда камтарлик ва меҳмондўстлик билан қарши олди. Мен унинг узун-узун панжали, қари қўлларини сиқиб сўрашганимда, юрагим тўлқинланиб кетди. Мен ўзимча:

— Агар Горький ёнига боролсам, унинг билан анча суҳбат қиласман, адабиёт тўғрисида кўп нарсаларни сўраб, билиб оламан,— деб ўйлаган эдим.

Қурултой делегатлари Горький ёнида. Мен унинг ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир сўзини диққат билан кузатиб бордим. Унинг соддагина уйига кирганимизда у биз билам худди ёски қадрдонлардай суҳбат қилди. Сўзлари маъноли бўлган бу улуғ устознинг

суҳбатига ҳеч тўйиб бўлмайди, содда, самимий гаплари киши қалбига роҳат бағишлашдай тўхтамайди. Мен ўйлаб қўйган саволларим унинг суҳбатидәёқ ечилиб кетди.

Чиндан ҳам мен ўз тарихимда учраган бу қисқа муддатли олижаноб суҳбатдан йиллар китобини ўқигандай маза олдим.

У бир уста нақош эди. У одамзод бахти, эркин ҳаёт учун маёқ ролини бажарувчи нақш асарлар яратиб ўтди. Ундан мингларча қаламкашлар ёзишни, турмушни тўғри тасвир қилишни ўргандилар.

У машҳур турмуш устози — ундан миллион кишилар қандай қилиб яшаш кераклигини ўрганадилар, қандай қилиб эркин ҳаёт қуришни ўқийдилар. Мен унинг билан хайрлашганимда — худди абадий айрилаётгандай, кўз косаларим ёшга тўлди...

Мен ўша унutilмас суҳбатдан кейин ўзимда қандайдир бир куч сездим. Шундай буюк одамларнинг камтарин бўлишлари, кишилар билан жонбахш суҳбатларини эслаган сайин яна Горькийга муҳаббатим ортади.

Горький ўлди. Бироқ унинг асарлари тирик. Унинг номи кишилик эрки учун курашган улуғ кишилар қаторида дунё меҳнаткашларининг қалбida абадий яшайди.

Улуғ устознинг асарларидан ўрганиш революция тарихини ўрганишдир. Ундан ўрганиш социалистик адабиётнинг тарихи ва қоидаларини ўрганишдир.

Ҳаёт лирикаси

Биринчи марта А. М. Горькийнинг «Хон ва Хонзода» ҳикоясини «Ер юзи» журналида ўқиган эдим. Ҳали у вақтларда бошлангич мактабнинг ўқувчиси сифатида рус тили билан энди таниша бошлаган давр эди. Оригиналдан ўқишига «тиш» ўтмас эди. «Хон ва Хонзода»ни мароқ билан қизиқиб ўқиган бўлсам-да, бироқ ҳикоя катта бувиларнинг бизга айтган ажойиб эртаклариdek туюлди, ҳикояни болаликка хос шуур билан ҳазм қилган эдим. Фақат икки дагал ёввойи эҳтироснинг қурбони бўлган бегуноҳ қизга жуда ачинган эдим. Лекин ҳикоядаги бадиий мөҳирликни пайқай олганим йўқ эди.

Университетда одатдагидек дарслар давом этар эди. Танаффусдан сўнг аудиторияга йиғилдик. Ҳаммамиз секин ва одоб билан муаллимни кутиб олдик. Студентларнинг илиқ табассумига сазовор бўлган «Рус адабиёти тарихи» муаллими ҳар кунгидек очиқ чеҳра билан нималарнидир сўзлаб дарсхонага кириб келди. Портфелини столга қўйди, биз билан имо қилиб саломлашди-да, яна сўзида давом этди. У оддий сўз эмас,

шөйр ўқир эди. У артистлардай ҳолатга кириб, гүё Гамлетдай оташин монолог ўқир эди. Муаллим юрак билан ўқиганда, ойнаванд бино жонон пиёладек жарангларди. Доно сўзларга биз жон қулогимизни тутган эдик.

Унинг овозидан денгизнинг зардали бўкириши, лочиннинг аламли ва ғазабли қичқириги эшитилгандек бўларди. Ярим соатча давом этган шеърий мелодия тўхтади.

— Улуг пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький «Лочин қуши қўшиғи»ни шундай ёзган эди,— деди муаллим.

Орамизга чўккан вазмин жимлик бўшашди, ҳаммамиз бир-биримизга қарадик, кўзларимизда муаллимга бўлган шогирдлик муҳаббатининг нурлари яллиғланган эди. Уша пайт биринчи марта улуг Горький ўз салобати билан кўз олдимиэда мужассамланиб, юрагимиздан чуқур жой олган эди. Шундай қилиб, Горький асарларининг оригиналини ўқишига зўр бердим. Горький адабиётининг гармоникасини англай бошладим.

Денгизнинг майин табассуми, даҳшатли қаҳқаҳаси ва бўрон қушининг ғазабли қичқириги Горький орқали қулогимизга эшитилди. Горький мусибатли ҳолатнинг тубанликларидан кўтарилиб, ҳациқат қиличини ярқиллатиб, юксакларга қараб парвоз этди. У қуёш фарзандларига ҳаётнинг заҳар ва азобларини кўрсатиб берди. Ҳаётнинг жароҳатларига сабабчи эксплуатация эканлигини айтиб, яраларни тузатувчи малҳам — ишчилар синфининг революцион жанги эканини мағрур овоз билан бутун дунёга ёйди.

Горький иродасида муҳаббат ажал ўстидан ўз ҳукмини юргизди. «Она»да пролетариа нинг героинаси, коммунизмнинг жарангловини гимнини берди. Горький оташин романник, ҳаққоний реалист эди.

Горький одамохун, шунинг учун ҳам унинг севган қаҳрамонлари гигант қадамлар билан олдинга борувчи, истиқболга ишотч кўзи билан қаровчи магрур одамлардир.

Горький пьесаларини таржима қилиш менса тарихдан, синфий жанглардан, мардлик ва қаҳрамонликдан савод берди.

«Кизил Узбекистон», 1940 йил 18 июнь.

Қуёшдек барқарор.

(Хотиралардан)

Бир минг түқкіз юз ўттис түртінчи йил. Август ойининг ўн түққизинчи куни бўлса керак, Москва ҳавоси ҳар қачонгидан ҳам тиниқ, кўча-кўйда ўз тирикчилиги, ташвишида юрган ёш-қари москваликларнинг юзларида табассум, кўзларида шод-хуррамлик.

Бутун Иттифоқ Совет ёзувчиларининг Биринчи съезди очилаётган кун. Мингларча москвалик ва турли шаҳар, қишлоқлардан келган меҳмонлар Союзлар уйининг биноси олдига тўпланишганлар. Ҳамма олазарак. Халиқ кимнидир кутмоқда.

СССР ёзувчилари тарихий Биринчи съездининг делегатлари жумласидан марҳум Зиё Сайд, Ҳусайнжон Шамс ва Ойдин Собирова, Гафур Гулом, Гайратий, Раҳмат Мажидий, мен ва ўнларча бошига республикалардан келган делегатлар съезд мажлиси очиладиган бинога киролмасдан туриб қолдик. Союзлар уйининг атрофи, кўчалар оломон билан тўлиб-тошган... На отлиқ ва на пиёда милициялар Союзлар уйининг катта залига кириш учун йўл очолмас, оломон өгаллаб олган еридан бир қарич ҳам жилол-

майды, жилиш учун жой ҳам йўқ. Биз дегенегатлар ҳам оломонга қўшилиб кетдик, булар орасидан ажалиб чиқиб, залга кириш имкониятидан мутлақо маҳрум эдик.

Оломоннинг кўзи, бутун эътибори катта йўлга қаратилган.

— Келяпти! — деб кимдир қичқирди.

— Худди ана шу машинада келяпти, — деб яна кимдир қичқириб юборди.

Катта йўл оломон билан тўлиб-тошганидан машина жилолмасдан тўхтаб қолди. Шофёрнинг «йўл очинглар» маъносида бераётган сигнални бефойда эди. Отлик ва пиёда милиция отряди одамларга бақириб-чакириб машинага йўл очиб беришга ундар эди. Қаёқда, бир неча минут ўтар-ўтмай қора МК одамлар билан ўраб олинди.

— Горький!

— Алексей Максимович Горькийга ура!

— Ура!.. Ура! Ура! Севимли ёзувчимизга ура! — садолари янграб, бутун халқ, ёш-қари, аёл-эркак, қиз-йигитлар бир оҳангда қарсак чалишарди.

Машина оломон қуршовида. Ҳамма машинага интилади. Машина одамлар исканжасига тушиб қолганидан унинг эшигини ҳам очиб бўлмас эди.

Одамлар машина ичида Алексей Максимович бор-йўқлигига шубҳа қилиб:

— Балким, машина ичидаги бошқа одамдир, — деса, машинага яқинроқ турган бир одам баланд овозда жавоб берарди:

— Ўртоқлар! Алексей Максимовичнинг ўзгинаси. Ана-ана, мўйловидан таниб турибман...

Бу ҳақиқатни эшитган оломон тобора машинага яқинлашиш учун толпинарди.

Милиция ва оломон ичидағи бақувват, әпчил йигитлар ёрдамида машина олдини түсіб олган одамлар орқага, ёнга сурилиб оз бўлса-да, йўл очилди, машина бино эшиги томон силжиб етди ва ниҳоят Алексей Максимович Горький узун қоматини базур икки букиб машина эшигидан чиқди ва тик туриб олиб ўз севимли китобхонларига қўшилиб қарсак чала бошлади.

Тинимсиз қарсак ва «Ура!» садолари янграр эди. Улуг Горький баъзан қарсак чалишдан ўзини тийиб оломонга боқиб жилмаяр, узун хушмўйловини силаб, қуюқ қош тагида порлаб турган теран кўзини сузиб дунёда энг севган ва қадрлаган нарсаси — одамларга чексиз меҳр-муҳаббат тўла қалбини багишлаган улуг инсон қиёфаси намойиш қилинаётгандек туюлар эди.

Милиция ходимлари одамлар орасини ёриб дарвозага йўл олди. Энди улуг ёзувчи учун Союзлар уйи залига йўл очиқ. У ўзи севган китобхонлари билан хайрлашуви, ўз ташаббуси билан таъсис этилган тарихий съезд мажлисини очиши мумкин. Бутун дунё жамоатчилигининг кўзи Москвага тикилган. Улар улуг совет ёзувчиси Горький-нинг совет адабиёти ва совет ёзувчилари зиммасига тарих юклаётган вазифалар тўғрисидаги докладини эшитишга муштоқлар.

Алексей Максимович Горький ўзига қаратилган мингларча меҳрибон кўзлардан кўз узолмай тик туриб қолди. У гоҳ жилмайиб, гоҳ хушбичим мўйловини силаб, гоҳ

қарсак чалиб ўз ҳаяжонини боса олмаётган китобхон ва томошибинларини тинчитмоқчи бўлар эди. Лекин ҳалқ вулқандек қайнаб, тўлқинланар, уни сира тинчтиш мумкин бўлмаган эди.

Мана шу вулкан оқимида зарра учқун бўлиб мен ҳам қотишган эдим. Китобларини ўқиб қалбимни мафтун қилган улуғ совет ёзуучиси буюк устоз Алексей Максимович билан биринчи учрапувим шу зайлда бўлган эди. Мен ҳам миллион-миллион китобхонлар қаторида қарсак чалиб, табриклаб, донишманд Горькийнинг нуроний қоматини, мулоим табассумини ҳаяжонланиб ўзимда йўқ хурсандчилик билан кўришим шундай бўлган эди.

Мен совет адабиётининг кўп миллатли арబолари билан съезд мажлисида ўтириб улуғ Горькийнинг бекиёс мазмундор ва фалсафий докладини мароқ билан тинглаган делегатлардан бири ҳамда улуғ Горький билан бўлган мулоқотда бўлганим учун ўзими беҳад баҳтиёр санайман. Мен бутун адабий фаолиятимда Горький адабий мактабидан баҳраманд бўлиб келаётган кўп мингли шогирдларининг энг ушоги сифатида Горькийдек ростгўй, принципиал, одамларга ғамхўр, совет ҳалқига беминнат дастёр бўлиш учун ҳаракат қилиб келдим. Бундан сўнг ҳам, ҳалққа, Коммунистик партияга содик бўлиб қоламан.

Чинакам ишчилар, меҳнаткаш ҳалқ ва зиёлилар манфаатини ёқлаб, уига истиқбол йўлини равшан кўрсата олган ўз кўлами эътибори билан Горькийга тенг келадиган

чинакам ёзувчи дунёда камдан-кам ўтган бўлса керак.

Ғам-қайгуда, шод ва хуррамликда халқ билан ҳамдард бўлиб, халқ ҳаётини куйлаган ёзувчигина халқ юрагига йўл топа олади. Улуғ Горький ўзининг шоҳ асарлари билан халқ қалбини забт эта олган биринчи ва тақрорланмас совет ёзувчиси әди.

Мана, биз совет ёзувчилари ўз адабий фаолиятимизда кимга тақлид қилишимиз ва кимдан кўпроқ ўрганишимиз керак.

Улмас Горькийнинг умри, адабий мероси қуёшдек барқарор. Горький биз совет ёзувчиларининг байроқдоримиз әди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

1963 йил 27 марта.

Үстозга муносиб бўлиш масъулияти

Горъкийдан ўрганиш ҳақида гапирганда, менинг назаримда, аввало шуни айтиш керакки, у бизни ҳаётга революцион кўз билан қарашга ўргатади.

Ижтимсий тараққиётдан орқада қолиб, ҳаётдаги келажак куртакларини, эртага ким ва нима енгажагини айтишга ожиз бўлган танқидий реализм ўрнига қандай метод келиши керак, деган савол кун тартибига қўйилганда, ёш Горъкийнинг дастлабки назарий фикрларидаёқ келажакдаги янги адабий методнинг — социалистик реализмнинг асосий принциплари белгиланган эди. Унинг ҳаёт ҳодисаларини революцион тараққиётда кўрсатиш, ҳаёт материалига чинакам хўжайнадай онгли муносабатда бўлиш, инқирозга юз тутган нарсани икор этиб, туғилаётган ва келажаги ишончли бўлган нарсани қатъий тасдиқ қилиш, ҳаётнинг асосий ўсиш тенденциясини топа билиш, ҳаёт материалини ташкил этувчи ғоя ҳақидаги фикрлари XX аср прогрессив адабиётининг, совет адабиёти ва унинг методининг асосларидан бўлиб қолди.

Горькийнинг ижодий фаолияти бу назарий қарашларни амалда тасдиқлади ва уларнинг ҳаётйилигини кўрсатди. «Она» романни ҳаёт материалига келажак кўзи билан, революционер кўзи билан қараб ёзилган асар эди.

Горькийнинг назарий фикрлари ва ижодигина эмас, бутун ҳаёт фаолияти ҳам турмуш билан ҳамкор бўлган ана шундай янги адабиётни яратиш ва уни кучга тўлдиришга бағишлиланган эди. У ҳатто соғлиғи унча яхши бўлмаган вақтларда ҳам қаҳратон Мурманскга, жазирама Сальск чўлларига, Днепростройга ва Боку нефть конларига бориб, очерклар, оддий репортажлар ёзади. Бу — буюк ибрат эди. Янги адабиётнинг Горький типидаги намояндлари етишиб чиқди. Мамлакат ҳаёти ва халқ манфаатлари билан яшаш совет адабиётининг муқаддас традицияси бўлиб қолди.

Бир йил аввал совет халқи партиямиз Марказий Комитетининг саноатни идора қилиш системасини қайта қуриш ҳақидаги таклифини маъқуллади. Бу ҳодиса ижтимоий ҳаётимизни тўлқинлантирди, халқ билан партия бирлигини яна бир намойиш қилди, турмушимиз мазмунини, қалбларимизни бойитди. Бу ҳақда адабиётимизнинг «енгил сувори» жанрларида кўпгина разведкалар бўлди. Энди халқ зўр ижодий тўлқинларни кутади, у шунга ўрганиб қолган, буни ёзувчилар ҳам биладилар. Совет адабиёти бу умидни оқламаслиги мумкин эмас, ундаги Горькийча традициялар шўни тақозо қиласди.

Горькийдан ўрганмоқдамиз дейиш фахрли, аммо у исботни талаб этади, катта масъулият юклайди. Ҳали саноатдаги катта революцион ўзгаришларни чуқур тафаккур этгунимизча йўқ, ҳолбуки, бу даврда қишлоқ ҳаётида ҳам янги мураккаб проблемалар, янги тақдирлар, ўтқир ҳаётий конфликтлар туғилмоқда, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатнинг янги томонлари очилмоқда.

Бундай пайтда майда темалар билан ўралишиб қолиш, магистрални қўйиб, сўқмоқ йўлларга кириб кетиши, эҳтирослардан, кураш ва ҳаяжонлардан, журъатли ишлардан четда қолиши — ёзувчи учун жуда хавфли, чунки бу — турмушдан, ҳалқ ҳаётидан ажralиб қолиш деган сўз.

Чинакам революцион воқеаларнинг гирдобидамиз, ҳалқнинг маънавий ҳаётида янги гуркираган давр бошланди, ҳозирги замоннинг катта проблемаларини ечишда ҳалқка, партияга ёрдам бериш учун ҳисобсиз имкониятлар муҳайё. Горький таълимни қалбимизда, Горький намунаси қошимизда. Үнга муносиб бўлишимиизни китобхон чин кўнгилдан ишониб кутмоқда! Устозга муносиб бўлиш масъулияти ҳақидаги ўй кўнглимиизни доим нотинч қилиб туриши керак.

«Узб. маданият», 1958 й. 29 март.

X. Носирова

(СССР халқ артисти)

Мен Горькийдан ўргандим

Буюк устознинг ўлмас асарларини Озарбайжонда студентлик чоғларимда севиб ўқирэдим. Адибнинг қимматбаҳо асарлари санъатда тез ўсувимга ёрдам берди.

Мен ўқиган «Она», «Мешчанлар», «Болалик», «Менинг дорилғунунларим» асарлари бутун ижодимда йўлдош бўлди.

Мен «Эр Торғин» операсида Оқюнус ролини ижро этарканмән, ўзимда Максим Горькийнинг «Мешчанлар» асарига яна бир карра мурожаат этишга катта эҳтиёж сездим. Шундай қилиб, Қрим хонининг қизи Оқюнуснинг маккорлиги ва пасткашлигини томошабинга тушунтириб беришда Горькийнинг шу асаридан савод олдим...

Горькийнинг севимли қиёфаси бизнинг кўз олдимиизда. Горький пролетар адабиётининг символидир. Унинг доҳиёна асарлари ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошиқа миллат тилларига ҳам таржима этилди. Энди ҳаммамиз устоз Горький асарларини янада кўпроқ ўрганиш учун ҳаракат қилишимиз керак.

«Қизил Узбекистон», 1938 йил, 18 мюнъ.

III

Буюк устоз

Горький гуллаётган совет адабиёти гулистонининг энг ғамхўр ва моҳир боғбони эди. У ишчилар ва меҳнаткашлар оммасидан чиққан ёш талантларни тарбиялашда, вояга етказишида жуда катта хизматлар кўрсатди. Ҳозир шуҳрат қозонган неча ўнлаб совет ёзувчилари унинг бевосита тарбиясини олиб етишдилар. Горький ёш ёзувчиларниг энг ғамхўр маслаҳатчиси ва устози эди. «Ўзи етишган ёзувчилар» номли асарида Горький 1906—1910 йиллар ичida ёш ёзувчиларниг 400 тача қўллэзмасини кўриб чиққанини ёзади. Октябрь социалистик революциясидан кейин Горькийдан маслаҳат сўраб мурожаат қиливчиларниг сони бир неча ўн мартараб ортди. Горький совет тузуми натижасида халқ ичидан етилиб чиққан юз минглаб ёш талантларниг отаси бўлиб қолди.

Горький нашриётларниг иши тўғрисида гапирадими, журналларниг аҳволини таҳлил қиласидими, ёш ёзувчиларниг асарига баҳо берадими, ишқилиб, нимаики қилса, доимо ёш ёзувчиларни тарбиялаб, уларга амалий маслаҳатлар билан ёрдам беришни

талаб қиласы. Горький адабий танқид түғрисида гапирап әкан, унинг олдига мана бундай вазифаны құяды: «Еш адабиётчиларни содда, аниқ ва билимдонлык билан ёзишиңга ўргатиш танқиднинг зиммасидаги вазифалардан биридир, мен, ҳатто бу вазифа — танқиднинг бош вазифаси деб биламан». Горький ёш ёзувчиларга сөз санъатидан әмас, балки қуруқ сиёсий саводдангина вაльз үқувчи танқидчиларни жуда қаттиқ силтаб ташлар әди.

Аммо Горький ёш ёзувчилар түғрисида шунчалик ғамхүрлик қилиш билан бирга, уларнинг олдига ҳам жуда катта талаблар құйды.

Горький бадий адабиётдек муқаддас ва шарафли ишга енгилтаклик билан қаровчи, уни «тирикчиликнинг осон йўли» деб фаҳмловчилар ҳақида жуда катта ғазаб билан гапирап әди. Горькийнинг адабиёт ҳақидағи ҳамма мақолаларида биз учун жуда ҳам муҳим бир фикр қизил ип бўлиб ўтади. Бу ёзувчининг масъулиятини, адабий ишнинг буюклиги ва қийинлигини, катта меҳнат талаб қилишини ёш ёзувчиларга яхшилаб уқтиришдир. У: «Адабий асар хамирдан қил суғургандек осон вужудга келмайди. Адабий меҳнат — қийин меҳнат», деб доим такорлаб келди.

Горький халқ оммасининг қобилиятлагижа жуда катта баҳо берар әди. Алексей Максимович адабий ишнинг қийинлигини ёш ёзувчиларга яхшилаб уқтириш билан бирга, уларни қаламни синдириб ташлашга әмас, балки ўз устида доимо тинмай ишлаш-

га өңеңдер, катта ижодий ишларга илхом-лантирап эди. У тинмай ўқишига ундали, ўқимаслик ва нодонлик күп ёш талантларни нобуд қилажагидан огохлантириди. Еш ёзувчиларнинг бир қисмида учрайдиган шошқалоқлик, енгилтаклик ва манманлик касалликлари тўғрисида галириб келиб, Горький ёзади: «Мен яхши биламанки, ёш ёзувчилар орасида чаласавод ва маданиятсизлар жуда кўп бўлишига қарамай, улар ичидаги қобилиятли ва ўқишини астойдил истайдурганлар ҳам кўп. Улар орасида катта талантлар ҳам бор. Лекин улар ҳаммаси ишнинг техникасини ўрганишлари керак. Уларнинг жуда ҳам кўпни техника жиҳатидан жуда ожизздирлар ва бу нарса улардан кўпни муқаррар ҳалок этади, улардаги қобилиятнинг бутун кучи ва гўзаллиги билан ривожланишига имкон бермайди». «Ҳамма нарсани ўрганиш керак. Одам қанча кўп нарса билса, шунчалик кучли ва шунчалик яхши қуролланган бўлади. Адабиётчилик йўлини танлаб олган кишилар ҳаммадан илгари адабиётни, адабиёт тарихини ва типларини юзага келтириш тарихини ўрганишлари лозим».

Алексей Максимович оғир меҳнатдан қочадиган ва дарров «катта киши» бўлиб, шуҳрат қозонишга уринадиган авантюристларни жуда ҳам ёмон кўрди. У бундай авантюристлик кимларнинг иши эканини тушунитиради. «Шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, ёзувчи маданий жиҳатдан қанчалик кам савод бўлса, у «катта одам бўлиб олишга» шунчалик қаттиқ ва очиқ ҳаракат қиласди».

А. М. Горький ёш ёзувчиларни ўз орасидан ҳар қандай авантюристларни ва шилмачиларни супуриб ташлаб, халқ учун, совет адабиёти учун астайдил ишлашга чақирди.

Ҳақиқий совет ёзувчиси бўлмоқ учун нима қилмоқ керак? А. М. Горький бунинг асосий шарти қилиб ўқишни ва турмушни ўрганишни қўяди. «Сиз омма ичида яшайсиз, сиз Толстойга, Тургеневга ўхшаб қишлоққа бориб, кабинетда ётиб олиб ишламайсиз. Ҳамма процесслар сизнинг кўз олдингизда бўлмоқда. Бу процессларни кўра билмоқ, уларга диққат қилмоқ, уларни салмоқлаб кўрмоқ, таққосламоқ керак, бирликни изламоқ керак, қарама-қаршиликларни ахтармоқ керак. Ҳамма гап шунда». «Ўқиш керак, ўртоқлар! Доим, ҳар кун, бутун умр бўйи ўқиш керак».

Горькийнинг ёш ёзувчиларга берган конкрет маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари совет адабий танқиди учун намунаидир. Горький адабий асарни катта бир бинога ўхшатиб, бу бинодаги ҳар бир михнинг ҳам пухта ишланишини талаб қилди. Ёш ёзувчининг асарини қўлга оларкан, унинг ана шу михларгача қандай ишланганига аҳамият берарди.

А. М. Горький ёш ёзувчиларни даставвал турмушни акс эттиришга, ҳаққоний тасвирлашга чақирди. Ёзувчи фақат билган нарса-синигина ёзиши ва бу нарсани ўқувчи кўра оладиган қилиб тасвирлаши лозим. «Ўқувчи адабиётчи томонидан кўрсатилаётган ҳамма нарсани кўра олсагина, бу адабиётчининг асари ўқувчига озми-кўпми таъсир қиласди».

А. М. Горькийнинг тил масаласида ёзув-

чилар олдига қўйган юқори талаблари, ана шу ҳаққоний тасвир ҳақидаги талабдан келиб чиқади. Горький ёзади: «Сўзларни энг қатъий аниқлик билан ишлатмоқ зарур». «Тилни майин ва аниқ қилишни Чеховдан ўрганмоқ мумкин: Чеховнинг жумлалари қисқа, унда мураккаб жумлалар тамоман йўқ». Буюк устоз талаби — «энг оз сўз билан кўп фикрни ифода қилиш» эди.

Кўпгина ёш ёзувчилар, адабий асарда чиройли сўзлар қанчалик кўп бўлса, асар шунча яхши чиқади, деб янгилишиб юрадилар. Қачондир ўзи ҳам шундай бир касални бошидан кечирган Горький ёшларни содда ёзишга чақиради. Горький бу хатида бир ёш ёзувчининг асаридан мана бундай парча келтиради.

«Кунлар билан туилар бир-бирига улашиб кетдилар. Украина уфқлари худди майдагидек гуллаб, табассумга тўлиб ётар эди. Кўчаларда шод ашуалалар янграрди. Кечки уфқларда ёшлик барқ уриб турарди, томирларда қон қайнарди».

Бу парчага Горький бундай баҳо берди: «Бундай «гўзал» ёзмаслик керак. Автор «гўзал» қилиб ёзмоқчи, бу тилак эса унга содда ва ишонарли қилиб ёзишга халал беради. Ҳақиқий гўзаллик фақат соддаликдадир».

Горький адабий асарни шунчалик пухта ва батафсил таҳлил қиласр эдики, ҳатто ҳар бир сўзниң қандай оҳанг беришига, ҳар бир сўзни айтиш осонми, қийинми эканига ҳам диққат қиласр эди. Горький бир жумлада бир сўзниң ва бир қўшимчанинг такрорланишини жиддий камчилик деб ҳисоблайди. Биз-

нинг кўп ўзбек ёзувчиларимиз «гайратнинг ошиши», «баҳонинг тушиши», «тажрибаларни бошқаларга ёйётириш» каби жумлаларни тузадилар ва бу жумлаларнинг ўқишига оғирлигини эътиборга олмайдилар. Баҳоланки, шу жумлалар «гайратнинг ошуви», «баҳонинг тушиви», «тажрибаларни бошқаларга ёймоқда» деган шаклда берилса, жуда енгиллашади. Бу — бир қараганда, жуда майда, бачкана нарса бўлиб кўринади. Аммо адабий ишнинг буюк устози Горький ана шуларга ҳам кўп диққат қиласр эди.

Горькийнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари бебаҳо ва мислсиз бир ҳазинадир. Горький ўзининг адабиёт тўғрисида ёзганларида адабий ижод сирларини очиб беради. Унинг фикрлари ҳамма — ёш ва қари ёзувчиларимиз учун мактабдир.

Мана шу мактабда яхшилаб ўқимоқ ва Горький айтганларини амалга оширмоқ А. М. Горькийга энг яхши ёдгор бўлажак.

1936.

Пъесалар, Мақолалар, УзССР Давлат бадијадабиёт нашриёти, Тошкент, 1959 йил, 151—154- бетлар.

Устоз ҳақида ўйлардан

Социалистик реализм методи ҳам тарихий ҳодисадир. Горький буни бир неча бораниқ кўрсатиб ўтган эди, зотан, унинг ижодида бу методнинг энг асосий хусусиятлари ёрқин акс этган.

1954.

Ҳаётни, ундаги илғор, прогрессив кучларни «кўтаринки», романтик тасвирлаш социалистик реализм принципларига зид эмас. Социалистик реализмга асос солган М. Горькийнинг ва бошқа кўп совет ёзувчиларининг ижодий тажрибаси бунга кўп яхши далиллар беради. М. Горький ўзининг назарий мақолаларида бизнинг замонамизни тасвирлаганда монументал шакл, кўтаринки ва романтик руҳ ҳамда усуллар зарурлигини қайта-қайта уқтириб ўтган эди.

1957

Социалистик реализмнинг асосчиси М. Горький ижоди рус ищчилар синфининг революцион ҳаракати ва Ленин бошлиқ Россия марксистик большевиклар партиясининг фаолияти билан қаттиқ боғланган ҳолда ривож топди.

1958.

Ҳеч бир ўзбек ёзувчиси йўқки, у қайси шаклда бўлмасин, ўзининг рус адабиётидан ўрганиб, ижодий ютуқларга эришганини таъкид этмаган бўлсин. Ўзбек шоирлари ижодида Пушкин, Лермонтов, Горький, Маяковский, Н. Островский ва рус адабиётининг бошқа намояндалари ҳақида ёзилган бадиий асарларнинг кўпчилиги ҳам рус адабиётининг зўр таъсиридан шоҳидлик беради.

1958.

М. Горький бошлиқ рус совет адабиёти дунё адабиёти тарихида биринчи бўлиб халқнинг социализм учун курашини тасвирлади, социализм учун курашा�ётган меҳнаткаш халқни адабиётнинг марказий қаҳрамонига айлантириди, халқнинг тарихидаги яратувчилик йўлини очиб берди, Коммунистик партиянинг социализм ва коммунизм учун курашдаги етакчилик фаолиятини ёрқин образларда кўрсатди, ҳозирги замон темаларида классик асарлар яратиб, совет воқелигининг социалистик реализм адабиёти тематикасида асосий ўринни эгаллаши лозимлигини ва мумкинилигини исбот этди.

Пъесалар, Мақолалар. УзССР Давлат баданий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959 йил, 213
288, 352, 361, 365-бетлар.

Горький ва Ўзбекистон

(Илмий лавҳалар)

«Замоннинг катта ёзувчилари доимо ўз даврларининг энг олим ва энг маданий кишилари бўлиб келганлар. Бизнинг замона-мизда пролетариатнинг улуг санъаткори Максим Горький бунга порлоқ мисол бўла олади»,— деган эди атоқли ўзбек адиби Ҳамид Олимжон. Чиндан ҳам умрида тузукроқ мактаб кўрмаган бу адиб гимназияни аъло битирган баъзи кишилардан кўра кўпроқ нарса биларди. Бирор фандан мунтазам лекция эшитмаган Горький ҳаёт университетини ўтган, ҳатто инқилобдан аввалоқ академикликка сайланган фозил бир шахс эди.

А. М. Горький фақат улкан санъаткорги на эмас, балки билим доираси фоят кенг олим ҳам бўлган. Унинг ўтиз томлик асарлар тўплами билан чуқур танишсангиз, А. М. Горькийнинг ўз замонасидаги кўпгина асосий фанлардан катта маълумотга эга бўлганлиги, тарих, фалсафа, санъатшунослик каби гуманитар фанлар ривожига улкан ҳисса қўшганлигини яққол сезасиз.

А. М. Горький Шарқ ҳалқлари тарихи, фалсафаси, санъати ва адабиётини ҳам анча

яхши билган ва улардаги айрим ҳодисалар ҳақида ўз фикрларини турли ўринда баён қилган. Шулардан батъзиларини ушбу мақолада муҳтарам ўқувчиларимизга эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу анча катта мавзу бўлгани учун, унинг мукаммал баёнига ваъда бера олмаймиз ва бинобарин, мазкур мушоҳадаларимизни илмий лавҳалар деб қабул қилгайсиз.

Халқ, унинг ижоди ва тарихи хусусида

А. М. Горький материалистик эстетика-нинг туб моҳиятини баён қилган қатор илмий-назарий мақолаларида сўз санъати фольклордан бошланганлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Устознинг бу фикрига тўла қўшилган ҳолда яна шуни айтиш мумкинки, инсоннинг эстетик тарбияси ҳам ёшлигига эшитган илк алла ва қўшиқларидан, топишмоқ ва тез айтишларидан, мақол ва эртакларидан бошланади. Худди шу ҳолни Ҳамид Олимжон жуда тўғри таърифлаган:

Болалик кунларимда,
Үйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зуҳра, Ёрилтош,

Ойни уялтирган қош,
Ут боғлаган қанотлар,
Беқакот учган отлар,
Бахтиёр билан Ойгул,
Қиз бўлиб очилган гул.
Сўйлагувчи деворлар.
Бола бўп қолган чоллар...
Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим...¹

Худди шундай фикрни Ҳамид Олимжондан ўн йил аввал, 1929 йилда, унинг севимли устози Максим Горький ҳам айтган эди: «Шахсан эътироф этишм керакки, бувимдан ва қишлоқ эртакчиларидан эшигтан эртакларим зеҳнимнинг ўсишига катта таъсир кўрсатган. Айнича уларнинг босилиб чиқиши мени ҳаддан ортиқ қувонтирди ва менинг эртаклар ҳамда уларнинг аҳамиятига нисбатан берган баҳомни ююри кўтарди. Ўн икки яшарлигимда «Янги араб эртаклари» нинг XVIII асрдаги қандайдир вилоят босмасини ўқиб чиққанман. Ўшанда мен китобда ёзилган барча сўзлар ҳақиқат деб ўйланган эдим»².

Мазмундор рус фольклори ва жаҳондаги бошقا халқларнинг оғзаки ижоди билан бир қаторда шарқ фольклори ҳам А. М. Горькийни мафтун этар ва устоз адаб бу дурдана ижоднинг оташин тарғиботчиси эди.

¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар, уч томлик, II том, Ўззадабийнашр, Тошкент, 1958 й., 101-бет.

² Максим Горький. Адабиёт ҳақида, Ўззадабийнашр, Тошкент, 1962 й., 321-бет.

Шунинг учун ҳам 1929 йил Ленинградда «Академия» нашриёти «Минг бир кечаси»нинг русча нашрини тайёраётганида А. М. Горький унга сўзбоши ёэди. Унда бундай дейилади:

«Халқ оғзаки ижодиётининг ажойиб дурданалари орасида «Шаҳризод эртаклари» энг асл маҳобатли ёдгорликдир. Бу эртаклар ажойиб латофати билан меҳнаткаш халқни ширин хаёлларга гарқ этади, эркин сўз ўйинлари билан Шарқ халқлари — араблар, форслар, ҳиндларнинг гуллаётган ижодий хаёлининг бекиёс кучини тараннум этади. Бу сўз матои узоқ ўтмишда бунёдга келган, унинг ранг-баранг нозик иплари бутун ер юзини чулғаб, уни ўзининг ҳайрон қолдирадиган балогатли ҳусни билан қоплади»¹.

А. М. Горькийнинг Шарқ фольклорига қизиқиши кўпдан ва анча мунтазам бўлганлигини тасдиқловчи бир қанча далиллар бор. Бу масалани атрофлича ўрганган ўзбек олимларидан бири Солиҳ Қосимов Максим Горькийнинг шахсий кутубхонасида Н. Ф. Катанов томонидан рус тилида нашр этилган мусулмон афсоналари ҳам бор эканлиги, мазкур тўпламдан эса ўзбек халқининг ҳам айrim эртаклари, мақол ва маталлари жой олганлиги ҳақида маълумот беради².

Солиҳ Қосимов бошقا бир мақоласида бундай деб ёзади: «Маълумки, XIX асрнинг 80-ийларида, Россия бўйлаб саёҳат қилиб

¹ Максим Горький. Адабиёт ҳақида, 320-бет.

² С. Қосимов. М. Горький ва туркистонлик аёл, «Шарқ юлдузи», 1961 йил, 4-бет.

юрган вақтида Горький Каспий дөнгиз бўйларида ҳам бўлган. Ўша ердаги балиқ заводи яқинида бир кулгили тожик эртагининг баёнини эшитганлигини «Русь бўйлаб» се-риясидаги «Хушчақчақ» очеркида унинг ўзи ёзади. Ижодий равишда қайта ишланган бу мавзуни Максим Горький шеър билан баён қилган.

Ундан ташқари «Италия ҳақида эртаклар»да тўртта қисса борки, буарни совет горькийшунослари асосли равишда «Самарқанд афсоналари» деб атаганлар. «Самарқанд афсоналари» бевосита ўзбек фольклорига алоқадор. Чунки уларга ўзбек эртакларининг материали асос бўлган»¹.

Бу ўринда олимлар А. М. Горькийнинг она ҳақидаги ҳамда шоҳ ва гадо тўғрисидаги, шунингдек, Мұқанна ҳақида ҳикоя қи-лувчи асарларини назарда тутадилар. Тўрт афсонадан яна бири машҳур соҳибқирон Амир Темурга бағишлиланган. Темурлангнинг шахси, қилган ишлари, ҳарбий ишлардаги донолиги каби фазилатлари билан А. М. Горький жуда қизиқкан ва ўша вақтда мавжуд китобларни топиб ўқиган. Солиҳ Қосимов юқорида зикр этилган мақоласида улуг адабининг шахсий кутубхонасидаги кўп сонли қизиқ китоблар орасида «Темурнинг автобиографияси» ҳам борлигини айтиб ўтади. Шундай илмий манбалар ва халқ оғзаки ижодида Темур ҳақида бор материалларга

¹ С. Қосимов. Горький ва ўзбек адабиёти, «Звезда Востока», 1951 йил, 6-сон, 163-бет. (Бу ва русча манбалардан келтирилган кейинги парчалар таржимаси ҳам бизники — Л. Қ.).

асосланиб А. М. Горький унинг образини яратган. Темур образи фақат мазкур афсо-надагина эмас, балки унинг бошқа мақолаларида ҳам учрайди. Максим Горький таъбирида Темур ғоят обрўли ҳукмдор ва ҳарбий бошлиқнинг ёрқин тимсолидир.

Чунончи, «Яна бир бор карамазовчилик ҳақида» сарлавҳали мақоласида А. М. Горький ёзади: «Агар бола: «Мен уларни роса ураману, улар бўлса менга сифинадилар», деса ва ўртогини таърифлаб: «Менинг қулим у, ҳар қандай хоҳишимни дарҳол бажарди, мени худо деб билади», деб мақтанса, ўқувчи шу он сезадики, бу ёш бола эмас, балки Темурланг ёки камида мансабдор бир кузатувчи»¹.

«Эски ва янги ҳақида» сарлавҳали мақоласида Максим Горький яна Темурни тилга олади: «Хўжайинлар ўзларининг хизматларида бўлган қаҳрамонларга анча эҳтиёткорлик билан муомала қиласидилар, чунки 1914—1918 йиллардаги ҳар бир ҳукмдорлар гуруҳи қон тўкишни бошлар экан, билганки, «уруш қаҳрамонларни бунёд этади», ўйлаганки, Александр Македонский ёки Темурлангга ҳеч бўлмаса Наполеонга эга бўламан деб, аслида эса Жоффрлар, Першиналар, Людендорфларга эга бўлдилар»².

А. М. Горький Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг тарихи билан яхшигина таниш бўлганлиги маълум бўляпти.

¹ М. Горький. Асарлар тўплами, ўттиз томлик, 24-том, 153-бет.

² М. Горький, Асарлар тўплами, ўттиз томлик, 26-том, 281-бет.

Бу гап фақат Темур давригагина тааллуқли эмас. Улкан адебининг шахсий кутубхонасида машҳур тарихчи Г. Вамберининг «Бухоро ёки Трансаксония тарихи» сарлавҳали китоби ҳам борлиги бу танишиликнинг миқёсидан далолат беради.

Максим Горький бизнинг тарихимизга оид рус тилида чиққан кўпгина китобларни излаб топиб ўқиган. Шундай китоблардан бири Абулғози Баҳодирхоннинг (1605—1663) ўзбек ва туркман халқлари тарихига оид асарлариdir.

Маълумки, Абулғози Баҳодирхон ўз даврининг ҳукмдори, тарихчиси ва адаби эди. У «Шажараи турк» ва «Шажари тарокима» асарларида Хоразм ва унинг атрофига содир бўлган ўтмишдаги кўп воқеаларни, ўз даври тарихини баён қилган ва бу китоблар гоят мўътабар манбалар сифатида оламга машҳур. Абулғози Баҳодирхоннинг асари «Родословная тюркского племени» деган ном билан Г. С. Саблюков таржимасида 1854 йилда Қозонда рус тилида нашр этилган эди. А. М. Горький шу китобни ўқиган, ўша давр тарихчиларининг нотўғри талқинлари бўйича туркий халқларни мўгуллар авлоди деб тушунган ва 1895 йил 7 августда машҳур рус ёзувчиси Владимир Галактионович Короленкова шундай деб ёзган: «Баҳодирхоннинг китобидан бошқа мўгуллар тарихига оид бирор манбани менга тавсия қилсангизчи. Жуда қизиқ бу мўгуллар»¹.

¹ M. Горький. Асарлар, ўттиз томлик, 28-том, 15-бет.

Солиҳ Қосимовнинг берган маълумотига қараганда, «Самарская газета»нинг 1895 йил 77-сонида эълон қилингандеги «Зиёлilar ва рақобат» сарлавҳали мақоласида Максим Горький Умар Хайёмнинг шеърларини тилга олган. Унинг шахсий кутубхонасида эса «Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества» тўпламигининг 1895 йилда нашр этилган 9-томидан оттиск бор. Унда эса Муҳаммад Аминхўжа Муқимий (1850—1903) ёзган «Викторбай» сарлавҳали ҳажвий шеърнинг русча насррий таржимаси ҳам келтирилган. Маълумки, Виктор Дмитриевич Ахметов Қўқондаги ака-ука Каменскийлар савдо конторасида иш бошқарувчи бўлиб хизмат қилган. Шудаврда у турли-туман найранглар ишлатиб, маҳаллий бойларни алдаб, улардан кўп миқдорда пул тўплаган ва қуладай фурсат топиб қочиб кетган. 1890—1891 йилларда юз берган бу воқеа Муқимий сатирасига мавзу бўлган эди. Максим Горький шу асарни ўқиган.

А. М. Горькийнинг Ўрта Осиё адабиёти ва санъатига қизиқиши узлуксиз давом этган. Совет ҳокимиятийи йилларида инқилоб уйғотган талантларнинг тобланишидан завқланган Максим Горький 1932 йил 15 апрелда Соррентода туриб, машҳур француз адаби Ромен Ролланга шундай деб ёзади:

«Азиз дўстим. Орамиздаги кичик англышилмовчилик шу билан изоҳланадики, мен Сизни ва Сиз орқали дўстларингизни Совет Иттифоқи халқларининг санъат соҳасидаги тараққиёт ҳужжатлари билан таништириш-

ни истардим. Асло-асло Сизни эстет деб ҳисобламаганим ҳолда, Сизни — мутафаккир ва меҳнаткашларнинг дўстини, революция уйғотган ижодий кучларнинг намоён бўлиши билан ошно қилишни истардим. Менимча, Волга, Ўрта Осиё, Сибирдаги турк ва турк-фин қабилаларнинг музикаси билан танишиш Сиз учун жуда қизиқ бўларди. Мен музикани жуда яхши кўраман ва ҳатто қирғиз (қирғизлар ўзларини гуннлар авлодига мансуб деб ҳисоблади), чуваш, туркман ва бошқаларнинг қўшиқлари билан жуда ҳам қизиқаман.

Менда асло Сизни ноталар ёзилган қоғозларга кўмиб юбориш нияти йўқ, аммо жуда ҳам истардимки, ёзуви пайдо бўлганига 6, 8, 10 йилгина бўлган ва ҳозироқ адабиётда — наср ва назмда, график санъатда, рассомчиликда кучини синаётган одамлар қобилиятининг ёрқин намоён бўлиши билан Сизни имкон борича кенгроқ хабардор қилиб борсам. Ва бунинг ҳаммасида энг ёқимлиси — озод кучлар парвозини қайд қилиш»¹.

А. М. Горький Ўрта Осиё халқларининг тарихи, фольклори ва этнографиясига тааллуқли материалларни дикқат билан ўқиган. Чунончи, инқилобдан аввал Н. П. Остроумов томонидан нашр этилган этнографик материалларнинг чеккасига улуг адаб қалам билан қайдлар қилган. Солиҳ Қосимов, бу қайдлар М. Горький ўша даврда Ўрта Осиёда ёш қизларни зўрлаб эрга берилиши, аёлларнинг тамомила ҳуқуқсизлиги, диний анъ-

¹ М. Горький. Асаллар, ўттиз томлик, 30-том, 251-бет.

аналарга қарши курашнинг кўринишлари билан кўпроқ қизиққанлигини кўрсатади, деб таъкидлайди.

Максим Горький «Самарская газета»нинг 1895 йил 58-сонида босилган «Провинциал филантропия» сарлавҳали мақоласида ўша даврдаги Тошкент, унданги боқимсиз болалар уйи ҳақида сўз юритилиб, чор ҳукуматининг инсонни таҳқирловчи саховати киноя билан кулги қилинади.

Ўрта Осиё аёлларининг ўтмишдаги оғир аҳволи гуманист Горькийнинг диққатини кўпроқ жалб қилган ва улар ҳақида адаб анча нарса ёзган. Чунончи, «Самарская газета»нинг 1895 йил 183-сонида унинг «Туркистон ва аёлларнинг олий таълимни» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақоланинг тарихини Солиҳ Қосимов шундай ҳикоя қиласди: «Чор Россиясининг колонияси бўлган Туркистонда яшовчи маҳаллий миллат вакилларидан бири Петербург университетига кириб ўқимоқчи бўлади. Аммо университет ректори бу аёл рус бўлмаганлиги учун уни ўқишига қабул қилиш ҳақидаги илтимосини рад этади. Реакцион газеталардан бири бўлган «Новое время» ректорнинг бу позицияси ни қизғин ёқлади. Бундан хабар топган Максим Горький ўзининг юқорида эслатилган мақоласини ёзди ва туркистонлик аёлнинг ҳуқуқини қизғин ёқлади»¹.

¹ С. Қосимов. М. Горький ва туркистонлик аёл, «Шарқ юлдузи», 1961 йил, 4-сон, 81-бет.

Йнқиlobдан аввалроқ шундай журъат билан чиққан улуғ адаб совет ҳокимияти йилларида аёлларимиз ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришларни кўриб тўймас эди. У 1927 йил 28 марта Соррентода туриб дўсти Ромен Ролланга ёзган хатида аёлларнинг жамиятдаги роли ҳақида гапириб, бундай дейди: «...Ҳозир Шарқ халқлари орасида аёллар ўйнаётган фаол роль беихтиёр ёдга тушади. Бу, айниқса бизда, Россияда, Волга бўйи, Кавказ, Ўрга Осиё мусулмон аёллари орасида кўзга яққол ташланади. Гап фақат улар паранжисини ташлагани-ю ҳарамга, кўп хотинлиликка қарши муросасиз кураш олиб бораётганлигидагина эмас, балки уларнинг ўз билимини кенгайтириш, ўқиш, исломдан, шариатдан маънавий мустақилликни тортиб олишга бўлган интилишларидир».

Ижтимоий онги уйғонган Шарқ аёллари нинг ҳаёти Максим Горькийга гоят катта завқ берар, адаб уни қаламга олишга интилар ва бошқаларни ҳам шунга тарғиб қиласарди.

1927 йилда ёзилган хатларидан бирида у янги Россия ҳақида китоб ёзиш ниятини айтади, бу китоб учун анча материал йигиб қўйганлигини билдиради. «Мен — кўзга кўринмасдан туриб — фабрика, клуб, қишлоқ, пивохона, қурилишлар билан танишиб чиқишим, комсомоллар, студентлар, мактаблардаги дарсларда, ижтимоий хавфли болаларнинг колонияларида, ишчи ва деҳқон мухбирларнинг ҳузурида бўлишим керак, аёл делегатларни, мусулмон аёлларини ва бошқаларни кўришим керак. Бу жуда ҳам

муҳим иш. Бу ҳақда ўйлаганимда ҳаяжондан бошимдаги соchlар ҳам ўйнаб кетади»¹.

Ҳозир ҳам Ўзбекистонда истиқомат қилювчи кекса рус адебаси Анна Алмаатинскаяга А. М. Горький 1928 йил 28 октябрда ёзган хатида уни ҳам шу ишга жалб қилмоқчи бўлади. «Илтимос, «Наши достижения» журнали учун Ўрта Осиё аёли ўн бир йилда нималарга эришгани ҳақида бир очерк беринг»², деб ёзади у.

А. М. Горький Ўрта Осиё республикаларининг Совет ҳокимияти йилларида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қилган парвозини кўриб, эшитиб, жуда хурсанд бўлади. У СССР ҳалқларининг дўстлик туйғулари тантана қилган интернационал оиласи билан ғоят фаҳрлар эди. Шунинг учун ҳам 1930 йил 13 сентябрда Соррентодан Душанбага «Коммунист Таджикистана» газетасининг редакциясига ёзган хатида рус кишисининг ҳалқаро обрўси ҳақида ғуур билан гапиради ва унга қўидагича изоҳ беради: «Мен рус деяпману, лекин бу фақат грамматик тартибга кўра шундай, аслида эса у ким бўлишидан — ўзбек, тоҷик, осетин, ёқут, карел — қатъи назар аллақачондан бери сезаман ва биламанки, мен совет кишиси ҳақида гапиряпман»³.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келамизки, А. М. Горький

¹ Б. Михайловский, Е. Тагер. «Горький ижоди», Учпедгиз, Москва, 1954 йил, 282-бет.

² «Ленинский путь» (Самарқанд) газетаси. 1939 йил 18 июнь.

³ М. Горький. Асаллар. ўттиз томлик, 25-том, 201-бет.

Ўрта Осиё, шу жумладан ўзбек халқининг ҳаёти, маданияти ва тарихи билан маълум даражада таниш бўлган, мустамлакачилар унинг қизини ўқишига қўймаганларида виждан даъвати билан унга ёрдам қўлини чўзган улкан дўстимиз эди.

Дўстни таниш тарихидан

А. М. Горький ўз ижодини 1890 йилдан сўнг бошлади ва тез орада Россиянинг энг машҳур адабиридан бирига айланди. Ўша вақтда Ўрта Осиё Россиянинг Жанубий қисми эди. Шунинг учун ҳам Максим Горькийнинг шуҳрати ўшა йиллардаёқ Туркистонга етиб кела бошлади.

Алоҳида қайд қилиш керакки, чор Россияси ўз мустамлакасида А. М. Горькийнинг революцион руҳдаги асарлари кенг тарқалишидан асло манфаатдор эмас эди. Бинобарин, унга кўп тўсиқлик қилган. Аммо нурнинг йўлини тўсиб бўлмаганидек, Максим Горький асарлари ва улардаги илғор ғоялар барча ғовлардан омон ўтиб, Туркистонга етиб келар, бу ердаги ижтимоий курашга ўз таъсирини ўтказар эди. Горькийшунос олима М. С. Константинованинг берган маълумотига кўра, улуғ рус адабининг номи Туркистонда биринчи марта «Русский Туркестан» газетасининг 1899 йил 5 март сонидаги «Адабий обзор»да тилга олинган. Шундан бўён Туркистонда чиқадиган русча газеталар Горький асарлари ва уни баҳолаш борасида кўп мунозара қилганлар.

Мутахассислар (хусусан М. Константинова) рус адабиётига, шу жумладан Максим Горький ижодига бўлган муносабатига кўра ўша давр рус тилидаги маҳаллий матбуотни бир неча гуруҳга бўладилар.

«Туркестанские ведомости» (1870—1917), «Аскабадский вестник» (1905—1906), «Туркестанская военная газета» (1906—1908), «Русская окраина» (1905—1908), «Среднеазиатская жизнь» (1905—1908) каби газеталар энг реакцион нашрлар бўлиб, уларда Максим Горький ижоди ҳақида лом-мим дейилмайди, оғиз очилгудай бўлса, ғазаб ва нафрат ёғилади. Чунончи, «Русская окраина» газетаси 1907 йил 1 февралда: «Қонхўрлиги ва сиёсий калтабинлиги туфайли Горький Ватанимизнинг келажагини белгилаганда, жанжалли ва қонли йўлдан бошқасини билмайди»,— деб ёзган эди. Бу гуруҳдаги бошқа органлар ҳам Горькийга нисбатан тахминан шундай кескин муносабатда бўлар эдилар.

«Закаспийское обозрение» (1895—1913), «Ташкентский курьер» (1906—1908), «На рубеже» (1907—1911) каби нашрлар либерал-буржуа характерида бўлиб, улар гоҳ туппа-тузук асарлар босар ва уларни ижобий баҳолар, гоҳ эса айниб кетарди. Чунончи, «Закаспийское обозрение» газетаси Максим Горькийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилган, ҳатто айрим асарларини босган, айни вақтда унинг революцион фаолиятини яширган, баъзи мақолаларда эса шу фаолиятни танқид қилган.

«Жаҳон ҳоли қолурми ҳеч ақли расолар-

дан», деганлариңек, ўша вақтда ҳам ақли расо демократик нашрлар ҳам бор әди. Бу рўйхатга «Асхабад» (1899—1918), «Русский Туркестан» (1898—1907), «Самарқанд» (1904—1907) каби газеталар киради. 1905—1906 йилларда биринчи рус революцияси авжига чиққан даврда сўнгги икки газета Туркистон большевикларининг раҳбарлари М. В. Морозов, А. В. Худаш, П. В. Поздняков, В. В. Биховский кабилар таъсирида әди. Шунинг учун ҳам улар Максим Горький асарларини кенг тарғиб қиласар ва турли хил ҳужумлардан уни қаттиқ ҳимоя қиласардилар.

Булардан ташқари XX асрнинг бошларида Туркистонда яширин ташкилотлар ривожланган, Коммунистик партияниң омма онгига таъсири қучайган бўлиб, Максим Горькийнинг кўпгина асарлари яширин равишда қўлма-қўл юради. Бу ҳолни машҳур ўзбек адаби Ҳусайн Шамс (1903—1943) шундай ҳикоя қиласди: «Босмахонада мен ўзим билан тенгқур бола Грачёв билан танишдим. Грачёвнинг отаси Туркистонга Марказий Россиядан сургун қилинган әди. Нега сургун қилинганини билмайман, тўғриси, у вақтда қизиққан эмасман. Дам олиш кунларидан бирида мен одатдагидек, Грачёвларникига бордим. Уларнинг уйида шундай картинани кўрдим: ўртогим аччиқ-аччиқ йиглар, отаси эса қўлида аллақандай китобни ушлаганча ҳадеб ўғлини уришарди: «Ахир бундай китобларни очиқ ўқиш мумкинми?» — деган сўзлари хотирамда қолган. «Бу қандай китоб?» — деб сўрасам, Грачёв: «Горький деган ёзувчининг ҳикоялари», — деб жавоб

берди. Бир қанча вақтдан сўнг бу китоб яна дўстимнинг қўлида пайдо бўлиб қолди. Энди у китобдан ҳеч ажралмас, кўйлаги остида олиб юар ва ишнинг танаффус вақтларида ҳаммадан яшириб ўқир эди. Мен бир неча марта шу китобни ўқишга сўраганимда, у бермас, аммо китобдаги ҳикояларнинг мазмунини жон деб айтиб берарди»¹.

Тўғри, бу воқеа 1916 йилда бўлган. Лекин ундан олдин ҳам Максим Горький асарлари илгор фикрли зиёлилар, революцион-ишчилар воситасида Ўрта Осиёга тарқалиб турарди.

А. М. Горький асарлари тарқаладиган яна бир йўл саҳна эди. Чунончи, 1903—1907 йиллар мобайнида Туркистондаги З. А. Малиновский раҳбарлигидаги рус театр труплари ҳар йили гастролга келиб турар, унинг репертуарида эса Горький драмалари ҳам бор эди. Машҳур рус актрисаси В. Ф. Комиссаржевская (1910) ижросида Горький образларини томоша қилиш ўша вақтдаги тошкентлик театр томошибинларида катта таассурот қолдирган эди.

Максим Горький асарларининг Туркистон газеталари саҳифаларида нашр этилиши ва баҳоланиши масаласи филология фанлари кандидатлари Солиҳ Қосимов ва М. Константиновалар томонидан чуқур текширилган. Шу ўртоқларнинг ишларидан маълум бўладики, 1900—1905 йиллар давомида Туркистон матбуотида Максим Горькийга алоқадор қўйидаги материаллар босилган:

¹ «Литература и искусства Узбекистана», 1939 йил, № 5, 41-б.

«Русский Туркестан» газетаси 1901 йил 16 сентябрда Максим Горький «Ёзувчи ҳақида» деган катта танқидий асар ёзаётганини хабар қиласы.

1901 йил 31 октябрь ва 4 ноябрда А. М. Горькийнинг «Кеккайтан ёзувчи ҳақида» сарлавҳали памфлет-жикояси биринчи марта легал матбуотда, «Русский Туркестан» сахифаларида өзлон қилинган. Кейинчалик бу асар марказий Россияянинг баъзи газеталарида ҳам босилган. Бу ҳақда «Южное обозрение»нинг 1901 йил 13—14 ноябрь сонларида маълумот бор.

Биринчи марта очиқ радиша Тошкентда босилган бу асарнинг нашри учун Максим Горький «Русский Туркестан» газетасига шахсан розилик берган эди. 1902 йилда Берлинда А. М. Горькийнинг «Уч жикоя» китобига ёзилган сўзбонида бу нашрга юқори баҳо берилади. Маълумки, бу асар В. И. Лениннинг ҳам эътиборига сазовор бўлган.

1901 йил 20 ноябрда «Русский Туркестан» газетаси Максим Горький Нижний Новгороддан Қримга жўнаши олдидага унинг шарафига зиёфат берилганлигидан хабар беради.

1901 йил 1—16 декабрларда А. М. Горький журналист А. С. Изгоев (А. С. Ланде) билан адабиёт масалалари ҳақида суҳбат қиласы өзилган эди. Бу суҳбатнинг мазмуни «Русский Туркестан» газетасининг 1902 йил 4 январдаги 3-сонининг биринчи бетида босилган. Кўпчиликка маълум бўлмаган бу суҳбат материалы М. Горькийнинг ўша даврдаги эсте-

тик қарашларини аниқлашда катта аҳамият-
га эга.

А. М. Горькийнинг «Марко ҳақида
қўшиқ» шеърий асари биринчи марта 1902
йил 7 марта «Харьковский листок» газета-
сида босилган эди. 1902 йил 23 марта «Рус-
ский Туркестан» газетасининг 66-сонида кў-
чириб босилди.

1902 йилда Максим Горький Россия
Академиясининг академиклигига сайланган
эди. Бу ҳақда «Русский Туркестан» 20 март
сонида хурсанд бўлиб хабар қиласди. 23—30
март сонларида эса яна шу газета сиёсий са-
баблар туфайли сайлов эътиборга олинмага-
нини газабланиб хабар қиласди. Бу ўринда
«Русский Туркестан»нинг баҳоси Лениннинг
«Искра» газетаси (1902 йил 1 апрелида) бер-
ган баҳога жуда яқин келади. Шу газаб таъ-
сири остида «Русский Туркестан» ўша сон-
нинг ўзидаёт А. М. Горькийнинг «Марко
ҳақидаги қўшиғи»ни босиб чиқаради.

1902 йил 13 июня «Асхабад» газетаси-
нинг 164-сонида Максим Горькийнинг «Меш-
чанлар» драмаси зўр қониқиш билан таҳлил
қилинади.

1902 йил 24 августда «Русский Туркес-
тан» газетаси Максим Горькийнинг «Тубан-
ликда» пьесасини ёзib тугатганини ва у
билан танишиш учун Москва Бадиий театрни-
нинг раҳбари В. И. Немирович-Данченконинг
Арзамас шаҳрига жўнаб кетганини хабар
қиласди.

«Русский Туркестан» газетасининг 1902
йил 8 ноябрь 245-сонида «Замонавий драма-
нинг манбалари» сарлавҳали мақола бор.

Бунда «Меланхолик» деб имзо чеккан автор «Мешчанлар» пьесасини атрофлича таҳлил қилиб, ундаги ҳаёт учун кураш пафосини ёқлаб чиқади.

1903 йил 26 апрелда «Русский Туркестан» газетаси Максим Горькийинг «Тубанликда» пьесаси ҳақида мақола босиб, унда тубанлик қаҳрамонлари «ижтимоий жамиятнинг оғир шароити туфайли туғилади»,— деб ёзди.

Архив материалларидан маълум бўлишича, Туркистон маъмурияти ўша йиллари ўз ходимларига икки марта яширинча хат юбориб, уларга «Тубанликда» пьесасининг текстига ҳушёр бўлишларини тайинлаган.

1904 йил охирида «Самарқанд» газетасининг раҳбарлиги оташин большевик М. В. Морозов (1868—1938) қўлига ўтади ва бу газета ҳам А. М. Горький ва унинг ижодининг фаол тарғиботчисига айланади. Чунончи Максим Горькийнинг «Баҳор куйлари» деган асари шу вақтгача яширин ўқиб юриларди, у биринчи марта легал матбуотда «Самарқанд» газетасининг 1904 йил 30 октябрь 145-сонида босилди.

Шундай қилиб, 1905 йил рус революцияси арафасидаёқ А. М. Горькийнинг асарлари рус тилида Ўрга Осиёга етиб келган ва бу ердаги тараққийпарвар кучларнинг гоявий қуролига айланган эди. Революция кунларида эса инқилоб жарчисининг ишлари ҳамманинг диққат марказида бўлди.

1905 йил 9 январь — қонли якшанба тарихда энг мудҳиш кун бўлди. Шу куннинг эртасигаёқ Максим Горький революцион варақа ёзиб, подшони ағдаришга чақирди. Шу

ишилари учун улуғ адаб Петропавловск крепостига қамаб қўйилади. Бу адолатсизлик дунёни ларзага солди. Туркистонликлар ҳам бу катта курашдан четда қолмадилар.

1905 йил 6 февралда «Русский Туркестан» газетаси «Горькийнинг ҳимоясига» сарлавҳали мақола босиб, унда Германия, Австрия, Швейцария, Англия, Италия ва Америкада Горькийнинг ҳимояси учун бадиий ижодни қадрловчи барча соф виждонли кишилар петицияга қўл қўяётганларини мамнуният билан хабар қиласди.

1905 йил 12 февралдан бошлаб то 20 февралгача ҳар куни шу газета Н. П. Казанский раҳбарлигидаги Тошкент драмтруппаси Максим Горькийнинг шу кунларда тақиқланган «Чорбогчилар» пьесасини саҳнага тайёрлаётгани ҳақида хабар босиб турди. 18 февралда эса бу асарга тақриз чиқарди.

1905 йил 2 марта «Самарқанд» газетаси чет элларда Горький ҳимояси учун ёзилган петицияни тўла босиб чиқарди. Унда: «М. Горькийга озодлик! Уни меҳнатга, Ватанга, бутун дунёга қайтариб беринг! Бутун инсоният талаб қиласди!» — дейилган эди.

1905 йил 19 марта «Русский Туркестан» «Н. К. Пятницкий Горький ҳақида» деган хабарни эълон қиласди. 20 марта эса худди шу газета академиклардан бири А. М. Горькийни иккинчи марта Россия академиясининг фахрий аъзолигига сайлаш ҳақида масала кўтарғанлигини хабар қиласди.

1905 йил 24 марта «Самарқанд» газетаси ўз ўқувчиларини Горькийнинг иши юзасидан кетаётган тергов билан таниширади.

«Русский Туркестан» газетаси 1905 йил 12 апрелда «Рус ҳаёти хроникаси»да Максим Горькийнинг сиёсий иши қандай кетаётганиниңдеги үқувчиларни хабардор қилади.

Бу даврда чор Россиясининг цензураси қайчисини чархлаган вақт эди. Шунинг учун ҳам «Самарқанд» газетаси 1905 йил 24 июнда йирик ҳарфлар билан шундай хабар берган: «Максим Горький ҳақида бизга бөлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳеч қандай хабар боса олмаймиз».

1905 йил 2 сентябрда «Русский Туркестан» газетасида босилган мақолаларда «Максим Горький — ҳозирги замон ҳаракатининг сезигир бўрон қўши» деган фикр ўтказилади.

Айни вақтда бу тараққийпарвар матбуот саҳифаларида А. М. Горькийнинг асарлари тез-тез босилиб турди. Чунончи унинг цензураси ман қилган «Кавказдаги ҳодисалар ҳақида» мақоласи «Асхабад» газетасининг 1905 йил 19 июль сонида, «Беку» газетасининг шу йил 12 ноябрь сонида босилган эди. Бундан ташқари, Максим Горькийни антисиметизмда айблашганида, у большевикларнинг «Новая жизнь» газетасида кескин норозилик билдирган эди. «Самарқанд» газетаси уни кўчириб босди (1905 йил 9 декабрь). Унинг «Мешчанлик ҳақида қайдлар» мақоласининг биринчи қисми (1905 йил 10 ноябрь) ва «У тўғрида» сарлавҳали (1905 йил 16 декабрь) мақолалари «Асхабад» газетасида босилди. Худди шу газета 1906 йил апрель ойида «Товарищ!» эртагини, «Русский Туркестан» эса яхудийлар масаласи бўйича

Максим Горький 1906 йил 25 апрелда Нью-Йоркда сўзлаган нутқини босиб чиқарган (1906 йил 28 июль сонида).

1907 йилга келиб, революция енгилиб, реакция авж олган йилларда Туркистоннинг расмий матбуоти «Среднеазиатская жизнь», «Туркестанские ведомости» кабилар Горькийга ҳужумни кучайтирилар. Аммо кураш давом этар, Горький асарлари тўсиқлардан ўтиб оммага етиб борар эди. Бунинг мисоли «Русский Туркестан» газетасининг 1910 йил 20 январь сонида босилган «Окуров шаҳарчаси», шу газетанинг шу йил 26 февраль со-нида босилган «Ҳаёт рўпарасида» каби асарлари бундан далолат беради.

Шундай қилиб, XX асрнинг бошиданоқ Горькийнинг оташин нафаси Ўрта Осиёга етиб келар ва рус тилида тарқалар эди. У Туркистонда 1905 йил инқилобининг парвозига ўз таъсирини ўтиказди. Инқилобий ҳаракат эса интернационал характерга эга. Ўнда барча Ўрта Осиё халқлари иштирок этгандар. Шунинг учун ҳам Горькийнинг рус тилида Туркистонда эълон қилинган асарлари ҳаммамизнинг ғоявий қуролимиздир. Бу ғоявий қурол бехато урганини тасдиқловчи ҳужжатлар бор. Чунончи, 1906 йил сентябрь ойида шаҳар думасига бойкот уюштиргани учун қамалган ўзбек революционери Султонхўжа Иногомхўжаев қамоқхонада Максим Горькийнинг рус тилидаги асарларини ўқигани унинг сиёсий айби сифатида қайд қилинган¹.

¹ ЦГА УзССР, КТГГ, ф. 1, оп. 4, д. 1053, 42-бет.

Фақат бугина эмас, ўша йилларда ўзбек тилидаги матбуот ҳам гоҳ-гоҳ Горький ҳақида гапириб қўярди. Чунончи, «Туркистон вилоятининг газети» (1871—1916) рус адабиётининг бошқа йирик арбоблари қаторида Горькийнинг номи билан ҳам ўз ўқувчиларини танишириб ўтган. «Бухорои шариф» газетаси (1912—1913) 1913 йил 37-сонида «Момои Азаргал» деган сарлавҳа билан Данко ҳақидаги афсонанинг баёнини боғсан. «1917 йил февраль революциясидан сўнг,— деб ёзади Ҳусайн Шамс юқорида тилга олинган хотираларида,— Грачёв Горькийнинг китобини менга берди. Мен кўп жойларига тушунмадим ва тушунтириб беришни акамдан илтимос қилдим. Ўщанда Горький ҳикояларидан олган таассуротим менинг хотирамда умрбод қолди». (Литература и искусство Узбекистана» журнали, 1939 йил, № 5, 41-бет.)

Бўрон қуши башорат қилган инқилоб етиб келди-ю, орамиздаги говни кўтариб ташлади. Энди А. М. Горький ўзбек китобхонларининг энг севимли адибларидан бири, ёзувчи ва олимларимизнинг эса улуғ устозига айланди. Дўстлар топишдилар. Аммо улкан дўстни таниш жараёни кўриб ўтганимиздек, подшо ҳукумати даврида машаққатли бўлган эди.

Совет адабиётининг отахони эди у

Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида янги давр очди. У одамлар ва халқлар орасидаги янги муносабат-

ларни ҳам бошлаб берди. Шу муносабатлардан бирининг ёрқин далили сифатида Горький ва Ўзбекистон муносабатларини эслатиб ўтиш мумкин. Энди подшо цензураси каби ғовлар ўртадан олиб ташлангач, Максим Горький асарлари Ўрта Осиёда жуда ҳам тез тарқала бошлади. Энди фақат рус тилидагина эмас, балки ўзбек тилида ҳам Горькийнинг қаҳрамонлари халққа илгор тояларни тарғиб қиласди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ Ўрта Осиёда нашр қилинадиган газета-журналларда А. М. Горькийнинг турли асарлари ёки улардан парчалар босила бошлади. 1920 йил Қўёнда «Мешчанлар» пъесаси саҳналаштирилди, тез орада Горькийнинг драматик асарлари театрларимиз репертуарларидан мустаҳкам ўрин олди. Устоз адабнинг деярли барча насрый асарлари энг моҳир ёзувчилар томонидан бирин-кетин таржима қилиниб, ўзбек тилида катта тираж билан бир неча марта нашр этилди. Унинг ижоди ўзбек ўрта ва олий мактабларида чуқур ўрганила бошлади. Шундай қилиб, Максим Горький ўзбек халқининг севимли адабларидан бири, ўзбек адабларининг севимли устозига айланади.

Совет адабиётининг отахони бўлган А. М. Горький съездимизда ўзимиз сайлаган расмий раҳбаримиз ҳам эди. У кўпмиллатли совет адабиётининг тараққийси учун тинмай ғамхўрлик қилас ва бу соҳада ҳар бир ютуқни зўр хурсандчилик билан қайд этар эди: «Агар мен 20-йиллар билан 30-йиллар орасидаги ўн йиллик ичida революция руҳи

билан яратилган муҳим нарсалар тўғрисида ахборот ёзадиган бўлсам, бу мақолачани Еревандан Архангельскгача, Минскдан Киев, Харьков, Новосибирск орқали Тошкент, Ростов ва озми-кўпми ғайрат билан янги совет адабиёти яратилаётган бошқа ҳамма пунктларга ҳам назар ташлаб ўтиб, то Владивостокгача чўзиб борган бўлардим»¹.

Кўриб турибисизки, ғайрат билан янги совет адабиёти яратилаётган пунктлар қаторида А. М. Горький 20—30-йиллар орасидаги Тошкентни ҳам тилга оляпти. Хўш, бу адабиётни яратा�ётганлар ким эди? Улар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирӣ, Садриддин Айний, Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Гайратий, Миртемир, Сотти Ҳусайн, Собир Абдулла, Шайхзода, Назир Сафаров ва бошқа шу кунда номи элда машҳур адиллар эди. Бу адилларнинг ижодий муваффақиятига сабаблар кўп бўлган. Шу сабаблардан бири, уларнинг Горькийдек устози бўлганлиги ва шу устоздан таълим-тарбия олганлигидир.

Адабиётшунослар Горький ва Ҳамза ижодининг умумий белгиларини кўп таъкидлайдилар. «Заҳарли ҳаёт» драмасининг бош қаҳрамони Марямхон билан «Душманлар» пьесасидаги Татьяна образларини солиштириб, улар орасидаги қариндошликни тасдиқлайдилар. Ҳамзанинг революцион драматургиясининг пафоси Горький драматургияси таъсиридан баҳраманд бўлганлигини тахмин

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида. 147-бет.

қиласылар. Баъзилар, Ҳамза Горький асарларини ўқиган, деган фикрни олға сурадилар. Буларнинг ҳаммасига қўшилиш мумкин.

Ҳар ҳолда шуниси фактки, Горький ва Ҳамза ижоди мазмунан бир-бирига жуда яқин. Уларни революцияга хизмат қилиш гояси бирлаштиради. Меҳнаткаш халқ оммаси орасидан кучли қаҳрамон топиб тасвирлаш истаги бирлаштиради, социалистик реализмнинг конкрет масалаларини тушунишдаги умумийлик бирлаштиради, бадиий маҳоратдаги изланувчанлик ва эстетик фикрлар ягоналиги бирлаштиради. Ҳатто ҳар иккалалари ҳам «Шажараи турк»ни ўқиган эканлар.

Юқорироқда биз А. М. Горький Ўрта Осиё аёллари ҳаётида Совет ҳокимияти йилларидан юз берган улкан ўзгаришларни ифтихор билан қайд қилганийни, ўзи бу ҳақда асар ёзмоқчи бўлганини, бошқаларни ҳам шу ҳақда ёзишга тарғиб қилганини кўриб ўтдик. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам худди шу даъватга ҳамфикр эди-ку, ахир!

Ва ниҳоят, 20—30-йиллар орасида яратилаётган янги ўзбек совет адабиёти ҳақида гапирганда Горький шу авлоднинг оқсоқоли бўлган Ҳамзани ҳам кўзда тутган әмасми кан?

Ҳар ҳолда Горький ҳар томонлама Ҳамзанинг дидига мос устоз адиблардан эди.

Ўзбек совет прозасининг улкан устозларидан бири Абдулла Қодирийнинг тарихий романларида Горькийнинг тарихий материалга муносабати, ўтмишни шу бугунги кун

кўзи билан баҳолаши, кенг эпик тасвирдаги тажрибалари таъсирини сезиш қийин эмас. Максим Гор'кийнинг 1934 йилда Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I съездидаги қилган доклади ҳаммага маъқул ва манзур бўлиб, қарсаклар билан кутиб олинган эди. Шу олқишлилар ичида съезд делегати Абдулла Қодирийнинг ҳам қалб садоси бор эди.

Садриддин Айний М. Гор'кий асарлари билан таржимасида танишганини, улар ижодига таъсир ўтказганини ўзи қайд қиласди: «Унинг асарларидан янги мавзу топдим, айрим типларни характерлашга ўргандим. Гор'кий повестлар, ҳикояларда ва романларда халқ адабиётидан ва афсоналаридан усталик билан фойдаланган. Мен ҳам ундан шу санъатни ўргандим... Гор'кий интернационал театр яратиш масаласини биринчи мартаба ўртага қўйган эди. Миллий театрларнинг Москвадаги томошалари бундай театр негизининг бошлангичидир»¹.

С. Айний бу ўринда Максим Гор'кий ёзувчиларнинг I съездидаги сўзлаган якунловчи нутқидаги ушбу фикрни тилга олади: «Совет социалистик республикалари Иттифоқидаги барча миллатларнинг артистлари,— деган эди А. М. Гор'кий,— биз, русларни ўзларининг драматик санъатлари ва у орқали ўтмиш ва ҳозиргидай маданий ҳаётлари билан ошно қилишлари учун ҳукуматимиздан Москвада «Бутуниттифоқ театри»ни ташкил қилиш зарурлиги масаласини муҳокама қилишни ҳам сўрашимиз керак.

¹ «Қизил Ўзбекистон», 1936 йил 22 июнь.

Озарбайжон, арман, грузин, татар ва Ўрта Осиё, Кавказ ва Сибирдаги бошқа миллат ёзувчиларининг асарларини рус тилига яхши таржима этиб, саҳнаплантирувчи рус труппаси «Бутуниттироқ театрни»нинг асосий ва доимий труппаси бўлиши лозим. Қардош республикалар адабиётларининг тез суръатлар билан ривожланадиганлиги бизларни бу адабиётларни жиддий кузатиб боришга давлат этмоқда. Бу адабиётлар рус драматургиясининг тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин»¹.

Максим Горький шундай ғамхўрлик билан парвариш қилган миллий адабиётлар жуда тез ривож топди. Янги-янги санъаткорларниң номи ва асарлари билан бойиди. Буни ўзбек адабиёти мисолида яққол кўриш мумкин.

«Горькийнинг сиймосига сажда этишга қадар муҳаббатим зўрдир унга!»— деб ёзган атоқли ўзбек адаби Ойбек ўзининг эпик полотноларида устоз Горький анъаналарини давом эттирди, ривожлантирди. Максим Горькийнинг «Артамоновлар иши» романида тасвирланган воқеанинг ўтмиши, ҳозирги ва келажаги деб белгиланган уч бирликни «Қутлуг қон» романида ҳам сезиш мумкин. Чиндан ҳам Илья Артамоновлар сулоласи билан Карим — Читтакдан Мирзакаримбоягача ўсиб чиқиб, Ҳакимбояваччалар даврида ривож топиб, Салим ва Ҳуриларга бориб та-наззулга юз тутган бутун бошли бир синф

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида, 317-бет.

шажхарасининг тасвирида Горькийнинг ижодий ибрати кўринмайдими?!

«Энг севган ёзувчим А. М. Горький эди. Мен у кишининг асарларидан «Она», «Тубанликда», «Одамлар орасида», «Менинг дорилфунуларим»ни айниқса севиб ўқир эдим. Ва у кишидан кўп нарса ўргангани эдим»,¹ — деб ёзган эди ўзбекнинг яна бир таникли адибиFaafur Fулом. У ўргангани «кўп нарса» ичида инсонни зўр ҳурмат билан тасвирлай олиш тажрибаси ҳам бор эди. Чунки, А. М. Горький улкан инсонпарвар адаби эди. Унинг ана шу гуманистик анъаналари Faafur Fулом ижодида ҳам давом этган. Зотан Горькийчасига инсонни севган ва чин юракдан ҳурмат қилган кишигина «Сен етим эмассан», «Мен яҳудийман» каби поэтик шедеврларни яратиши мумкин эди.

Професор Н. К. Пиксанов «Горький ва миллий адабиётлар» деган китобида улуг адабининг таъсир йўлларидан тўрттасини кўрсатиб ўтган эди: «Унинг бадиий асарлари орқали, миллий ёзувчилар ёки уларнинг бир гуруҳи билан шахсан учрашувлар орқали, адабий устоззлик орқали ва ижтимоий фаолият орқали. Горький фаолиятининг кульминацияси 1934 йилдаги Бутуниттифоқ Совет ёзувчиларининг I съездиде бўлган эди»². А. М. Горькийнинг ўзбек адабиётига таъсири ҳар тўрт йўл орқали содир бўлган.

Максим Горькийнинг «Она», «Артамонов»

¹ F. Fулом. Танланган асарлар, 1953 йил, 9- бет.

² Н. К. Пиксанов. «Горький ва миллий адабиётлар», Москва, 1946 йил, 180-бет.

лар иши» каби йирик эпик асарлари, автобиографик трилогияси, «Челкаш», «Коновалов», «Макар Чудра» каби насырый асарлари романтик күттаринкилил билан ёзилган. «Лочин ҳақида құшиқ», «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ», «Қиз ва ўлим» каби асарлари, саҳналаримизда кетма-кет қўйилиб келган драмалари, илмий-публицистик мақолалари жам бўлиб ўзбек китобхон ва томошабинларининг бир неча авлодларининг эстетик дидини шакллантириди, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга хизмат қилди.

Айни вақтда бу асарларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида ва умуман, улар билан танишиш орқали ўзбек адиллари бадиий маҳорат сирларини чуқурроқ әгалладилар. Горькийнинг таржимонлари орасида Ойбек,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Амин Умарий каби атоқли адиллар бўлиши бу ижодий меросга эътиборнинг зўрлигидан далолат беради.

Максим Горький асарлари адилларимиз онгига қанчалик таъсир этганини Ҳамид Олимжон яхши айтиб ўтган: «Бу 1928 йилларда эди... Горькийнинг «Менинг дорулфунунларим» китобини ўқидим. Бу ўқиш энг аввал менинг роман ва ҳикоя китоблари ҳақидаги тушунчамни парча-парча қилди. Иккincinnидан, у менинг ўй ва хаёлларимга шунчалик таъсир қилдики, мен буни ҳозир ҳам яхшилаб айтиб беришдан ожизман.

Мен китобнинг қанчалик зўр кучга эга бўлиши мумкин эканлигини биринчи марта-ба тушундим. Менинг назаримда дунёning

Энг катта китоби шу әди ва бу қаноат мениң яна Горький асарларига қараб тортди. Мен унинг «Она» романини бошладим... «Она» романи «Менинг дорулғунунларим»га нисбатан, менинг назаримда фил қаршисида буюк төг бўлиб қолди.

«Менинг дорулғунунларим» ва «Она» романнида тасвир қилинган ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам эсимда қолмаган, лекин бу икки асарнинг мени қанчалик тарбия қилгани сира ҳам эсимдан чиқмас».

Худди шундай ёки шунга ўхшаш гапларни деярли барча ўзбек адиллари айтишган.

Зотан, Ойбек, Гафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳорнинг прозасида, Ҳамид Олимжон, Үйғун, Шайхзодаларнинг шеъриятида, Яшин, Н. Сафаров, С. Ҳусайнларнинг драмаларида Горькийнинг воқеликни акс эттириш принциплари сезилиб туради. Горький асарларидан бадий ижод сирларини ўрганиш катта ва кичик барча ўзбек адилларининг ҳар биттасида ўзига хос шаклда бўлган ва у давом этмоқда. Горький асарлари — ижод университетидир.

Бир гуруҳ ўзбек адиллари Максим Горький билан шахсан учрашганлар ва унинг суҳбатида бўлганлар. Абулқосим Лоҳутий, Садриддин Айнийлар билан баробар Абдулла Қодирий, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Ойдин, Ҳусайн Шамс, Раҳмат Мажидий, Назир Сафаров ва бошқа бир қанчада адилларимиз Максим Горький билан қилган суҳбатларидан, унинг докладларидан ўзлари учун ибратли хуносалар чиқарғанлар.

Максим Горькийнинг бадий ижод ва со-

циалистик реализм ҳақидағи мақолалари ҳам унинг тарбиячилік соһасидаги фаолиятида катта роль ўйнаган. Ҳусусан адабиётшунос олимлар учун Горькийнинг типиклик, конфликт, сюжет, бадий асар тили ҳақидағи фикрлари жуда қимматлар.

Нихоят совет адабиётининг отахони А. М. Горький ёш адебларнинг энг ғамхўр устози эди. К. Федин, Л. Леонов, В. Иванов, Л. Сейфулина каби ўнлаб таниқли адебларга Горький шахсан йўл кўрсатган, уларни адабиётга олиб кирган. Горький кўпмиллатли совет адабиётининг моҳир ташкилотчиси эди. Шунинг учун ҳам уни украин Иван Ле, қозоқ Мухтор Аvezov, туркман Берди Кербоев ва бошқа ўнлаб адеблар ўз устозлари деб биладилар.

Барча совет адебларининг Горький ҳақидағи фикрларини ифода қилиб, Ўзбекистон ёзувчилари 1932 йилда унинг ўзига ёзган табрик хатларида бундай деган эдилар: «Максим Горький адабиёт майдонига кирганидан тортиб, то ҳозирги кунга қадар Русия ва бутун дунё ишчилар ҳаракатининг инқи-лобий курашига узвий ва фаол иштирок этиб келган. Шу буюк синфининг курашида ка-молга етган, курашчан, ташкилотчи ва ўз-гартирувчи санъаткордир. Унинг асарлари — ишчилар синфининг капитални итқитиши учун бўлган курашда машъаллик, большевизмнинг штурмчи юришларида кучли қу-роллик ролини ўйнаган шоҳ асардир. У бизга шўро адабиёти кадрларига, буюк пролетар синфининг гоявий устунлиги учун қандай курашмоқлик, душманни қандай пача-

ламоқ, ҳаётни қандай ўзгартирмоқ ва уни қандай усуллар билан ўрганмоқ кераклиги-ни ўргатади»¹.

Ўзбек адиларининг улугустозларига ҳурмати фақат илмий мақолалардагина қайд қилинисб қолмай, бадиий шаклда ҳам баён этилган. Чунончи, Ойбекнинг «Горький», Ҳамид Олимжоннинг «М. Горькийни ўқиркан», «Горький ҳақида» каби қатор шеърларида, Жуманиёз Шариповнинг Горький ҳақидаги поэмасида, кўплаб адиларимизнинг мемуарларида улуг адилнинг образи яратилган. Мана устоз образи шоир Ойбек таърифида:

Рус еридан азамат инсон
Онг виждонни ёритган зиё,
Қадамига ер кичик, осмон —
Мағрур боши учун тор гўё.

Шарқдаги шуҳратидан бир шингил

А. М. Горький: «Санъат худди қуёшдек одамда гайрат уйғотади», деган эди. Чиндан ҳам Максим Горькийнинг ижоди, санъати Россиядан чиққан бир қуёшдек олам аро тарқалди ва фақат Европа, Америка, Африка, Австралия қитъаларидагина эмас, Осиёда ҳам миллионлаб ўқувчиларга ва кўп адиларга гайрат манбаи бўлди. Зотан у жаҳон тарихидаги янги адабиётнинг байроқдо-

¹ «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали, 1932 йил, № 4—5, 4-бет.

ри эди. «Янги адабиётнинг байроғида — Горькийнинг юраги, бу қалбда эса — оламга тинчлик туйғуси!» — деган эди машҳур ҳинд адиби Кришан Чандр.

Шарқшунос олима Дониё Валиева Максим Горькийнинг шарқ ҳалқлари тилларидағи нашрлари ва шарқ адиблари ижодига таъсири ҳақида қизиқ маълумотлар берган бир мақоласида шундай деб ёзған эди: «У Шарқнинг Сун Ят-Сен, Кришнаварма, Кама каби жамоат арбоблари билан ёзишмаларида мустамлака ва әзилган ҳалқларнинг ҳомийси сифатида, интернационалист ва гуманист сифатида намоён бўлганди... 1907 йилда Мисрда муаллим ва таржимон Салим Қубайн томонидан Горький асарларидан тўплам нашр этилди... Эронлик олим Сайд Насфисий Горькийнинг дастлабки ҳикоялари Эронда 1908 йилда таржима бўлганини ха-бар қиласди... Горький вафотидан сўнг Шарқнинг ҳамма мамлакатларида мотам мажлислари ўтказилди, газета ва журналлар бу хусусда катта-кичик мақолалар эълон қилидилар. Горький ҳаёти ва ижоди ҳақида китоблар чоп этилди... Эронда «Максим Горький хотирасига» номли тўплам, «Мехр» журналида унга бағищланган мақолалар чоп этилди. Дамашқда чиқадиган «Атто-леъа» журнали унинг ижодига бағищлаб маҳсус сон чиқарди... Ҳиндистонда эса Горькийнинг энг кўп тарқалган асари «Она» романидир. 20-йиллардан бошлаб бу асарнинг бир неча таржимаси эълон қилинган бўлиб, уни ҳозир ҳиндий, урду, маратх, банголи,

тамил, мадаялам ва бошқа тилларда сўзлов-
чи халқлар ўз тилларида ўқимоқдалар...»¹

1967 йилда Цейлонда бўлганимда мен
Максим Горький асарлари бу мамлакатда
қанчалик машҳур ва маъқул эканлигини
қалбан ҳис қилдим.

11 ноябрда Коломбонинг этагида Нучего-
да деган ерда жойлашган будда университе-
тини кўргани бордик. Совет олимларини
«Видъодая» университетининг вице-канцле-
ри руҳоний арбоб Рахўла қабул қилди. Суҳ-
бат охирида биз университетга Максим Горь-
кийнинг портретини эсдалик учун тақдим
қилдик.

Суратни ола туриб, Рахўла ҳаяжон билан
гапира кетди:

— Максим Горький жаҳондаги энг ажо-
йиб адиллардан бири. У халқдан чиқиб халқ-
ни ўйлаб ижод қилган. Мен унинг асарлари-
ни яхши кўраман. Инглиз тилида ўқиган-
ман.

Канди шаҳарига борганимизда Пераде-
ния университетининг сингал адабиёти муал-
лими Авия Раджахавина билан суҳбатлаш-
ганимизда у Рахўланинг фикрини давом
эттиргандай бўлди:

— Мен ҳам Горький асарларини инглиз
ва япон тилларида ўқиганман. Унинг бир
неча ҳикояси сингал тилига таржима қилин-
ган. «Тубанликда» драмаси ҳаваскор артист-
лар ижросида бизда саҳналаштирилган ҳам.

Цейлон халқининг атоқли адиби Мартин
Викрамасинге билан учрашганимизда суҳ-

¹ «Узбекистон маданияти», 1968 йил 2 февраль.

бат яна ижод, адабиёт ва Горький ҳақида кетди:

— Мен Горькийнинг асарларини 17 ёшимидан буён ўқийман,—дейди Мартин ғурур билан. Уни эшишиб туриб, ичимда ҳисоблайман. Ҳозир М. Викрамасинге 77 ёшда, демак, 1907—1908 йиллардан буён у Горькийни билади, ўқиди. М. Викрамасинге Горький ижодини жуда юқори баҳолаб, уни адилларга ибрат қилиб гапирди.

Бу цейлон адабиёти отахонининг жуда қатъий фикри. Шунинг учун у Горький мавзуига бир неча марта мурожаат қилган.

Уша кунлари (9 ноябрда) инглиз тилида чиқадиган «Цейлон обсервер» деган бир газетада Мартин Викрамасингенинг Октябрь революциясининг 50 йиллигига бағишлиланган «Гуманистик исёнларнинг олий нуқтаси» сарлавҳали мақоласи босилди. Шу мақолада М. Викрамасинге М. Горький ҳақида ҳам гапириб, уни: «Инсонлар қалбидаги романтик руҳни ёлқинлантирган гуманист»,— деб атайди.

Хузуридан чиқаётганимизда Мартин бизга ўзининг сингал тилида нашр этилган «Совет юрти ҳақида қисса» китобини эсдалик учун тақдим қилди. Унда ҳам М. Горький ҳақида кўп яхши гаплар айтилган, китобда берилган суратлардан олтинчисида А. М. Горькийнинг Москвадаги ҳайкалининг фотоси бир саҳифани әгаллатан.

Октябрь революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Цейлон матбуоти биз ҳақимизда кўп материаллар босди. Буржуа матбуотининг ҳамма гаплари ҳам бизга тўғ

ри келавермайди, ичида хато фикрлар ҳам күп. Аммо Октябрь инқилобининг қаҳрамонларини санаганда, Россиянинг улуғ фарзандларини тилга олганда Максим Горький ҳам эсланди, унинг фотосуратлари ва биографиясига оид фактлар эълон қилинди. (Масалан, «Цейлон, дейли миррор» газетаси, 8 ноябрь, 14-бет.) «Цейлон ньюс ревьев Трибуна»номли прогрессив ҳафталик эса «Улуғ инсонлар» рубрикаси остида Максим Горькийнинг машҳур очеркини «Ленин ҳақида хотира-лар» сарлавҳаси билан инглиз тилида эълон қилди. «Цейлон дейли ньюс» газетаси 7 ноябрь сонида Коломбо радиосининг Октябрь революцияси ҳақидаги эшиттиришларини хабар қилиб ёзадики, шу куни Максим Горькийнинг бир асари «Пасту баландликлар» сарлавҳаси билан тамил тилида ўқилади.

Шундай қилиб, А. М. Горький ўзининг обрўси ва асарлари билан она-Ватанинг сарҳадларидан анча йироқда ҳам унинг обрўига обрў қўшмоқда.

* * *

Максим Горькийнинг ижоди оламшумул аҳамиятга эга. Бу ерда айтилганларнинг барчаси шулардан бир шингил.

Ҳақиқий истеъодлар ҳақида гап кетганда айтадиларки, уларнинг устидан ҳатто вақт ҳам ҳукмронлик кучини йўқотиб қўяди. А. М. Горький шундай даҳолардан бири. Юз йил унинг мангу ҳаётидан бир қадам, холос. Нафосатни қадрлайдиган инсонларки дунёда бор экан, улуғ санъаткорлар ҳамиша барҳаёт бўлади.

Горький ва Айний

XX асрнинг ўрталарида прогрессив ижтимоий муносабатларнинг, фан ва техника-нинг ҳамда маданиятнинг тез суръатлар билан ривожланиши турли қитъа мамлакатларидаги халқларнинг ўзаро моддий ва маънавий муносабатларининг кескин кучайишига олиб келди. Бу ҳодиса халқлар ўртасидаги адабий алоқаларга ҳам тегишлича таъсир этмай қолмади, албатта. Натижада традиция ва новаторлик, адабий алоқа ва таъсир масалалари энг муҳим ва актуал масалалардан бўлиб қолди.

Адабий ҳаракатчиликнинг шу соҳасида олиб борилган илмий-тадқиқотлар ҳар бир эътиборли ёзувчининг унинг ўзига яраша устозлари ва шогирдлари бўлганини тасдиқлайди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби ёзувчиларимиз XX асрнинг бошларидаёқ Марказий Россия, Қрим, Кавказ, Эрон, Туркия, Миср, Ҳиндистон каби ўлка ва мамлакатлардаги адабий ҳаракатчиликдан хабардор бўлган ҳолда ижод этганлар, характеристикидан

ўзларига яқинроқ турган санъаткорларнинг асарларидан озми-кўпми баҳра олганлар. Сўз санъатининг улуг намояндадарининг энг яхши традицияларини давом эттирганлар.

Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин миллий республикалардаги ёзувчиларнинг бир-бирларининг ижодлари билан, айниқса социалистик реализм адабиётининг отаси Алексей Максимович Горький ижоди билан қизиқишлиари кучайди. 30-йилларга келиб адабий алоқа соҳасидаги бу ҳаракат яна ҳам кучайди ва кенг тус олди.

1928 йилнинг баҳорида М. Горькийнинг тугилганига олтмиш йил тўлиши муносабати билан улуг адабининг юбилейи ўтказилди. Шу муносабат билан республика матбуоти М. Горький ҳаёти ва ижоди тўғрисида қатор мақолалар босиб чиқарди. «Максим Горькийнинг юбилейи», «Пролетариатнинг улуг адаби», «Максим Горький ва пролетар адабиёти» каби мақолалар шулар жумласидандир.

С. Айний Улуг Октябрь социалистик революциясининг биринчи йилларида ёк М. Горькийнинг номини ва шуҳратини эшитган; унинг ижодий фаолияти билан қизиқсан. Кейинчалик улкан сўз санъаткорининг айрим бадиий ва адабий-танқидий асарлари ни ўзбек ва тоҷик тилларида ўқий борган.

М. Горькийнинг ижоди билан қачон ва қандай танишгани, улуг устоздан нималарни ўргангани ҳақида С. Айний 1936 йилда шундай деган әди:

«Асарларининг таржимаси бўлмагани учун 1930 йилгacha унинг китобларини ўқиёлмай келган әдим. Менинг қўлимгага тушган

биринчи китоблари «Болалик», «Одамлар орасида» эди. Бу ажойиб асарлар менда жуда катта таъсир қолдирди, чунки булар менинг ўтмишдаги турмушимга жуда ўхшар эди. Қўлимга тўшган биринчи китобларини яхшилааб мутолаа қилганимдан кейин, булар менинг бундан кейинги ижодий ишимиға кўп таъсир қилдилар. Унинг асарларида янги мавзуу топдим, айрим типларни характерлашга ўргандим. Горький повестларда, ҳикояларда ва романларда ҳалқ адабиётидан ва афсоналаридан усталик билан фойдаланган. Мен ҳам ундан шу санъатни ўргандим. «Қўуллар» деган асаримда ҳалқ афсоналаридан фойдаланишга муяссар бўлдим»¹.

С. Айний М. Горькийга бир неча маҳсус мақолалар бағишлаган. «Симои фаромушнашудани», «Мангу барҳаёт», «Доно устоз» ва бошқа мақола, хотираларда М. Горький ижоди ўзида қандай таассурот қолдиргани анча дуруст акс этган. М. Горький С. Айний тушунчасида улуғ инсонпарвар санъаткор ва қалби улкан донишманд сиймодир.

«У (М. Горький — *H. P.*) қуёш каби қалам аҳлларининг йўлини ёритиб тураг әди ва совет адабиётчилари унинг илгор гоялари нуридан баҳра олиб ўсар, шакланар, балофатга етар эдилар»², деб ёзади Айний.

М. Горькийнинг аниқ, содда, оммага тушунарли, «сўз чиқиндиси»дан холи, соф тил

¹ Горький ижодиётини сақлаймиз ва ўрганамиз. Садриддин Айний билан мусоҳаба. «Қизил Ўзбекистон», 1936, 22 июнь.

² С. Айний. «Мудрый учитель». «Правда», 1951 г., 18 июнь.

учун олиб борган кураши, совет кишилари ҳаётини кучли бадий образ ва манзараларда тасвирлаш зарурлиги ҳақидаги фикрлари С. Айнийга айниқса ёкиб тушади.

Бутун ижоди давомида устознинг шу принципи асосида иш кўрган Айний адабий тилнинг ихчамлиги, соддалиги ва тушунарли бўлиши учун кураш олиб борди.

«Авом тожик тили қандай тил?» деган саволга у шундай жавоб беради: «Тожик авом тили шундай тилки, уни тожик (халқ) оммаси тушунади, жумла тузганда, ўхшатишда, кино ва истиорада, мақол ва маталдан фойдаланилганда ва бошқаларда тожик тилининг хусусияти ва руҳига риоя қилинishi лозим бўлади»¹.

«Ўртоқ Толисга очиқ хат» мактубида С. Айний ёш ёзувчининг «Студентшавандарҳо» («Бўлгувси студентлар») ҳикоясига умуман яхши баҳо бергани ҳолда, автор томонидан адабий тил нормалари бузилганлигини, айрим ўринларда ҳар хил шева аломатларига йўлни кенг очиб берилганлигини қоралайди. Шу муносабат билан С. Айний М. Горький билан А. Серафимович ўртасида рус адабий тили устида бўлган мунозарани эслатади, Толисни Горькийнинг бу соҳадаги кўрсатмаларига амал қилишга чақиради.

С. Айнийнинг «Ўртоқ Толисга очиқ хат», «Ўртоқ Тожиевга очиқ хат» сарлавҳали мак-

¹ С. Айний. «Забони тажики». «Раҳбари Дониш», 1928, № 11—12 ёки С. Айний. Қуллиёт, жилди 11, китоби дуййум. Душанбе — 1964, саҳ. 363.

тублари ўз мазмунни ва характери эътибори билан М. Горькийнинг «А. С. Серафимовичга очиқ хат»¹ига яқин туради. М. Горькийнинг мактуби С. Айний эътиборини тожик совет адабиётининг тилига жалб этди, унинг илмий тафаккурига бир турткىр бўлди, фикр ва мулоҳазасини қўзгади.

Шундай қилиб, С. Айнийга адабий тилнинг ҳамма тушунадиган, халқчил бўлишини тўла англаб етиши ва бунинг учун курашида М. Горькийнинг таъсири жуда катта бўлди.

Адабий таъсир нима ва уни қандай тушуниш керак?

Адабий таъсир масаласида ҳар хил қарашлар мавжуд. Қуйида шулардан энг муҳимларини кўриб ўтамиш.

В. Г. Белинский Пушкиннинг Веневитиновга, унинг поэзиясига таъсири масаласида шундай деган эди:

«Улуг шоирнинг бошқа шоирларга таъсири унинг поэзияси уларда акс этишида эмас, балки бу поэзия уларнинг ўз кучларини уйғотишидадир: зотан, қуёш нури ерни ёритган чогда, унга ўзидан куч бахш этмайди, балки унинг ўзида мавжуд бўлган кучни қўзгайди, холос»².

Бу ерда адабий асарнинг илҳомбахш хусусияти ҳақида сўз боради: улуг санъаткорнинг асаридан илҳомланган бошқа бир (ёки

¹ М. Горький. «О литературе». Литературно-критические статьи. М., «Советский писатель», 1953 г., стр. 647—651.

² В. Г. Белинский. Собр. соч. в 3-х томах. Том 2, М., 1948 г., стр. 164—165.

бир неча) санъаткорнинг ижодий кучи ишга тушади. Илҳомланган санъаткор қанчалик зўр бўлса, унинг қаламидан туғилган бадиий асар ҳам илҳом берган адабий манбадан шунчалик узоқ ва оригинал бўлади.

Белинскийнинг бу фикри традиция ва новаторлик ҳамда адабий таъсир масалалари ни тадқиқ этишда ишончли калит бўлиб хизмат қиласди, тадқиқотчига тўғри йўл кўрсатади. Лекин бу фикр умумий характердадир. Шунинг учун ҳам адабий таъсир проблемаси совет адабиётшунослаrinинг эътиборини кўпдан бери ўзига жалб қилиб келмоқда. Кейинги ўн йил ичida бу соҳада жуда катта илмий ишлар қилинди, кўплаб маҳсус мақолалар, монографиялар босилиб чиқди. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти томонидан 1960 йилда миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири ҳақида ўтказилган мунозара айниқса фойдали бўлди.

Мунозарада, «Миллий адабиётлар ва уларнинг ўзаро таъсири», «Адабиётларни қиёсий-тарихий ўрганиш проблемалари», «СССР халқлари адабиётларининг ўзаро ижодий таъсири проблемалари» сингари ўнлаб темаларда докладлар муҳокама қилинди, жуда кўп ижодий масалалар ўртага ташланди, конкрет илмий таклифлар айтилди.

Проф. Г. И. Ломидзе ўз докладида СССР халқлари адабиётларининг ўзаро таъсирига оид проблемалар ҳақида кенг тўхталди, адабий таъсир масаласини чуқур ёритди.

«Совет адабиётининг ҳозирги босқичдаги тараққиёти — миллий ўзига хосликнинг бар-

ча бойлигини тасдиқлаш ва янада ривожлантириш асосидаги ҳақиқий ва әнг чуқур ўзаро ижодий таъсир тарзида ифодаланган.

Горький ва Маяковский ижодий тажрибаси жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлиб, социалистик гоявийликни, ҳаётни теран билишни бадиий қудрат ва бойлик билан биринчилигин намунаси. Совет адабиётининг янги сифатлари, унинг новаторлик табиати Горький ва Маяковский асарларида гоятда кучли ифодаланган бўлиб, бошқа халқлар учун ибрат аҳамиятини касб этади.

Иирик санъаткордан ўрганиш ёзувчига воқеликнинг бойлиги ва қирраларини ҳушёрлик билан кўришда, дурустроқ пайқашда, ҳодисалар моҳиятига дадил кириб боришда ёрдам беради, деган фикрга қўшиламиз. Бироқ, социал ҳақиқатни, ҳаётий ҳодисанинг социал мазмунини воқеликни эстетик ўзлаштириш билан қориштириб юбориш мумкин эмас. Булар бошқа-бошқа нарсалардир¹, дейди Г. Ломидзе.

Проф. Г. И. Ломидзе ўзаро таъсирни соддалаштирувчиларни, ўрганилаётган ёзувчилар ижодида паралеллизмлар, важ, сюжет, характер, образли ассоциацияларнинг бирбирига тўғри келишини ўзаро таъсирнинг ҳақиқий намунаси, деган изловчиларни танқид қилиб, бундай соддалаштиришдан ва умумийликдан қочишини тавсия этади.

Бадиий таржима назарийтчиси проф. А. В. Федоров адабий таъсир масаласига

¹ «Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва таъсирі», М., 1961, 141—143-бетлар.

доир нүтқида қизиқ бир ижодий ҳодисага тұхталади: у ижодининг характеристикасынан бир-бирига мутлақо ўшшамайдыган ёзувчиларниң бир-биридан илхомланиши адабий практикада учраб туришини күрсатади. Масалан, М. Горький: «Хеч ким ҳеч қачон мен-га Стриндбергдек таъсир күрсатған әмас», дейди-ю, сүнгра «унинг ҳар бир китоби у билан мунозара қилиш, унга әзтиroz билдириш истагини үйготар әди ва ҳар бир китобини ўқигандан кейин Стриндбергга нисбатан севиши ҳисси, әзтиром ҳисси чуқурлаша ва мустаҳкамлана борарди. У менга қайнар булоқни эслатар әдиким, унинг ҳаётбахш суви ундан лоақал озгина ичган ҳар бир киши қалби ва зеңниңнинг ижодий күчини қўзгар әди», деб ёзади.

А. Федоров шундай ташқи томондан ўшшаш асарлар ёзган ёзувчилар борлигини, лекин улар бир-бирларидан ҳеч нарса ўрганмаган бўлишлари мумкинлигини ҳам таъкидлайди¹.

Кўринадики, адабий таъсир масаласида тадқиқотчи ҳар икки ҳолатни назарда тутган ҳолда иш олиб бориши лозим.

* * *

Санъаткорнинг ижоди биринчи навбатда реал ҳаётдан, шунингдек, ўтмиш ва замонавий адабий ҳаётдан озиқланади: ижтимоий ҳаёт тема ва мазмун беради, илхом бахш

¹ «Взаимосвязь и взаимодействие национальных литератур», М., 1961, стр. 301—302.

этади, адабий мерос ва замон адабиёти эса бадий восита ва намуна беради.

С. Айний ижоди ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Унинг ижоди реал ҳаёт билан, ижтимоий ҳодисалар билан жуда ҳам мустаҳкам алоқада шаклланди ва ривож топди. Ёзувчи дастлабки прозаик асарларида ижтимоий воқеаларнинг маълум тарихий давр чегарасидаги ривожини ўз шаклида ифодалаш билан чекланади, уларни ишлашга, типиклаштиришга етарли ёзтибор бермайди. «Бухоро жаллодларининг ўзаро мусоҳабаси» масалан, шу принципда ёзилган. Бу, албатта, повесть автори адабий манбалардан мутлақо баҳра олмади деган сўз эмас. С. Айний бу асарида Улуг Октябрь революциясидан аввалги тожик ва ўзбек прозаси традицияларига суюнди. Лекин у мазкур адабий традициялардан ва қўйни халқлар адабиёти, айниқса прозаси тажрибасидан ҳали етарли озиқлана олмаган эди. Ўз ижодидаги бу камчиликни санъаткор аста, шу билан бирга изчил тугата борди. Бошқа ёзувчилардан ижодий ўрганиш ҳам маҳорат талаб қиласиди: бирор дурустроқ ёзувчидан ибрат олиш учун аввало унинг ижодини тегишли теранликда тушуна билиш зарур. Бу эса муносиб билим, нозик таъб ва эстетик дид ҳамда тажриба бўлишини тақозо этади. А. С. Пушкин поэтик ижодидан ўринак олган ва илҳомланган шоирларнинг саноғи йўқ. Лекин шулардан баъзиларигина унинг гениал ижодининг энг муҳим ва характерли хусусиятларини тўла тушуниб етган. М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов ва В. В. Маяковскийлар ана

шундай муносиб шогирд, шу билан бирга ўзига хос йўл топа билган мутлақо оригинал ва буюк шоир-санъаткорлар эди.

Бундай ҳодисани ўзбек совет адабиётида ҳам, тохик совет адабиётида ҳам кўриши мумкин. Маълумки, М. Горькийнинг ижодий тажрибасидан С. Айний ва Ойбек ҳам, А. Қаҳҳор ва Ҳ. Шамс ҳам баҳра олган. Лекин уларнинг ҳар бири Горькийни ўзига, кучига яраша ўзлаштирган. Унинг ғоявий-эстетик принципларидан Ойбек ҳаммадан кўра кўпроқ усталик билан фойдаланган, уларни ўз ижодига юксак даражада сингдириб юборган. Бу нарса «Қутлуғ қон» асарининг бутун руҳидан сезилиб турса-да, романнинг оригиналлигига мутлақо путур етмаган.

С. Айний ижодида М. Горькийдан ижодий ўрганиш натижалари бошқача тусда кўриниб туради: Айний устозининг ижодий принципларини ўз асаллари руҳига маълум даражада сингдириш билан бирга айрим ўринларда («Қуллар»да) бундай қилишга етарли уринмагандек кўринади. Бунинг сабабини аниқлаш учун масалага муфассалроқ тўхташга тўғри келади.

С. Айний XIX асрнинг охирларида ёқ бадиий прозада ижод қилиш иштиёқида бўлган. 1900 йилда у Аҳмад Донишнинг «Наводирул вақоевъ» асари билан чуқур танишади. Мазкур асарнинг ғоявий-бадиий характеристи, айниқса тили ва услуби Айнийни мафтун этади. Шунда унинг проза ёзишга бўлган иштиёқи яна ҳам кучаяди. Кейинчалик Айний ҳикоя ва повестлар ёза бошлайди

ва Аҳмад Донишнинг бадиий тил ва услуб соҳасидаги энг яхши традицияларини ўзлаштириб олишга ва ривожлантиришга интилади. Рус классик ва совет адабиёти ёрдамида ҳатто Аҳмад Донишдан ўтиб кетишни орзу қиласида, С. Айний бу ҳақда шундай дейди:

«Наводирул вақоेъ» китобини даставвал кўрганим ва ўқиганимда менга таъсир қилиган жойлари жуда кўп эди...» «Наводирул вақоеъ» билан танишувим менда революцион фикрларни уйғотибина қолмай, балки насрнавислик савдосини ҳам бошимга солди. Ўша вақтларда «мен кошки насрнавис бўлсайдим, насрнавислик мұяссар бўлганида ҳам Аҳмад маҳдум каби воқеаларни ўқувчига содда тилда гавдалантириб кўрсата оладиган насрнавис бўлсан эди», деб орзу қиласидим. (Менинг бу орзу-ниятим Улуг Октябрь социалистик революциясидан кеинингина амалга ошиди. Рус классиклари ва совет ёзувчилари асарлари билан танишганимдан сўнг содда тилда ёзиш бобида Аҳмад маҳдумдан ўтиб кетиш фикрида бўлдим.)

Ҳа, содда ёзиш фикри «Наводирул вақоеъ» билан танишганимда пайдо бўлган. Чунки бу китобнинг тили ҳозирги замон ўқувчиларига оғир (ҳақиқатда ҳам анча оғир) кўринса ҳам, лекин ўша замонлардаги бошқа китоблар, ишонавислар ёзган асарлар тилига қараганда анча осон, содда эди»¹.

¹ Сидриддин Айний Асарлар, 7-том, Т., 1967, 171-бет.

Аҳмад Донишнинг бадиий тили ҳақида бир оз бўлса-да тасаввур ҳосил қилиш учун бир саёҳатчининг Ҳиндистон ўрмонларида бошидан кечирган драматик ҳислари тасвиридан мисол келтирамиз:

«Кун ботиб, кечанинг қора пардаси ер юзини қоплаб олди. Эшагимни келтириб тош тагига боғладим. Йиртқичлардан сақланиш учун олдимга катта бир ўт ёқиб қўйдим. Чунки йиртқич ҳайвонлар кечаси ўтга яқин келмайдилар, деб эшитган эдим.

Ўтпарамалардек ўтни айланиб турганимда тош тагига боғланган эшагим жони борича тўхтовсиз ҳанграй бошлади. Унинг нохуш садосидан тогу тошлар акс садо берди; атрофда узоқ, яқин тоғларнинг кўплигидан юз эшак ҳанграгандек эшитилар эди. Эшакнинг бундай қаттиқ ҳанграган шум товушини эшитиб, қўрққанлигимдан қўл-оёғим титрай бошлади.

Бунинг сирини билиш учун тошнинг четига келиб қарасам, эшагим жуда тоқатсиз бўлиб ўзини ҳар томонга ташлаётган эди... Бунга нима бўлди деб тοғ орасидаги қалин тўқай ичига синчиклаб қараб, бир ҳайбатли ҳайвоннинг келаётганига кўзим тушди. Ўзи қора ҳўқизга ўхшайди; қўкраги кенг, боши катта, оёқлари фил оёқлари каби йўғон, кўзлари қуёш косаси каби ялтираб ёнади. Узун қуйруги бор, ер уриб ҳайқиради. Аммо ўтнинг шуъласидан яқин кела олмай турибди. Унинг ортида ҳар хил бошка ҳайвонлар ҳам кўринади.

Бу ҳолни кўриб, турган еримда қотиб

қолдим. Тош устидан юмалаб тушишимга сал қолди»¹.

Бу мисолдан Аҳмад Донишнинг тил хусусиятигина эмас, балки унинг тасвирилаш усули ҳам яққол кўриниб турибди: ёзувчи тасвири рангдор ва образли қилишга, китобхонда ёрқин ва теран таассурот қолдиришга интилади, ҳаяжонли манзара ва ҳолатлар яратади. У ўқувчини қизиқтириб, ўзига жалб қилиб оладиган ҳодиса ва воқеаларга кўпроқ эътибор беради. Бу нарса эса баъзан образни типиклаштириш, гоявий мақсадни аниқлаш имкониятидан маҳрум эта-ди, ёзувчи воқеаларнинг социал магзини ча-кишга, образнинг яққол чиқишига ҳар вақт ҳам етарли эътибор беравермайди.

С. Айний Аҳмад Донишнинг энг яхши томонларидан ўрганиш билан бирга бундай камчиликлардан қочишга ҳаракат қилган. Бунда унга рус реалистлари, айниқса М. Горький яқиндан мадад берди, йўл кўрсатди.

Дониш ёрдамида маърифатпарварлик даржасига кўтарилиган, революцион онги уйгона бошлигаган Айний М. Горькийдан ўрганиш орқасида социалистик реализм чўққилари сари дадил парвоз қилди, гўзал ва ҳаққоний асарлар яратди ва Иттифоқ миқёсига чиқди.

«Доҳунда» ва «Қуллар» романлари С. Айнийнинг социалистик реализм чўққиларини

¹ Аҳмад Дониш. «Наводирул вақое» (Нодир воқеалар). Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964, 265—266-бетлар.

эгаллаш йўлидаги жиддий ютуғи, катта галабаси бўлди. «Судхўрнинг ўлеми» ва «Эсдаликлар»ни яратиш билан эса, С. Айний атоқли совет санъаткорлари қаторидан муносиб ва мустаҳкам ўрин олди.

С. Айний асардан асарга ўсиб, етилиб боради. Натижада, унинг ижодида бадиий тўқима тобора кўпроқ учрай бошлиайди. «Дохунда» романида бадиий тўқимадан автор анчагина унумли истифода этган бўлса, «Қуллар»да тарихий фактлар билан бир қаторда ижодий фантазия ҳам муносиб ўрин эгаллади. Бироқ шуниси борки, тарихий фактларни бадиийлаштириш, яъни тарихий фактни бадиий тўқима билан узвий бириктириб юбориш романнинг ҳамма саҳифаларида ҳам тегишилича самара беравермаган. Бу эса романнинг композицион жиҳатдан ихчам ва компакт бўлиб чиқмаганлигига сабаб бўлган.

Агар биз «Қуллар» романини шу асар муаллифининг «Судхўрнинг ўлеми» повести билан ёки Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи билан чоғищтириб кўрсак, унинг бу камчилиги дарҳол кўзга ташланади: кейинги асарларда ғоявий-бадиий бирлик жуда ҳам кучли. Бунинг сабаби шундаки, «Қутлуғ қон» романида автор 1916 йил халқ қўзғолонинг тарихий ва ижтимоий замини ва мөҳиятини бадиий очиш билан бирга асардаги марказий қаҳрамон ва персонажларнинг характерларини даврнинг социал ва оиласвий ҳодисалари жараёнида чуқур очади, руҳий ҳолатларини, ички дунёларини тўла ва ёрқин кўрсатади; бунга эса ҳаётий материал-

ни асосий персонажлар атрофида пухта уюштира билиш орқали эришади. «Судхўрнинг ўлими» сатирик повестида бошқачароқ ҳолатни кўрамиз: бу асарда С. Айний Қори Ишкамбанинг монументал ҳажвий образини яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди ва ҳар бир ҳаётий деталдан, персонажлар диалогидан ва бошқа маҳсус бадиий воситалардан тўғри, изчил ва усталик билан фойдаланиш натижасида ўз вазифасини аъло даражада адо этди. Бухоро ижтимоий муҳитида янги туғилган ва янгича характер касб эта бошлаган судхўрликнинг бутун жирканч томонларини Қори Ишкамба образида мужассамлаштириди. Шунинг учун ҳам бу сатирик образ ҳаётий, тўлақонли ва ёрқин бўлиб чиқди, асар эса композицион жиҳатдан гоятда ихчам ва компакт тус олди.

«Судхўрнинг ўлими» повестининг мукаммал чиқиши тасодифий эмас, албатта. Бу асар авторнинг гоявий савиясини яна ҳам ошириш, билим доирасини кенгайтириш, бадиий маҳорат сирларини тинмай ўрганиш устида қунт билан ишлаши самарасидир. Қисса муаллифнинг тарихий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини ва адабиёт назариясини тўла эгаллаганигидан ҳам далолат беради.

Қори Ишкамба тақдирида автор маълум тарихий қонуниятни бадиий очган: Улут Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида Когондаги Давлат банки ва унинг Бухородаги филиали Совет ҳокимияти томонидан миллийлаштирилади, Қори Ишкамба эса уч миллион сўмдан зиёдроқ пули-

дан маҳрум бўлганига чидолмай, юраги ёрилиб ўлади. Қори Ишкамбанинг ўлимида рамзий маъно бор: унинг ўлими судхўрлик капиталининг ва умуман эксплуататорлик тузумининг муҳаққақ ва муқаррар емирилишидан далолат эди.

Бундай ғоявий-бадиий умумлашмалар даражасига С. Айний осонликча кўтарилган эмас: бунда биз рус классиклари реалистик мактабининг, биринчи ўринда Горький ижодий мактабининг илҳомбахш таъсирини етарли даражада равшан кўра оламиз. Айний янги мавзулар топишни, персонажлар характеристикини яратишни Горькийдан ўрганиларигини айтган эдикки, ўша ўрганишнинг ижодий маҳсулотларидан бири, албатта, Қори Ишкамба образидир. Шуниси қизиқки, М. Горький ижодида Қори Ишкамба түпидаги судхўрнинг сатирик образи учрамайди, бинобарин, С. Айний устоз санъаткор ижодидан илҳомланган ва оригинал классик асар, реалистик ҳажвий образ яратса билган — С. Айнийнинг забардастлиги ҳам, ижодий кучининг қудрати ҳам шунда.

Горькийнинг чинакам устозлик роли, илҳомбахш таъсири айниқса С. Айнийнинг «Эсадаликлар» асарида яққол кўринади. Ёзувчи «Эсадаликлар»ни бевосита М. Горькийнинг автобиографик повестларидан илҳомланиб ёзган.

«Горькийнинг ижодидан мен жуда кўп нарса ўргандим,— деб ёзади Айний,— ва дангал айтиш керакки, менинг совет ёзувчиси бўлиб шакалланишимга унинг ижоди ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Совет китобхон-

ларининг эътибorigа сазовор бўлган ва Давлат мукофотига муносиб топилган менинг «Эсдаликлар»им улуғ санъаткорнинг «Болалик», «Кишилар орасида» ва бошқа асарларининг бевосита таъсири остида ёзилган»¹.

Меҳнаткаш оиласдан чиққан ва ёшликда чексиз машиқатларни бошидан кечирган С. Айний М. Горькийнинг мазкур автобиографик асарларида ўзининг болалик ва ўспирийлик йилларини эслатувчи ҳаёт тасвирiga дуч келди. Бу ҳодиса уни бадиий ижод сари етаклади. Адидимиз қўлига қалам олди. Болалик, ўспирийлик ва ёшлик йилларидаги ҳаёт лавҳалари бирин-кетин ипга тизилди.

«Эсдаликлар» мустақил бадиий лавҳалардан, Константин Федин ибораси билан айтганда новеллалардан ташкил топган бўлса ҳам, бу асар китобхонда яхлит таассурот қолдиради: авторнинг тасвирилаш усули мазмундор, нафис ва жозибали. Бугина эмас, С. Айний энди моҳир санъаткор сифатида асар архитектоникасини, ундаги воқеа ва ҳодисаларни бош қаҳрамон Садриддин атрофига шундай усталик билан уюштирадики, натижада асар гоявий-бадиий пухта, композицион жиҳатдан анчагина яхлит бўлиб чиқади.

С. Айнийнинг «Эсдаликлари» XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидағи Буроро ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг бадиий кўзгуси ва универсал қомусидир.

¹ С. Айни. Мудрый учитель. «Правда», 18 июня 1951 г.

Шунинг учун ҳам бу асар совет адабий жамоатчилиги ва кўп миллионли китобхонлар томонидан зўр эътибор ва қизиқиш билан қабул қилинди.

С. Айнийнинг «Дохунда» ва «Қуллар» романлари, «Судхўрнинг ўлими» сатирик повести ва машҳур «Эсдаликлар»и унинг ҳақиқий реалист санъаткор бўлиб етишган лигидан далолат берди, муаллифнинг номини Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсига олиб чиқди ва шон-шарафга буркади.

С. Айний улуг устоз М. Горькийнинг энг муносиб шогирдларидан бири бўлиб, у СССР халқлари адабиётидаги Ф. Гладков, Л. Леонов, А. Упит, М. Авезов, Ойбек, А. Қаҳҳор каби атоқли прозаиклар сафида туради.

М. Горький ва туркистоилик аёл

М. Горькийнинг турли халқлар, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти билан қизиққанлигини текширувчилар аллақачон кўрсатиб беришган.

Унинг шахсий кутубхонасида Г. Вамбери-нинг «Бухоро ёки Трансаксония тарихи» деган китоби, «Темурнинг автобиографияси» каби асарлар бор.

М. Горькийнинг кўтубхонасида яна Н. Ф. Катанов томонидан нашр этилган мусулмон афсоналари ҳам бор. Бу тўпламда ўзбек халқининг айрим эртаклари, мақол ва маталларининг ҳам русча таржималари берилган. Ёзувчининг кутубхонасида «Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества» мажмуасининг 1895 йилда чиққан 9-томидан маҳсус парча (оттиск) бор. Унинг ичида Муқимиининг «Викторбой» сарлавҳали сатирасининг русча прозаик таржимаси ҳам келтирилган. Бу материаллардан кўриниб турибдики, М. Горький ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва классик адабиёти намуналари билан ҳам бир қадар таниш бўлган.

Улуг ёзувчи Ўрта Осиё халқларининг ҳаётига оид материаллар билан танишибгин қўя қолмай, уларни зўр диққат билан синчиклаб ўрганган. Буни унинг Н. П. Остроумов томонидан нашр этилган этнографик материалларнинг чеккасига қаламда қилган қайдларидан ҳам яқъол кўришимиз мумкин. Бу қайдлар адабнинг ёш қизларнинг зўрлаб эрга берилиши, аёлларнинг калтакланиши, диний анъаналарга қарши кураш билан айниқса кўп қизиқканлигини кўрсатади.

Шубҳа йўқки, бу материалларни ўрганиш улуғ адабнинг ижодида маълум из қолдирган (масалан, Темур ҳақидаги ҳикоялар). Бироқ М. Горький меросини чуқур ўрганиш учун ёзувчи ижодидаги Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги маълумотларнинг манбай фақатгина китоблар бўлмаганлигини кўрсатади. Бунга ҳаноат ҳосил қилиш учун «Самарская газета»ни варақлайлик. Маълумки, М. Горький ўз ижодининг илк даврида мана шу газетада хизмат қилган. Унинг ажойиб талант билан ёзилган фельетон, очерк ва мақолалари газетада деярли ҳар куни босилиб турган. Бу асарлар ўзларининг фикрий терандлиги, сиёсий ўткирлиги, тилининг пухталиги ва муҳим масалаларни кўтарилиши билан ажralиб туради. Афсуски, улуғ адабнинг бу даврдаги кўпгина асарлари тўла тўпламмаган ва қайта нашр қилинмаган, унинг асарлар тўпламларида ҳам учрамайди.

Мана, «Самарская газета»нинг 1895 йилдаги 58-сони. Унда «Провинциал филантропия» сарлавҳали мақола бизнинг диққати-

мизни ўзига жалб этди. Унинг автори М. Горький. Мақолада Тошкентдаги боқимсиз болалар уйи ҳақида сўз юритилади. Автор буржуазиянинг инсон нафсониятини, қадр-қимматини таҳқириловчи «саховати»дан аччиқ кулади.

Шу газетанинг ўша йилги 87-сонини кўздан кечирар эканмиз, М. Горькийнинг «Зиёлилар ва рақобат» деган мақоласига дуч келдик. Унда рус жамиятида аёлга муносабат ҳақида сўзланади. Ўз фикрини асослар экан, автор Умар Хайёмнинг шеърларини эслатиб ўтади.

Мана, «Самарская газета»нинг 1895 йил 183-сони. М. Горькийнинг «Туркистон ва аёлларнинг олий таълими» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақоланинг қизиқ тарихи бор. Чор Россиясининг колонияси бўлган Туркистонда яшовчи миллат вакилларидан бири Петербург университетига кириб ўқимоқчи бўлади. Аммо университет ректори бу аёл рус бўлмаганлиги учун унинг ўқишига қабул қилиш ҳақидаги илтимосини рад этади. Реакцион газеталардан бири бўлган «Новое время» ректорнинг бу позициясини қизғин ёқлайди. Бундан хабар топган М. Горький ўзининг юқорида эслатилган мақоласини ёзади ва туркистонлик аёлнинг ҳуқуқини қизғин ёқлайди.

Собиқ Туркистонда яшовчи миллат аёлларининг университетга кириб ўқиш учун интилиши, дарҳақиқат, ажойиб ҳодиса. Расмий маълумотларда қайд қилинишича, 1876—1877 ўқув йилидан то 1895—1896 ўқув йилигача Тошкентдаги аёллар гимна-

зиясида ҳар йили ўрта ҳисоб билан маҳаллий миллат қизларидан олти киши ўқиган. 1882 йилда бу миқдор ҳатто ўн бешга етган. Шубҳасиз, бу дарёдан томчидир, процентнинг микроскопик улушини ташкил этади. Маҳаллий миллат қизларининг гимназияни тутатиб, университеттега қадам қўйиши жуда сийрак ҳодиса бўлгандилиги аниқ.

Бундай орзу доимо чор Россиясидаги реакцион кучларнинг қаршилигига дуч келган. Бироқ Туркистонда яшовчи халқлар ҳимоясиз әмас әдилар. Уларга прогрессив Россия ёрдам қўлини чўзарди. Мана, шу илғор Россиянинг асл фаразандларидан бири бўлган М. Горький ўз ижодининг тонгидәк туркистонлик аёлнинг инсоний ҳуқуқларини қизгин ҳимоя қилди.

Бу — покиза қалбда прогрессив Россиянинг мазлум халқларига самимий муносабатининг ифодасидир. Улуг адабнинг орзуси В. И. Ленин раҳбарлигига Улуг Октябрдан сўнг рўёбга чиқди. Кўксидা университет значоги порлаган ўн минглаб аёлларимиз улуг Горький орзуси ва ленинча миллий сиёsat тантанасининг ёрқин далилидир.

«Шарқ юлдузи» журнали, 1961 йил апрель сони.

Ўзбек бадиий публицистикасида Горький традициялари

Буюк санъаткор М. Горькийнинг ижоди большевистик публицистикасида шаклланиши даврига — рус революцион ҳаракатининг учинчи этапига тўғри келди. Рус революцион-озодлик ҳаракатининг учинчи даври, В. И. Лениннинг «Искра» ва «Правда» газеталарини ташкил қилиш, ўюнтириш йиллари эди. Лениннинг мақолалари большевистик публицистикани ривожлантиришда, уни ғоявий-сиёсий қуроллантиришда, назарий асосини яратишда, маркс-ча-ленинча услубда тараққий эттиришда жуда катта роль ўйнади. Шу жумладан Горький дунёқарашининг шаклланиши учун ҳам ўзининг ҳал қилувчи таъсирини кўрсатди.

Горькийнинг революциядан олдинги публицистикасида бош проблема бўлиб инсон ва шахс эркинлиги масаласи турган бўлса, революциядан сўнг бу тема унинг публицистикасида озод, яратувчи инсон проблемасига кўтарилди.

Адабнинг Улуг Октябргача бўлган публицистикасида социалистик революция, про-

летар гуманизми, Ватан каби қатор темалар асосий ўринни эгаллади. У, ўзининг «Рус халқига житоб» асарида рус чоризми ва буржуазиясини ағдариб ташлашга чақирди, Америка, Франция, Италия буржуазиясини фош қилди. Горький ижодида капитализмнинг соҳта цивилизацияси, унинг рус меҳнаткашига нисбатан қўлланган тана жазоси каби феодал одатлар рўйирост очиб ташланди.

Революциядан сўнг Горький ижодиётида янги инсон концепцияси, характеристи, янги Россия қиёфаси, кўринишлари темаси инқи́лоб галабалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирланди. Октябрь революциясининг жаҳоншумул аҳмияти, социалистик қурилишлар, мамлакатни индустрлаштириш, коллективлаштириш, янги ижтимоий муносабатлар каби «янги дунё» проблемалари Горький публицистикасининг асосини ташкил этди.

Янги одамнинг ҳар томонлама ривожланиши, унинг катта фалсафий ва социал-психологик мазмуни ёзувчи асарларида реал перспективалар билан боғлаб тасвирланди. Горький янги инсон ҳақида сўзлаб, уни шахс сифатида эски давр одамига — «қаҳрамон индивидуалист»га қарама-қарши қилиб қўяди. Социализм шахсни ҳар томонлама ривожлантиради, у колектив орасидан ўсиб чиқади, деб кўрсатди. Горький шахснинг тўлиқ ва гармоник ривожланиши учун коммунизм ягона гарантиядир, деган фикри илгари сурди.

Горький ўз публицистикасида комму-

низмни — капитализмга, гуманизмни — бандитизмга, янги социалистик маданиятни — варваризмга қарши қўйиб, революцион-гуманистик ва интернационалистик гоя ва идеалларни ўзида мужассамлаштирган инсон образини тарғиб қилди.

Горький публицистикасининг ўзига хос ана шундай хусусиятлари, унинг ижодий мероси, Совет публицист ёзувчилари учун чин маънода маҳорат мактабидир. Горький традициялари рус ва қардош совет ёзувчилари томонидан ижодий ўзлаштирилмоқда, ривожлантирилмоқда.

* * *

XX аср бошларида пролетар адабиётига янги қаҳрамон кириб келди. Бу М. Горькийнинг «Мешчанлар» пьесасидаги ишчи — машинист Нил образи эди. Дунёни революцион йўл билан ўзгартириш тарафдори бўлган Нил: «Мен ҳаётни севаман, меҳнатни, шовқин-суронни, оддий ва хушчақчақ одамларни севаман... ким меҳнат қиласа, ҳаётнинг хўжайини ўша»¹ деган принципнинг амалга оширилиши учун курашди. Алексей Максимович Горький Гарб реакциясига, капиталистик дунё тартибларига, «Сариқ иблис» ҳуружларига қарши ана шундай янги ижобий қаҳрамонларни — Нил, Павел Власов, Пелагея Ниловна, Бўрон қуши, Данко каби революцион гуманизм кишилари образини,

¹ М. Горький. Пьесалар, Ўздавишш, Тошкент, 1955 йил, 40—49-бетлар.

ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари фаолиятларини пропаганда қилди. Горький, инсон ўз ҳуқуқини ўзи курашиб олади, инсонда ҳамма нарса мавжуддир, ҳамма нарса инсон учун деган ғоявий программани социалистик реализм адабиётининг байробига айлантириди.

Горький томонидан олға сурилган ана шундай қатор проблемалар умумсовет адабиёти сингари бизнинг миллий адабиётимизда ҳам ўз аксини топа бошлади. Ўзбек совет адабиётининг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Мақсад Шайхзода, Уйғун, Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов, Йброҳим Раҳим, Миртемир, Зулфия, Сарвар Азимов, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор каби сўз санъаткорлари ана шу проблемаларга бағишлиб кўплаб асарлар яратдилар. Бу ўринда капиталистик дунё ва реакцияни фош этиш каби горькийча руҳ севикли ёзувчимиз Ойбекнинг бадиий публицистикасида айниқса яққол кўзга ташланишини қайд қилиб ўтиш керак бўлади.

Ойбек публицистикасида йигирманчи ийллардаги миллатчилик, Испан корчалонлари, Ғарб империализмининг хорижий Шарқдаги мустамлакачилик сиёсатигина фош қилиниб қолмасдан, Совет Шарқи ва унинг халқларига нисбатан тухмат уруғларини сочаётган ҳозирги замон реaccionон буржуазия идеологияси ҳам қаттиқ қамчиланди. Бу жиҳатдан унинг «Ёлғончи тўти»¹

¹ Айбек. Лжец-попугай, «Литературная газета», 1963 г., 11 июня.

номли бадиий публицистик мақоласи характерлидир. Ойбек унда Ғарбий Германияда чиқадиган буржуа журнallарини ва унинг Боймирза Ҳайитга ўхшаш маддоҳларини сатира ўтида ёндиради. Мақолада Ватан хоини Б. Ҳайитнинг Ўрта Осиё, хусусан Шарқдаги Совет республикалари халқларининг ашаддий душмани экани, унинг мустақил ўзбек, қозоқ, қирғиз адабиёти бўлган эмас, деган туҳматлари фош этилди. Ойбек Ўрта Осиёдаги ҳар бир халқ ўз миллий маданияти билан умумжаҳон маданиятини яратишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганликларини бой факт ва миссоллар билан кўрсатиб берган. Публицистнинг ўзбек халқининг узоқ ўтмишда ва Октябрь революциясигача бўлган даврда ҳам «бой, ўзига хос мустақил адабиёти, миллий маданияти», ранг-баранг «адабий мероси» бўлгани, унинг Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Хоразмий, Дурбек, Отойи, Лутфий, Навоий, Бобир, Машраб, Муқимий, Фурқат каби буюк мутафаккир шоирлари бўлганлигини кўрсатувчи, таъкидловчи сўзлари гарб реакционерларининг Шарқда фақат «битта туркистон халқи бор», деган эски жадидизм ақидасига чатишиб кетган сафсалаларини чипакка чиқаради.

Асарнинг сиёсий ўткирлиги, жанговарлиги, фактларга бойлиги, буржуа синфи идеологиясини юксак партиявий позициядан туриб фош қилишлик руҳи ва хусусиятлари, улуғ рус ёзувчиси М. Горький традицияларининг ўзбек совет адабиётида ривожлантирилаётганлигидан далолат беради. Мақолада СССР халқлари адабиётининг интернацио-

наллигини мустаҳкамлаш ҳақидаги Горький фикрлари ривожлантирилди. М. Горький, космополит «оқ» эмигрантлар адабиёти устидан «сасиган адабиёт» деб аччиқ кулган бўлса, Ойбек худди ана шу адабиёт намояндаларини фаҳмсиз, «сохта тўтиларга» ўхшатиб, уларнинг чиркин синфий башараларини очиб ташлади.

Буржуа идеологиясини фош қилувчи Горькийча бу хусусиятни Садриддин Айнийнинг «Хўжайин хўжайинлигича қолади»,Faфур Ғуломнинг «Қалб ва қувват», «Момоий гису набурида», Шароф Рашидовнинг «Туҳматчига», Воҳид Зоҳидовнинг «Машъум ирқчилик», «Қуёшга ўт очган газанда», Ҳамид Ғулом ва Георгий Димовларнинг «Қийшиқ трубадан чиққан тутун» сингари асарларида ҳам кўриш мумкин.

* * *

Ўзбек совет адабиётининг бошқа намояндалари қаторида, улкан сўз устаси Faфур Ғулом ҳам ўзининг бадиий публицистик мақолаларида Горькийнинг шу соҳадаги ажойиб анъаналарини ижодий ривожлантиришга баракали ҳисса қўшди. Янги инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги гуманизм, яратувчилик, порлоқ коммунистик келажакка ишонч руҳи ва гояси Faфур Ғулом публицистикасининг муҳим қирралариданdir.

Ёзувчи ўзининг «Коммунизмнинг аён нишоналари»¹ номли бадиий публицистик

¹ Faфур Ғулом. «Шарқ юлдузи» журнали, 1950 йил, № 16. 3—6 бетлар.

мақоласида эртанги порлоқ кунимиз ҳақида фикр юритар экан, ижодкор, яратувчи, революцион совет халқининг жасоратини ҳаққоний ифодалайди.

«Моддий оламнинг узилмас, ишчан бир бўлаги» сифатида «кўрмак, эшиитмак, сезмак... ва шулардан хуоса чиқармак»ни, «оламнинг заррадан қуёшгача бўлган мазмунини англаб яшамак»ни ҳаётнинг моҳияти деб тушунган файласуф адид ўзининг «Агар биз бугун қудратли қурилишларни барпо қилиш ҳақида гапирав эканмиз, ёртага улар амалга оширилган бўлади.. Эски Шарқнинг шоирлари ўз халқининг орзуси ҳақида фақат қўйшиқ тўқир эдилар. Биз ҳаётга татбиқ қилинган орзуни куйлаймиз», деганида шоир чиндан ҳам ҳақли эди.

Халқнинг меҳнат зафарларини, курашини ва келажакка ишонч тўла умидларини барада куйлаш Ғафур Ғулом публицистик мақолаларига зеб бағишлайди. Бу хусусият унинг «Истиқбол умиди»¹ асарида ёрқим ифодаланади. Асарда социалистик жамият кишиларининг бугунги кун учунгина меҳнат қилиши эмас, балки келажакдаги фаровон турмуш учун, истиқболни — тақдирни яратиш иштиёқидаги кураши ҳам илгари сурилади. Шоир «Биз дарахт экар, иморат қуарар, кон толар, бирор қўйшиқ ижод қилар эканмиз, бугунгинани, ўзимизгинани ўйлайдиган кўзи тор, уфқи сиқиқ кишилардан әмасмиз. Бизнинг ҳар ишнимиз умумхалқ манфаатини

¹ Ғафур Ғулом. Истиқбол умиди, «Қизил Ўзбекистон», 1960 йил 30 октябрь.

кўзда тутиб, эртани, индинни, минг йилги келажакни яшнатган истиқбол умидида барпо бўлади», дейди.

Адибнинг қарийб барча мақолаларида социалистик давр, коммунизм, ижодкор совет халқининг меҳнат қаҳрамонлиги зўр кўтарникилик билан тасвирланган. Унинг «Коммунизмнинг мужассам аломатлари»¹ номли мақоласида коммунизм — ижодий меҳнат туфайли реал ҳақиқатга айланаётгани, унинг ҳаётий, чинакам халқпарвар тузум ва бутун инсониятнинг орзуси эканлиги улуғланади. Горький асарларида социалистик революция йилларидаги кишиларнинг янги жамият қуриш ҳақидаги порлоқ идеаллари ифодалangan бўлса, Гафур Ғулом мақолаларида социализм жамиятини барпо этган, коммунизмнинг моддий-тэхника базасини қураётган совет кишиларининг реал ва романтик ўйлари ўзининг бадиий ифодасини топгандир.

Коллектив меҳнат лавҳасини яратиш Горькийнинг ажойиб ижодий хусусиятларидан бири бўлиб, бунда ёзувчи коллективнинг ички руҳий ҳолатини тасвирлаш орқали унинг маънавий дунёсини, олга томон интилишидаги ягона характер ва идея бирлигини ифодалайди. Гафур Ғулом ўзининг «Жон Андижоним» мақоласида халқни горькийчасига динамик ҳолда, яъни уни маданий-сиёсий ва маънавий савиясининг ўсиш жараёни-

¹ *Гафур Ғулом. Коммунизмнинг мужассам аломатлари.* «Ўзбекистон маданияти», 1960 йил 3 дебабрь.

ни акс эттириб, билим даражасини фарқ қилган ҳолда тасвиirlайди. Гафур Ғулом инсоннинг энг яхши хусусияти ва фазилатларини меҳнаткаш кишилардан топди ва уларнинг фаолиятидан излади. У фақат меҳнаткашлар ижодий фаолиятининг тадрижий равишда ўсишини ва қаҳрамонлигини кўрсатибгина қолмасдан, балки уларнинг матонати, чидами, меҳнатсезарликлари ва букилмас иродаларини ҳам моҳирлик билан баён этди.

Гафур Ғулом ўзининг бадиий публицистик мақолаларида улуғ инсон ҳақидаги Горький қарашларини ижодий ривожлантириб, ҳалқимизнинг коммунистик келажакка томон изчил ва актив ҳаракатларини оташин жанговарлик, чуқур партиявийлик ва юксак гражданлик пафоси билан ифодалайдики, бу унинг ижодий ўзига хос томонини белгилайди.

* * *

Горький мақолаларининг фактларга бойлиги, хулосаларнинг асосли ва мукаммаллиги, воқелик ва ҳодисалар ҳақидаги ранг-ранг умумлаштиришлик хусусиятлари, актуаллиги бўртиб туради. Унинг публицистик асарларида гоявий мақсаднинг, фикрнинг ривожланиши изчил, қатъий, мантиқий аниқдир. Ёзувчи асарларида образ, истиора, ҳажвий қиёслашлар, поэтик фигуralар етакчи гоявий нийтга бўйсундирилади. Ватан ва ҳалқ манфаатларини улуғлаш совет кишилари қиёфасида инсоният интилишлари ва

идеали билан чатишиб кетади. Горький публицистикасининг бу хусусиятлари шубҳасиз ўзбек ёзувчилари ижодиётига ўзининг самарали таъсирини кўрсатди, улар томонидан актив равишда ўзлаштирилди.

Воҳид Зоҳидов публицистикасининг энг кучли томонларидан бири бўлган эҳтиросли лирик интонацияда ҳам бу из бор. Ижодий услугуб ва методдаги, воқеликни ҳис этиш, сезиш, идрок ва тасаввур қилишдаги бу уйғунликни Воҳид Зоҳидовнинг «Қуёшга ўт очган газанда», «Ажойиб қонунимиз бор», «Офарин» каби бадиий публицистик мақолаларида аниқ кўрамиз.

Горький ижодида реалистик ва романтик тенденциялар тарихий шароитга кўра, бирбири билан алмашиниб туради. Ишчилар ҳаракатининг илк кўтарилиши жараёнларини дастлаб Горький романтик образларда ифодалаган эди. Бу хилдаги романтик хусусиятни биз атоқли ўзбек ёзувчиси Шароф Рашидовнинг шарқ тематикасида ёзилган «Кашмир қўшиғи» қиссасида кўрамиз. Шароф Рашидов ўзининг мазкур қиссасида ҳинд халқинингadolat ва тараққиёт учун курашларини романтик пафос билан куйлади. Дўстлик, аҳиллик,adolat учун кураш масалалари бу қиссада янгича характерлар орқали романтик образларда баён этилди. Шароф Рашидов асаридаги романтик тенденциялар ҳам тарихий перспектива билан социалистик идеалнинг коммунистик идеалга ўсиб чиқиши тенденцияси билан боғланиб кетган. Илгариги вақтда романтика кўпинча, ёзувчининг истиқбол ҳақидаги чуқур фан-

тазияси заминида майдонга келган бўлса, совет адабиётидаги романтизм реал романтика сифатида ана шу истиқбол ҳақидаги орзуларнинг ҳаётда рӯёбга чиқарилётганини, коммунистик идеалга келаётганимизни намоён этади. Социалистик реализм адабиётининг Горький томонидан асосланган бу романтик ва реалистик хусусиятлари Шароф Рашидовнинг бошқа асарлари каби бадиий публицистик мақолаларига ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан сингдириб юборилгандир.

М. Горький публицистикаси совет ёзувчи — публицистлари учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб қолди. Шу сабабли буюк адабиётнинг ҳар жиҳатдан ибратли традицияси кўп миллатли совет адабиёти намояндадари томонидан ижодий ривожлантирилмоқда, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Шароф Рашидов, Зулфия, Воҳид Зоҳидов, Асқад Мухтор, Ҳамид Гулом каби ўзбек ёзувчилари ҳам ўзларининг талантли публицистик мақолалари, репортажлари, йўл хотиралари билан буюк публицист Максим Горький анъаналарини муносиб равишда давом эттиргилар.

Горькийни эслаганда

1936 йил 18 июнь «Москва» меҳмонхонасининг олтинчи қаватдаги номерларидан бирида уч киши сұхбатлашиб ўлтириб әдик. Телефон жириңглади. Трубкани олиб қулоқ солдим. Кимнингдир пиқирлаб йиглаши телефон орқали эшитилмоқда әди. Мени бироз вақт изтиробга солған бу йиғи эгаси нафасини ростлаб олгандан кейин сүзлади.

— Эшитдингизми? — деди ўксисб йиглаб туриб бир хотин,— Максим Горький ўлибди...— Хотин бундан бошқа гап айттолмай яна йиглаб юборди. У хотин ўша вақтда Москвада гастролда юрган «Ҳамза» театрининг артистларидан бири әди.

Бутун вужудим қалтираб кетди. Бу хабарни эшитган ўртоқларим ҳам ўз ўринларида анқайиб қолган әдилар. Деразанинг олдига бориб күчага қарадим. Қора байроқлар тикилмоқда. Радиода Шопенning ғамгин мотам марши чалинмоқда. Құчадаги одамларнинг юзида қайғу ва ҳасрат белгилари күриниб турибди. Чунки Горький — ҳар бир киши учун дилдор ҳамсуҳбат, зериктирмас улфат әди.

Эртасига унинг тобути Колонна залига қўйилди. Горькийнинг жасадини кўриб, ви-долашиш учун келган кишилар шу қадар кўп эдики, Колонна залиниг атрофидаги кўчалардан машиналар ўтолмай қолди. Максим Горький ўзининг бутун ҳаётини шу халқ учун бағищлаган, унинг озодлиги учун фидокорлик билан курашган эди. Шунинг учун ҳам унинг номидаги катта кўчада, ўз дўст ва ғамхўрининг тобутини зиёрат қилиш учун йигилган пионерлар, ёшлар, чоллар ва кампирлар минг метрлаб чўзилган навбатда қизғин офтоб остида турмоқда эдилар.

Горький халқ ичида етишди, илгариги Русиянинг серкулфат гражданлари дучор бўлган азоб-үқубатларга у ҳам дучор бўлди. Дастреб бир парча нон гадоси бўлиб дайдиб, бутун Русияни кезиб чиқди. Халқнинг орзуларини билди, дардига қулоқ солди. Шунинг учун ҳам унинг «Она» сингари асарлари рус ишчиларини инқилобий руҳда тарбиялашда ҳақиқатан оналик хизматини тўла-тўкис бажарди.

Бир вақтлар Тютчев деган шоир: «Пушкин зирянлар билан ҳамсуҳбат бўлолмайди», деб ёзган эди. Энди Пушкин ва Горький асарлари фақат зирян (коми) халқининг тилига таржима қилинибгина қолмай, балки Коммунистик партия раҳбарлигига қолоқликдан чиқарилиб буюк совет халқлари оиласи қаторига қўшилган шимол халқлари, Кавказ миллатларининг тилларига таржима қилинди. Улуг рус халқининг Пушкин ва Горький сингари улкан ёзувчиларининг асарлари ҳамма миллат халқларининг қай-

та-қайта севиб ўқийтурган, ҳеч қачон қўлидан тушмайдиган китобларига айланди.

Горький ҳалқни севгани каби ҳалқ ҳам уни сезар, унга илҳом берар эди. Шунинг учун ҳам оқ эмигрантларнинг Горький ҳақидаги тұхматлари, муртад К. Радекнинг «Портретлар ва памфлетлар» деган китобида қылган бўхтонлари Горькийнинг обрўсини камайтира олмади. Улар ит акиллагандек ақиллаб қола бердилар. Горький ҳалқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилди. Ҳалқа ойдинлик ҳаёт йўлини кўрсатди. Ҳалқ Горькийнинг кимлигини ўбдан билиб олган эди. Максим Горький большевикларнинг ҳалқ-парварлигини ўбдан билар эди. Шунинг учун ҳам оврўпалик зиёлиларга жавобан Оврўпада чиқадурган «Европа» журналига ёзган хатида шундай деди:

«Ҳурриятни рад қилувчи большевиклар билан бирга бораётирманми? Ҳа, улар билан биргаман, чунки мен ҳалол меҳнат қилувчи ҳамма кишилар ҳуррияти учун тарафдорман, лекин ҳаромхўрлар ва маҳмаданалар ҳурриятига қаршиман».

Ленин улуг ёзувчи Горькийни жуда ҳурмат қиласр эди. Н. Крупская 1916 йил апрель ойида К. Карпинскийга юборган хатида Владимир Ильич «Горький асарларидан янгилари бўлса» юборишни сўраганини ёзган эди. Горький ана сил касалига мубтало бўлганида, 1921 йилда, Ленин унга хат юбориб чет мамлакатда даволанишни тавсия қилди: «Сиз қон қусяпсиз-ку, яна кетмайман дейсиз!.. Оврўпада яхши санаторияда ҳам даволанасиз, ҳам икки ҳисса кўп иш қиласиз.

Боринг, даволанинг. Ўжарлик қилманг, сиздан ўтинаман».

Партиямиз ва унинг раҳбарлари одамларнинг айниқса Ватанимизга катта хизмат қилган буюк кишиларнинг қадрини ҳўб яхши билади. Горький эса буюк Октябрь инқилобидан дарақ берган, бу инқилобни куйланган санъаткордир.

Максим Горький «Бўрон қуши»да «Гулдурасин, яна қаттиқроқ гулдурасин, бўрон!» деб ёзган әди. Русияда гулдураган бўрон золимларни тухуми билан қуритди. Энди бу бўрон бутун дунёда гулдурайди.

Максим Горький бутун кишилик дунёсининг ёзувчиси, у русга қанчалик севимли бўлса, ўзбекка ҳам мислсиз севимли устоздир. Шунинг учун ҳам ўзбек артисти унинг ўлганини эшлиб беихтиёр йиглаган экан, бу билан ўзбек халқининг ўзининг энг яқин кишисидан ажраганини изҳор қилган әди.

«Қизил Узбекистон», 1940 йил 18 июнь.

МУНДАРИЖА

I

<i>Н. К. Крупская.</i> Ленин ва Горький	5
<i>М. Ульянова.</i> Ленин ва Горький	11
<i>М. Андреева.</i> Ленин ва Горький.	14
<i>Максим Горький.</i> Автобиография.	24

II

<i>Бизнинг Горький (Ўзбекистон Шўро ёзувчилари ташкилоти комитетидан)</i>	54
<i>Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзидан</i>	56
<i>Садриддин Айний.</i> Буюк устознинг унтуилмас хотираси	58
Горький ижодиётини сақлаймиз ва	
ўрганамиз	67
<i>Ойбек.</i> Ҳурматим чексиз	70
<i>Ойбек.</i> Горький (шеър)	73
<i>Ғафур Ғулом.</i> Устоз билан учрашув	75
<i>Ҳамид Олимжон.</i> Горькийни таниш	77
Ёзувларнинг омонсиз ёви	79
Буюк санъаткор.	85
Устоз ҳақида фикрлардан	89
<i>Ҳамид Олимжон.</i> М. Горькийни ўқиркан (шеър)	91
Горький ҳақида (шеър)	93

<i>Абдулла Қаҳзор. Ҳаётномадан</i>	95
<i>Ғайратий. Қўнглимга дод солди ўлиминг</i>	96
<i>Комил Яшин. Улуг устоз</i>	97
<i>М. Шайхзода. Инсон</i>	104
Адабиётимизнинг ўлмас вижданни	111
Ўлим (шеър)	113
<i>Шароф Рашидов. Устоз</i>	115
Улуғ пролетар ёзувчиси	118
<i>Парда Турсун. Ёшларнинг дўсти, меҳрибон устози</i>	122
<i>Ҳусайн Шамс. Мен унинг уйида бўлдим</i>	125
Горький билан учрашганда	126
<i>Амин Умарий. Ҳаёт лирикаси</i>	128
<i>Н. Сафлов. Қўёпшдек барқарор</i>	131
<i>А. Мухтор. Устозга муносиб бўлиш масъулияти</i>	136
<i>Ҳ. Носирова. Мен Горькийдан ўргандим</i>	139

III

<i>Иzzат Султонов. Буюк устоз</i>	140
Устоз ҳақида ўйлардан	145
<i>Лазиз Қаюмов. Горький ва Ўзбекистон</i>	148
Халқ, унинг ижоди ва тарихи хусусида	149
Дўстни таниш тарихидан	160
Совет адабиётининг отахони эди у	170
Шарқдаги шуҳратидан бир шингил	180
<i>Наби Раҳимов. Горький ва Айний.</i>	185
<i>Солиҳ Қосимов. М. Горький ва туркистонлик аёл</i>	203
<i>М. Ҳусаинов. Ўзбек бадиий публицистикасида</i>	
Горький традициялари	207
<i>Н. Ҳабибуллаев. Горькийни эслаганда.</i>	218

СТЕНКА

На узбекском языке

**ВОСПОМИНАНИЯ И СТАТЬИ
О М. ГОРЬКОМ**

Редактор X. Пүлатов

Рассом К. Кирмакди

Расмлар-редактори Н. Холиков

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор М. Абдушукурова

Босмахонага берилди 22/1-1968 йил. Босишга
рухсат этиди 9/IV-1968 йил. Формати $70 \times 90\frac{1}{32}$.
Босма л. 7,0. Шартлай босма л. 8,19. Нашр л. 7,12.
Тиражи 5000. Р 04426. Фаур Ғулом номидаги ба-
дий адабиёт нашрёти. Тошкент, Навоий кӯчаси,
30. Шартнома № 18—68.

**Ўазбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот
Давлат комитетининг 3-bosmaхонасида № 1
коғозга босилди. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
1968 йил. Заказ 83, Баҳоси 58 т.**